

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ**  
**ТЎПЛАМИ**

**51-сон**  
**(135)**  
**2004 й.**  
**декабрь**

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:*

*тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Олий Мажлиснинг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва фармойишлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

**МУНДАРИЖА**

*Биринчи бўлим*

512. «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 2 декабрдаги 702–II-сон Қонуни
513. «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2004 йил 2 декабрдаги 703–II-сон қарори
514. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 августдаги 714–II-сон Қонуни

*Учинчи бўлим*

515. «Телерадиоэшиттириш соҳасида радиочастота спектридан самарали фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 20 декабрдаги 592-сон қарори
516. «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида» Ўзбекис-

- тон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 декабрдаги 595-сон қарори
517. «Ўзбекистон Республикасининг Хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислом корпорациясига аъзолиги тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 21 декабрдаги 596-сон қарори
518. «Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 сентябрдаги 407-сон қарорини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 22 декабрдаги 599-сон қарори

#### *Бешинчи бўлим*

519. «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2002 йил 27 декабрдаги 140-сон Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисидаги буйруғига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2004 йил 9 декабрдаги 129-сон буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 20 декабрда 1209-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2004 йил 18 декабрдан 24 декабргача бўлган маълумот

## БИРИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

## 512 Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида

### I. Умумий қоидалар

#### 1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

#### 2-модда. Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

#### 3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**жамғариб бориладиган ихтиёрий пенсия бадаллари** — шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига ихтиёрийлик асосида киритиладиган пул маблағлари;

**жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадаллари** — шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига мажбурий тартибда киритиладиган пул маблағлари;

**жамғариб бориладиган пенсия бадалларини киритувчи (бадал киритувчи)** — жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчининг фойдасига бадаллар киритаётган жисмоний шахс ёки иш берувчи юридик шахс (бундан буён матнда иш берувчи деб юритилади);

**жамғариб бориладиган пенсия таъминоти** — фуқароларни шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағлардан давлат пенсиясига қўшимча равишда пул маблағлари билан таъминлаш;

**шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи** — фуқаронинг Халқ банкидаги эгаси ёзилган шахсий ҳисобварағи бўлиб, бадал киритувчиларнинг жамғариб бориладиган пенсия бадаллари ва шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидаги маблағларга ҳисоблаб қўшилган фоизлар ана шу ҳисобвараққа келиб тушади ҳамда унда ҳисобга олинади.

**4-модда. Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти олиш ҳуқуқи**

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар жамғариб бориладиган пенсия таъминоти олиш ҳуқуқига эга.

**5-модда. Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти бўйича давлат кафолатлари**

Давлат жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этувчи фуқароларга шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларида жамғарилган маблағлари сақланиши ҳамда тўланишини кафолатлайди.

**II. Жамғариб бориладиган пенсия тизимини ташкил этиш****6-модда. Жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этиш**

Иш берувчиларнинг, шунингдек меҳнат фаолиятини меҳнат шартномаси асосида амалга оширувчи фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этиши, агар қонун ҳужжатларида бошқача қоидалар назарда тутилмаган бўлса, мажбурийдир.

Якка тартибдаги тадбиркорлар, юридик шахс ташкил этмаган ҳолдаги деҳқон хўжалиқларининг аъзолари, шунингдек бошқа фуқаролар жамғариб бориладиган пенсия тизимида ихтиёрийлик асосида иштирок этадилар.

**7-модда. Фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олиш**

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида мажбурий тартибда иштирок этувчи фуқароларни ҳисобга олиш иш берувчининг талабномасига мувофиқ мазкур фуқароларнинг асосий иш жойидаги Халқ банки филиалида амалга оширилади.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида ихтиёрийлик асосида иштирок этувчи фуқароларни ҳисобга олиш уларнинг аризасига мувофиқ мазкур фуқароларнинг яшаш жойидаги Халқ банки филиалида амалга оширилади.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олиш қўйидагиларни ўз ичига олади:

шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари очиш;

жамғариб бориладиган пенсия дафтарчасини бериш.

Халқ банки жамғариб бориладиган пенсия тизимида фуқароларнинг шахсий ҳисобини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиладиган тартибда юритади.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида фуқароларнинг шахсий ҳисобини юриштишга доир ҳамда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига тааллуқли маълумотлар Халқ банкининг ягона маълумотлар электрон базасида шакллантирилади ва сақланади.

**8-модда. Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари очиш**

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олинаётганда фуқароларга Халқ банки умрбод қилиб белгиладиган, доимий шахсий тартиб рақамли шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари очади. Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига тартиб рақами бериш фуқароларнинг паспортидаги маълумотлар асосида амалга оширилади.

Фуқароларнинг яшаш ёки иш жойи ёхуд паспортидаги маълумотлар ўзгарган тақдирда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи тартиб рақами ўзгаришсиз қолади ва янги шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи очиш талаб этилмайди.

**9-модда. Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси**

Фуқаронинг жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳуқуқини тасдиқловчи жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси фуқарога шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи очилганидан кейин Халқ банки томонидан берилди.

Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчасида ҳисобга олинган сана, фуқаронинг шахсига оид маълумотлар, шу жумладан шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағининг тартиб рақами, шунингдек бошқа зарур маълумотлар кўрсатилади. Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчасини бериш тартиби ва бундай дафтарча шакли Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси йўқотиб қўйилган (йўқолган) тақдирда унинг дубликати шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағининг ўша тартиб рақами қўйилган ҳолда берилди.

**10-модда. Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларида маблағларнинг шакллантирилиши**

Жисмоний шахсларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган даромад солиғининг тегишлича камайтирилган суммаси ҳисобига жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларини иш берувчи ҳар ойда тўлаб боради.

Жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларининг миқдори ходимларнинг, шу жумладан ишлаётган пенсионерларнинг иш ҳақи ва бошқа даромади суммаси асосида ҳисоблаб чиқарилади ҳамда ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан навбатдаги йилга мўлжалланган Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетини шакллантириш вақтида белгиланади.

Иш берувчига ўзининг маблағлари ҳисобидан ўз ходимларининг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига қўшимча бадаллар тўлаш ҳуқуқи берилди. Қўшимча бадалларнинг миқдори ва уларни киритиш муддатлари жамоа шартномасида, агар бундай шартнома тузилмаган бўлса, иш берувчи томонидан ходимларнинг вакиллик органи билан келишиб белгиланади.

Иш берувчининг жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларини тўлаши учинчи шахсларнинг фойдасига амалга оширилиши мумкин эмас.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида мажбурий тартибда иштирок этувчи фуқаролар ўз шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига, шунингдек учинчи шахслар фойдасига ўзлари мустақил равишда белгилайдиган миқдорлар ва муддатларда қўшимча бадаллар киритишга ҳақли.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида ихтиёрийлик асосида иштирок этувчи фуқаролар ўз шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига, шу жумладан учинчи шахслар фойдасига киритиладиган бадаллар миқдори ва муддатларини ўзлари мустақил равишда белгилайдилар.

Халқ банки шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағларга пул қадрсизланишига нисбатан юқори суръатлардаги ставкалар бўйича фоизларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳисоблаб қўшади. Фоиз ставкаси Халқ банки томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан келишиб, жамғариб бориладиган

пенсия тизимининг маблағларини жойлаштиришдан олинган даромадлар ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.

**11-модда. Шахсий жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини шакллантириш**

Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағлари Халқ банкида шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларида маблағларни жамлаш йўли билан шакллантирилади.

Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларида маблағларни шакллантириш манбалари қуйидагилардан иборат:

жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадаллари;

жамғариб бориладиган ихтиёрий пенсия бадаллари;

шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари маблағларига ҳисоблаб чиқарилган фоизлар;

конун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа маблағлар.

**12-модда. Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларидан фойдаланиш**

Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларидан жамғариб бориладиган пенсия тўловлари тўлаш учун фойдаланилади.

Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларидан жамғариб бориладиган пенсия тизими билан боғлиқ бўлмаган мажбуриятларни бажариш учун фойдаланиш мумкин эмас.

Халқ банки жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларининг алоҳида ҳисобини юритади.

Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини кўпайтириш ҳамда уларни пул қадрсизланишидан ҳимоя этиш мақсадида бундай маблағлардан инвестиция ва кредит ресурслари сифатида, шунингдек молиявий воситаларга жойлаштириш учун фойдаланилиши мумкин.

Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларидан инвестиция ва кредит ресурслари сифатида фойдаланиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда Халқ банки томонидан амалга оширилади.

Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини молиявий воситаларга жойлаштириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан белгиланади.

**13-модда. Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига маблағларнинг келиб тушиши ва улардан фойдаланилиши устидан назорат**

Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари очиш ҳамда уларни юритиш тартибига риоя этилиши, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларининг тўғри ва тўлиқ ҳисоблаб чиқарилиши ҳамда ўз вақтида тўланиши устидан назорат конун ҳужжатларида белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги органлари, давлат солиқ хизмати органлари ва Халқ банки томонидан амалга оширилади.

Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағлардан белгиланган мақсадда фойдаланилиши ҳамда фоизлар тўғри ҳисоблаб чиқарилиши устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан, шунингдек Халқ банкнинг шу мақсад учун махсус ташкил этилган бўлинмаси томонидан амалга оширилади.

**14-модда. Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини солиқ солишдан озод қилиш**

Жамғариб бориладиган мажбурий пенсия бадалларидан, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағларга ҳисоблаб чиқарилган фонизлардан ҳамда бундай маблағлар фойдаланилишидан фуқаролар ва Халқ банки оладиган бошқа даромадлардан, жамғариб бориладиган пенсия тўловларидан, шунингдек жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағлари айланмасидан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар олинмайди.

**15-модда. Жамғариб бориладиган пенсия бадаллари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш**

Жамғариб бориладиган пенсия бадаллари киритилганлиги тўғрисидаги тўлов ҳужжати нусхасини, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари тартиб рақами, фамилиялар, ҳар бир ходимнинг ҳисоблаб чиқарилган иш ҳақи суммаси, бошқа даромадлари ва жамғариб бориладиган пенсия бадаллари суммаси кўрсатилган ходимлар реестрини иш берувчи ўзи турган жойдаги Халқ банки филиалига ҳар ойда тақдим этиши шарт.

Халқ банки ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган тўлов ҳужжати ва реестр асосида маблағларни шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ўтказади.

**III. Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш тартиби****16-модда. Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳуқуқи**

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этувчи фуқаролар пенсия тўловлари олувчи сифатида жамғариб бориладиган пенсия тўловларини қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи юзага келган тақдирда олиш ҳуқуқига эга.

**17-модда. Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини айрим ҳолларда олиш ҳуқуқи**

Фуқаро вафот этган тақдирда, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғарилган маблағлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меросга ўтади ва меросхўрга бир йўла тўла ҳажмда тўланади.

Фуқаро Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига доимий яшаш жойига чиқиб кетаётган бўлса, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғарилган маблағлар бир йўла тўла ҳажмда тўланади.

**18-модда. Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома**

Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчининг яшаш жойидаги туман ёки шаҳар ижтимоий таъминот бўлими қонун ҳужжатларида белгиланган шаклда бериладиган жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома бундай тўловларни олиш учун асос бўлади.

Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномани бериш сўралган аризани ушбу Қонун 6-моддасининг биринчи қисмида кўрсатилган фуқаролар иш берувчи орқали, ушбу Қонун 6-моддасининг иккинчи қисми-

да кўрсатилган фуқаролар эса бевосита яшаш жойларидаги туман ёки шаҳар ижтимоий таъминот бўлимига берадилар.

Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномада жамғариб бориладиган пенсия тўловлари бошланадиган сана кўрсатилади.

Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома бундай тўловларни олувчига ариза туман ёки шаҳар ижтимоий таъминот бўлимига келиб тушган кундан эътиборан беш иш куни ичида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан белгиланган тартибда берилади.

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома ўз вақтида берилишини таъминлайди ҳамда берилган гувоҳномалар ҳисобини юритади.

**19-модда. Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олишда танлаш ҳуқуқи**

Тўловларни олувчилар ўзлари мустақил равишда белгилайдиган муддат мобайнида ҳар ойлик жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олишни ёки жамғариб бориладиган пенсия тўловларини бир йўла олишни танлаш ҳуқуқига эга.

**20-модда. Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини тўлаш**

Жамғариб бориладиган пенсия тўловлари туман ёки шаҳар ижтимоий таъминот бўлими томонидан берилган жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома асосида бундай тўловларни олувчининг яшаш жойидаги Халқ банки филиали томонидан тўланади.

Жамғариб бориладиган пенсия тўловлари уларни олиш учун мурожаат этилган ойдан кейинги ойдан эътиборан, лекин бундай тўловларни олувчида давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи юзага келгач, тўланади.

Бундай тўловларни олувчилар шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидан маблағларни қонун ҳужжатларига мувофиқ берилган ҳужжатлар асосида ишончли шахслар орқали олишлари мумкин.

**21-модда. Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари**

Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчи куйидаги ҳуқуқларга эга: шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидан тўловларни белгиланган тартибда олиш;

шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидаги жамғармаларининг ҳолати тўғрисида, шунингдек шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидаги маблағларга ҳисоблаб чиқарилган фоизлар ҳақида ахборот олиш;

шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидаги жамғармаларини қонун ҳужжатларига мувофиқ васият қилиб қолдириш.

Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчи Халқ банкининг мазкур тўловчи олдидаги мажбуриятларини бажаришига таъсир қилувчи ўзгаришлар тўғрисида Халқ банки филиалига хабар қилиши шарт.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ, жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчи бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши ва унинг зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

**22-модда. Жамғариб бориладиган пенсия бадалларини киритувчиларнинг мажбуриятлари**

Жамғариб бориладиган пенсия бадалларини киритувчилар Халқ банки филиалига жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олиш учун зарур маълумотларни тақдим этишлари ҳамда фуқароларнинг шахсига оид маълумотлар билан боғлиқ барча ўзгаришлар (меҳнат шартномаси тузилганлиги ёки бекор қилинганлиги, паспортдаги маълумотлар ҳамда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларини юритиш учун зарур бошқа маълумотлар ўзгарганлиги) тўғрисида хабар қилишлари шарт.

Иш берувчилар шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига бадалларни ўз вақтида киритишлари ҳамда фуқароларга ҳисоблаб чиқарилган ва киритилган жамғариб бориладиган пенсия бадаллари тўғрисидаги маълумотларни уларнинг талабига мувофиқ беришлари шарт.

**23-модда. Халқ банкининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари**

Халқ банки:

жамғариб бориладиган пенсия бадалларини киритувчилардан шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари очиш ва уларни юритиш учун зарур маълумотларни олиш;

жамғариб бориладиган пенсия тизимининг маблағларини инвестициялашдан олинган даромаддан маржа олиш ҳуқуқига эга. Маржа миқдори Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади.

Халқ банки:

қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари очиши ва юритиши;

шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига киритилаётган бадаллар ва ҳисоблаб чиқарилган фоизларни шахслар бўйича ҳисобга олиб бориши;

жамғариб бориладиган пенсия бадалларининг ҳамда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағларга ҳисоблаб чиқарилган фоизларнинг ўз вақтида ва тўла ҳажмда ўтказилишини таъминлаши;

жамғариб бориладиган пенсия тўловларининг миқдори ўз вақтида ва тўғри тайинланишини, шунингдек улар бундай тўловларни олувчиларга тўлиқ берилишини таъминлаши;

жамғариб бориладиган пенсия тизимининг маблағларини молиявий воситаларга жойлаштириш ҳамда бундай маблағлардан инвестиция ва кредит ресурслари сифатида фойдаланиш йўли билан шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидаги маблағларнинг сақланишини, кўпайтирилишини ва пул қадрсизланишидан ҳимоя қилинишини таъминлаши;

шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари ҳолати тўғрисида фуқароларни ҳар йили, шунингдек уларнинг мурожаатига асосан хабардор қилиши;

шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига алоқадор ҳужжатлар ҳамда ёзувларнинг сақланишини таъминлаши шарт.

Қонун ҳужжатларига мувофиқ, Халқ банки бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши ва унинг зиммасида бошқа мажбуриятлар ҳам бўлиши мумкин.

**IV. Яқунловчи қоидалар****24-модда. Жамғариб бориладиган пенсия тўловлари тўлашни тугатиш**

Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини тўлаш қуйидаги ҳолларда тугатилади:

шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғарилган маблағлар батамом тугаганда;

бундай тўловларни олувчи шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғарилган жами суммани меросга ўтказиш мақсадида тўловларни олишдан ёзма равишда нотариал тасдиқланган тартибда воз кечганда;

давлат пенсиясини олиш ҳуқуқини йўқотганда.

**25-модда. Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини ушлаб қолиш ёки тўхтатиб туриш**

Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини ушлаб қолиш ёки тўхтатиб туриш суд қарорлари ва бошқа органларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ижро этиладиган ҳужжатлари асосида амалга оширилиши мумкин.

**26-модда. Низоларни ҳал қилиш**

Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

**27-модда. Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 2 декабрь,  
702–II-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ

## **513 «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**

«Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 2005 йил 1 январдан эътиборан амалга киритилсин.

Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати (Ш. Мирзиёев) ўз қарорларини «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирсин, вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда идоралар мазкур Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 2 декабрь,  
703-II-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

## **514 Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида**

**I.** Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритилсин:

**1.** Ўзбекистон Республикасининг 1989 йил 21 октябрда қабул қилинган «**Давлат тили ҳақида**»ги Қонунининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тасдиқланган янги таҳрири (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 257-модда) **7-моддасининг учинчи қисмидаги** «Олий Мажлис тегишли қўмитасининг» деган сўзлар «Олий Мажлис палаталари тегишли қўмиталарининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**2.** Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 15 февралда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида**»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1991 йил, № 4, 76-модда; 1992 йил, № 9, 363-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ах-

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.*

боротномаси, 1997 йил, № 4-5, 126-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда):

1) **3-моддасининг иккинчи қисмидаги** «ва Қорақалпоғистон Республикаси» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **4-моддасининг иккинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Барча жамоат бирлашмалари ўз уставларида, бошқа ҳужжатларда назарда тутилган вазифаларни бажаришда Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунлари доирасида иш кўрадилар»;

3) **16-моддасининг учинчи қисмидаги** «Олий Мажлисида» деган сўзлар «Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**3. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 14 июнда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолияти тўғрисида»**ги Қонуни 2000 йил 26 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тасдиқланган янги тахрири (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 5-6, 148-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда):

1) **17-моддаси биринчи қисмининг саккизинчи хатбошисидаги** «қурол-яроғлар, ҳарбий техника, икки хил мақсадда ишлатилиши мумкин бўлган товарлар ва технологияларга» деган сўзлар «ўз хосса ҳамда хусусиятларига кўра ялпи қирғин қуролини (ядровий, кимёвий, бактериологик (биологик) ва захарловчи қурол) ҳамда уни етказиб бериш воситаларини (ракеталар ва ялпи қирғин қуролини етказиб беришга қодир бошқа техника воситаларини), бошқа турдаги қурол-яроғ ҳамда ҳарбий техникани яратишда муҳим ҳисса қўшиши мумкин бўлган, экспорт назорати объектлари рўйхатларида кўрсатилган товарлар, асбоб-ускуналар, илмий-техника ахбороти, ишлар ва хизматлар, интеллектуал фаолият натижаларига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **22-моддасининг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўз хосса ҳамда хусусиятларига кўра ялпи қирғин қуролини (ядровий, кимёвий, бактериологик (биологик) ва захарловчи қурол) ҳамда уни етказиб бериш воситаларини (ракеталар ва ялпи қирғин қуролини етказиб беришга қодир бошқа техника воситаларини), бошқа турдаги қурол-яроғ ҳамда ҳарбий техникани яратишда муҳим ҳисса қўшиши мумкин бўлган, экспорт назорати объектлари рўйхатларида кўрсатилган товарлар, асбоб-ускуналар, илмий-техника ахбороти, ишлар ва хизматлар, интеллектуал фаолият натижаларига нисбатан ташқи иқтисодий фаолият амалга ошириладиганда Ўзбекистон Республикасининг миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек халқаро мажбуриятларга риоя этиш мақсадида Ўзбекистон Республикасида экспорт назорати тизими амал қилади. Экспорт назорати объектлари рўйхатлари, шунингдек уларни олиб чиқиш ва улардан фойдаланиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади».

**4. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида»**ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 1, 27-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 5, 124-модда) **5-моддасининг:**

**1-банди учинчи хатбошисидаги** «Олий Мажлисининг» деган сўзлар «Олий Мажлиси палаталарининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**2-бандидаги** «Советларининг» деган сўз «Кенгашларининг» деган сўз билан алмаштирилсин;

**4-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«4) Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенати аъзолари, халқ депутатлари Кенгашларининг депутатлари сайлови ёки референдум кунларида — овоз бериш ўтказилаётган бинолар ва хоналарда»;

**6-бандидаги** «Олий Мажлисининг Раиси» деган сўзлар «Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикери, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Раиси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**5.** Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида**»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 1, 34-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 3, 38-модда; 1999 йил, № 9, 206-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда) тегишли **моддалари** уларни кейинги вақтларда қабул қилинган, сайлов билан боғлиқ қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқлаштириш зарурати билан, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига киритилган ўзгартишлар ва тузатишларни инобатга олган ҳолда қуйидаги таҳрирда қабул этилади:

**1-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови**

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини Ўзбекистон Республикаси фуқаролари умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан амалга оширадилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган, бевосита сайловгача камида ўн йил Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси сайланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти етти йил муддатга сайланади.

**4-модда. Сайловнинг сайлов комиссиялари томонидан ўтказилиши**

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказишни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси, округ ва участка сайлов комиссиялари таъминлайди.

Марказий сайлов комиссияси «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ тузилади.

Округ сайлов комиссияларининг аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари тавсиясига биноан Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланади.

Участка сайлов комиссияларининг аъзолари халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашлари тавсиясига биноан тегишли округ сайлов комиссиялари томонидан тасдиқланади.

**5-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишдаги ошкоралик**

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишни сайлов комиссиялари очиқ ва ошкора амалга оширадилар.

Сайлов комиссиялари фуқароларни ўз ишларидан, сайлов округлари, участкалари тузилганлиги, сайлов комиссияларининг таркиби, уларнинг жойлашган ери ва иш вақтидан воқиф этадилар, сайловчиларнинг рўйхатлари, сайловда иштирок

этаётган сиёсий партияларнинг рўйхати билан таништирадилар, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар хусусидаги маълумотлар, овоз бериш ва сайлов яқунларидан хабардор қиладилар.

Ўзбекистон Республикасининг оммавий ахборот воситалари сайловга тайёргарликнинг бориши ва сайлов қандай ўтаётганлигини ёритиб борадилар.

Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек ҳар бир сайлов участкасида сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан биттадан кузатувчи, матбуот, телевидение ва радио вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар. Уларнинг ваколатлари тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган бўлиши керак.

Манфаатдор ташкилотлар ўз кузатувчилари тўғрисида округ сайлов комиссияларига сайловдан камида ўн беш кун олдин маълум қиладилар.

Округ сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланадиган намунадаги мандатни манфаатдор ташкилотдан ариза олинганидан кейин беш кун ичида кузатувчи учун беради.

Кузатувчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатишга бағишланган йиғилишларда, округ ва участка сайлов комиссияларининг мажлисларида ҳозир бўлиш;

сайлов участкасида ҳозир бўлиш ҳамда тайёргарлик ишларининг боришини, овоз бериш учун сайлов қутиларининг жойлаштирилиши ва муҳрланишини, фуқароларга сайлов бюллетенларининг берилишини кузатиш;

овозларни санаб чиқишда ва участка сайлов комиссиясининг баённомасини тузишда ҳозир бўлиш;

сайлов натижалари тўғрисидаги ҳужжатларнинг тегишли сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган нусхаларини сўраш ва уларни олиш;

агар сайлов участкасида ушбу Қонуннинг бузилишига йўл қўйилган деб ҳисоблаш учун асос бўлса, ўз кузатувлари тўғрисида юқори комиссияга маълум қилиш.

Кузатувчиларга қуйидагилар ман этилади:

сайловчи сайлов бюллетенига ўз белгисини қўяётган пайтда овоз бериш кабинасида бўлиш;

сайловчиларга таъсир ўтказиш, бирон-бир ташвиқот материали ёки адабиёти тарқатиш;

сайловчилардан улар кимни ёқлаб овоз берганликларини суриштириш ёки сайловчиларга бюллетенга белги қўйишда бирон-бир тарзда ёрдам кўрсатиш;

участка сайлов комиссиясининг фаолиятига, шу жумладан сайлов қутиларини муҳрлашда, уларни очишда, овозларни санаб чиқишда аралашш.

**7-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Сайловни ўтказишнинг ушбу Қонунда назарда тутилган қоидалари ҳамда тартибини бузувчи шахслар, Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлаш ва Президентликка сайланиш, сайловолди ташвиқоти олиб бориш ҳуқуқларини эркин равишда амалга оширишига зўравонлик, алдаш, таҳдид қилиш ёки бошқа йўл билан қаршилик кўрсатувчи шахслар, шунингдек сохта сайлов ҳужжатлари тузган, овозларни атайин нотўғри санаб чиққан, овоз бериш яширинлигини бузган ёки ушбу Қонун бошқача тарзда бузилишига йўл қўйган сай-

лов комиссияларининг аъзолари, давлат ва жамоат органларининг мансабдор шахслари қонунда белгиланган йўсинда жавобгар бўладилар. Номзодларнинг шаъни ва қадр-қимматига доғ туширадиган сохта маълумотларни эълон қилган ёки бошқа йўсинда тарқатган, сайлов комиссиялари аъзоларига нисбатан ҳақоратомуз муносабатга йўл қўйган шахслар ҳам жавобгарликка тортиладилар.

Овоз бериш кунига қадар қолган беш кун ичида, шунингдек овоз бериш кунини жамоат фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари прогнозларини ва ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни нашр этиш (эълон қилиш), шунингдек уларни умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқларига (шу жумладан Интернет тармоғига) жойлаштириш тақиқланади.

## **II боб. Сайлов кампанияси бошланганлигини эълон қилиш ва сайлов комиссияларини тузиш**

### **8-модда. Сайлов кампанияси бошланганлигини эълон қилиш**

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси бошланганлиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколат муддати тугашидан камида уч ой олдин Марказий сайлов комиссияси томонидан оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

### **9-модда. Сайлов округларини тузиш**

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи сайлов округларини Марказий сайлов комиссияси Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри чегаралари доирасида тузади.

Марказий сайлов комиссияси сайлов округлари рўйхатларини сайловчилар сонини ҳамда округ сайлов комиссиялари қаерда жойлашганлигини кўрсатган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига камида етмиш беш кун қолганида эълон қилади.

### **11-модда. Сайлов участкаларини тузиш тартиби ва нормаси**

Сайлов участкалари туман, шаҳар ҳокимликларининг тақдимномасига биноан округ сайлов комиссиялари томонидан тузилади. Ҳарбий қисмларда сайлов участкалари қисмлар ёки ҳарбий қўшилмалар командирларининг тақдимномасига биноан округ сайлов комиссиялари томонидан тузилади. Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида сайлов участкалари Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг тақдимномасига биноан Марказий сайлов комиссияси томонидан тузилади.

Сайлов участкалари сайловга камида олтимиш кун қолганида тузилади. Ҳарбий қисмларда, Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида, шунингдек олис ва бориш қийин бўлган ерларда ҳам сайлов участкалари ана шу муддатда, айрим ҳолларда эса истисно тариқасида сайловга камида беш кун қолганида тузилади.

Сайлов участкалари, қоида тариқасида, камида 20 нафар ва кўпи билан 3000 нафар сайловчидан иборат этиб тузилади.

Овоз беришни ташкил этиш учун ҳар бир сайлов участкасига туман, шаҳар ҳокимлиги бино ажратади.

Округ сайлов комиссияси участка сайлов комиссиясининг ва овоз бериш биносининг жойлашган ерини кўрсатган ҳолда ҳар бир сайлов участкасининг чегаралари тўғрисида сайловчиларни хабардор этишни ташкил қилади.

**13-модда. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясини тузиш**

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясини тузиш тартиби «Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан белгиланади.

**14-модда. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ваколатлари**

Марказий сайлов комиссиясининг мажлислари, агар уларда комиссиянинг мажлис бўладиган кундаги мавжуд таркибининг камида учдан икки қисми ҳозир бўлса, ваколатли ҳисобланади.

Марказий сайлов комиссияси:

1) Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ушбу Қонуннинг ижросини назорат қилади ва унинг бир хил тарзда қўлланилишини таъминлайди, сайловни ташкил этишга доир масалалар юзасидан ўз ваколатлари доирасида йўриқномалар чиқаради ҳамда тушунтиришлар бериб боради;

2) сайлов комиссиялари фаолиятини йўналтириб боради; Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг қарорларини, агар бу қарорлар ушбу Қонунга зид бўлса, бекор қилади; сайлов комиссиялари таркибига ўзгартишлар киритиш тартибини белгилайди;

3) сайлов округларини тузади, уларга ном ва тартиб рақами беради;

4) Ўзбекистон Республикасидан ташқарида тузиладиган сайлов участкаларини қайси сайлов округига биркитиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этади;

4<sup>1</sup>) Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатган сиёсий партияларнинг, сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг тегишли ҳужжатларини қабул қилиб олади;

5) Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайлов кампаниясида иштирок этишлари учун тенг шароитларни таъминлайди;

6) оммавий ахборот воситаларининг сайлов кампаниясида иштирок этиши ва улардан ушбу Қонунга мувофиқ фойдаланилиши тартибини белгилайди;

7) пул маблағларини сайлов комиссияларига тақсимлайди; сайлов комиссияларининг бинолар, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминланишини назорат қилади ҳамда сайловни моддий-техника жиҳатидан таъминлашнинг бошқа масалаларини кўриб чиқади;

8) Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига доир сайлов бюллетенларининг ва варақаларининг, сайловчилар рўйхатининг, сайлов комиссиялари баённомаларининг, сайловга оид бошқа ҳужжатларнинг шаклларини, сайлов қутилари-нинг ва сайлов комиссиялари муҳрларининг намуналарини, сайловга доир ҳужжатларни сақлаш тартибини белгилайди;

9) давлат органлари, сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари ва бошқа жамоат бирлашмалари вакилларининг сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ахборотларини эшитади;

10) Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олади, сайловнинг республика бўйича умумий яқунларини чиқаради, сайлов яқунлари тўғрисидаги ахборотларни матбуотда эълон қилади;

10<sup>1</sup>) сайланган шахсга Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланганлиги тўғрисида намунаси қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган гувоҳнома топширади;

11) сайлов комиссияларининг қарорлари ва хатти-ҳаракатлари устидан туш-

ган ариза ҳамда шикоятларни кўриб чиқади ва улар юзасидан узил-кесил қарорлар чиқаради;

12) Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги Қонун жиноий жавобгарликка тортишга сабаб бўладиган тарзда бузилганлиги ҳақидаги материалларни прокуратура органларига оширади;

13) ушбу Қонун ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонунларига мувофиқ ўзга ваколатларни амалга оширади.

**15-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларини тузиш**

Округ сайлов комиссияси Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловга камида етмиш кун қолганида комиссиянинг раиси, раис ўринбосари, котиби ва камида 6—8 нафар аъзосидан иборат таркибда тузилади. Округ сайлов комиссиясининг шахсий таркиби Марказий сайлов комиссиясининг қарори билан тасдиқланади.

**16-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи округ сайлов комиссияларининг ваколатлари**

Округ сайлов комиссияси:

1) бутун округ ҳудудида ушбу Қонуннинг ижросини назорат қилади ва унинг бир хил тарзда қўлланилишини таъминлайди;

2) сайлов участкаларини тузади, уларнинг округ бўйича тартиб рақамини белгилайди, манзилини кўрсатган ҳолда уларнинг рўйхатини эълон қилади, участка сайлов комиссияларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

3) Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайлов кампаниясида иштирок этишлари учун тенг шароитларни таъминлайди;

4) сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари вакилларининг, сайлов округи ҳудудида жойлашган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар раҳбарларининг сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказиш билан боғлиқ масалалар юзасидан ахборотларини эшитади;

5) сайловчиларнинг рўйхатлари тузилишини ва уларнинг ҳамма танишиб чиқиши учун тақдим этилишини кузатиб боради;

6) пул маблағларини участка сайлов комиссияларига тақсимлайди, сайлов комиссияларининг бинолар, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминланишини назорат қилади ҳамда сайловни моддий-техника жиҳатидан таъминлашнинг бошқа масалаларини кўриб чиқади;

7) округ бўйича сайлов яқунларини чиқаради ва маълумотларни Марказий сайлов комиссиясига тақдим этади;

8) участка сайлов комиссияларининг қарорлари ва хатти-ҳаракатлари устидан тушган ариза ҳамда шикоятларни кўриб чиқади ва улар юзасидан қарорлар қабул қилади;

9) ушбу Қонунга мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

**17-модда. Участка сайлов комиссияларини тузиш**

Участка сайлов комиссияси округ сайлов комиссияси томонидан сайловга камида қирқ кун қолганида 5—19 нафар аъзодан, шу жумладан раис, раис ўринбосари ва котибдан иборат таркибда тузилади. Агар комиссия 7 нафаргача аъзодан иборат таркибда тузилса, раис ва котиб сайланади. Участка сайлов комиссиясининг шахсий таркиби округ сайлов комиссиясининг қарори билан тасдиқланади.

Участка сайлов комиссияси аъзоларининг сони зарур ҳолларда кўпайтирилиши ёки камайирилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузуридаги участка сайлов комиссияси раиси вазифасини ваколатхоналарнинг раҳбарлари амалга оширади.

**18<sup>1</sup>-модда. Оқруг ва участка сайлов комиссияларига аъзолик**

Оқруг сайлов комиссияси аъзолигига номзодлар Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг мажлисларида муҳокама қилинади ҳамда Марказий сайлов комиссиясига тасдиқлаш учун тавсия этилади. Участка сайлов комиссияси аъзолигига номзодлар халқ депутатлари туман, шаҳар Кенгашларининг мажлисларида муҳокама қилинади ва тегишли оқруг сайлов комиссиясига тасдиқлаш учун тавсия этилади. Оқруг ва участка сайлов комиссияларининг аъзолари жамоатчиликнинг обрўли вакиллари орасидан тасдиқланади.

**24-модда. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш ҳуқуқи**

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар ва бевосита фуқаролар эгадирлар.

Сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камида олти ой олдин Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган тақдирдагина Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиши мумкин.

Сайлаш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир фуқаро ёки фуқаролар гуруҳи Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш учун камида уч юз нафар сайловчидан иборат сайловчилар ташаббускор гуруҳини тузиши мумкин.

**24<sup>1</sup>-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш учун сиёсий партиялар, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари тақдим этадиган ҳужжатлар**

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш учун сиёсий партия сайловга камида етмиш кун қолганида Марказий сайлов комиссиясига қуйидагиларни тақдим этиши лозим: сайловда иштирок этиш тўғрисида партия раҳбари томонидан имзоланган ариза; Адлия вазирлигининг сиёсий партия рўйхатга олинганлиги кўрсатилган маълумотномаси; Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлажак номзод тўғрисидаги маълумотлар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иштирок этиш учун сайловчилар ташаббускор гуруҳининг ваколатли вакили гуруҳни рўйхатга олишни илтимос қилиб, сайловга камида етмиш кун қолганида Марказий сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат этади. Аризага қуйидагилар илова қилинади: сайловчилар ташаббускор гуруҳи аъзоларининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, яшаш жойи манзили, паспортининг серияси ва тартиб рақами кўрсатилган рўйхат; сайловчилар ташаббускор гуруҳи йиғилишининг ваколатли вакил тайинлаш тўғрисидаги қарори ҳамда қонунда белгиланган тартибда унинг номига расмийлаштирилган ишонч қоғози; Ўзбекистон Республикаси Президентлигига бўлажак номзод тўғрисидаги маълумотлар.

Ушбу модданинг тегишинча биринчи ва иккинчи қисмларида кўрсатилган ҳужжатлар тақдим этилгач, Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиянинг, сайлов-

чилар ташаббускор гуруҳининг вакилига ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана қайд этилган маълумотнома беради. Марказий сайлов комиссияси тақдим этилган ҳужжатлар асосида беш кунлик муддат ичида сиёсий партиянинг, сайловчилар ташаббускор гуруҳининг сайловда иштирок этишига ижозат бериш тўғрисида узил-кесил қарор қабул қилади ҳамда сиёсий партиянинг, сайловчилар ташаббускор гуруҳининг ваколатли вакилига рўйхатга олинганлик гувоҳномасини ва белгиланган намунадаги имзо варақаларининг бланкаларини беради. Сайловда иштирок этувчи партияларнинг, сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг рўйхати аризалар келиб тушиш навбатида қараб марказий матбуотда эълон қилинади.

**24<sup>2</sup>-модда. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш тартиби**

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш сайловга олти беш кун қолганида бошланади ва қирқ беш кун қолганида тугайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш сиёсий партияларнинг юқори органлари томонидан, сайловчилар ташаббускор гуруҳи йиғилиши томонидан амалга оширилади.

Сиёсий партиянинг юқори органи, сайловчилар ташаббускор гуруҳи Ўзбекистон Республикаси Президентлигига биттадан номзод кўрсатиши мумкин.

Сиёсий партия Ўзбекистон Республикаси Президентлигига фақат ўз партияси аъзолари орасидан ёки партиясизни номзод этиб кўрсатишга ваколатлидир, сайловчилар ташаббускор гуруҳи эса Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни, башарти мазкур номзод у ёки бу сиёсий партияга мансуб бўлмаса, кўрсатишга ҳақлидир. Номзод фақат битта сайловчилар ташаббускор гуруҳидан ўз номзоди овозга қўйилишига розилик бериши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш тўғрисида баённома тузилади.

Сиёсий партиянинг раҳбари, сайловчилар ташаббускор гуруҳининг ваколатли вакили Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни рўйхатга олишни илтимос қилиб, Марказий сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат этади. Аризага қуйидагилар илова қилинади:

сиёсий партия юқори органининг, сайловчилар ташаббускор гуруҳининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш тўғрисидаги қарори;

сиёсий партия юқори органи мажлисининг, сайловчилар ташаббускор гуруҳи йиғилишининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш тўғрисидаги баённомаси, унда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси, касби, лавозими (машғулотининг тури), иш ва яшаш жойи, партияга мансублиги кўрсатилади;

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг ўз номзоди овозга қўйилишига рози эканлиги тўғрисидаги аризаси;

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига кўрсатилган номзодни қўллаб-қувватловчи имзо варақалари. Сиёсий партия томонидан тақдим этилган имзо варақалари Ўзбекистон Республикаси жами сайловчиларининг умумий сони камида беш фоизининг, камида саккизта маъмурий-худудий тузилма намояндаси бўлган сайловчиларнинг имзосини қамраб олган бўлиши керак. Маъмурий-худудий тузилмалардан бирида (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳри) сиёсий партия имзолар умумий миқдорининг кўпи билан саккиз фоизини тўплаши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатган сайловчилар ташаббускор гуруҳи республика сайловчилари умумий сонининг камида беш фоизи миқдоридан, камида саккизта маъмурий-худудий тузилма (Қорақалпоғистон Республикаси, вило-

ят, Тошкент шаҳри) намояндаси бўлган сайловчилардан номзодни қўллаб-қувватловчи имзо тўплаши керак. Маъмурий-худудий тузилмалардан бирида (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳри) сайловчилар ташаббускор гуруҳи имзолар умумий миқдорининг кўпи билан саккиз фоизини, энг аввало Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатилаётган маъмурий-худудий тузилма сайловчиларининг имзосини тўплаши мумкин.

Сиёсий партия, сайловчилар ташаббускор гуруҳи уларнинг ваколатли вакилига рўйхатга олинганлик гувоҳномаси берилганидан кейингина Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодни қўллаб-қувватлаш юзасидан сайловчилар имзосини тўплашга ҳақли. Бу санага қадар тўпланган имзолар ҳисобга олинмайди.

Сайловчилар фақат битта номзодни қўллаб-қувватлаб, бир мартагина имзо қўйишга ҳақли. Бунда сайловчи ўз фамилиясини, исмини, отасининг исмини, туғилган йилини (ёши ўн саккизда бўлса, қўшимча равишда туғилган куни ва ойини), яшаш жойи манзилини, паспортининг серияси ва тартиб рақамини, шунингдек имзо қўйган санани кўрсатади.

Имзо варақасини имзо тўплаган шахс ўз фамилиясини, исмини, отасининг исмини, яшаш жойи манзилини, паспортининг серияси ва тартиб рақамини кўрсатган ҳолда, шунингдек тегишли сиёсий партиянинг туман, шаҳар тузилмаси раҳбари, сайловчилар ташаббускор гуруҳининг ваколатли вакили тасдиқлайди.

Сайловчилар имзосини тўплаш иш, хизмат, ўқиш, яшаш жойида, сайловолди тадбирларида, шунингдек ташвиқот юритиш ва имзо тўплаш қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа жойларда олиб борилади. Имзо тўплаётган шахс томонидан сайловчиларни мажбур қилиш ва уларни пора эвазига ўзига оғдириб олишнинг ҳар қандай шакли қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади.

Имзо тўплаш тамомланганидан сўнг сиёсий партиянинг, сайловчилар ташаббускор гуруҳининг ваколатли вакили Қорақалпоғистон Республикаси, ҳар бир вилоят ва Тошкент шаҳри бўйича алоҳида-алоҳида қилиб тикилган имзо варақаларини Марказий сайлов комиссиясига топширади.

Ҳужжатларни тақдим этган шахсга Марказий сайлов комиссияси ҳужжатлар қабул қилиб олинган сана ва вақт кўрсатилган маълумотнома беради.

Марказий сайлов комиссияси тақдим этилган ҳужжатларни етти кунлик муддат ичида текшириб чиқади ва уларнинг ушбу Қонун талабларига мувофиқлиги тўғрисида хулоса беради.

Имзо варақаларида имзолар сохталаштирилган тақдирда Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиядан, сайловчилар ташаббускор гуруҳидан улар кўрсатган номзодни рўйхатга олиш учун ҳужжатлар қабул қилишни рад этади.

Марказий сайлов комиссияси рўйхатга олиш учун тақдим этилган ҳужжатларда аниқланган номувофиқликлар ва ушбу Қонун талабларидан четга чиқиш ҳоллари тўғрисида тегишли сиёсий партияларнинг раҳбарларига, сайловчилар ташаббускор гуруҳининг ваколатли вакилига белгиланган тартибда маълум қилади.

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш учун ҳужжатларни қабул қилишни рўйхатга олиш муддати тугашига етти кун қолганида тўхтатади.

#### **25-модда. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш**

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхати ушбу Қонуннинг 24<sup>2</sup>-моддасида белгиланган ҳужжатлар асосида рўйхатга олади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинган шахсга ушбу Қонунга мувофиқ рўйхатга олинганлик гувоҳномаси берилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш сайловга ўттиз беш кун қолганида тугалланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар рўйхатга олинганидан кейин беш кунлик муддат ичида Марказий сайлов комиссияси рўйхатга олинганлик тўғрисидаги хабарни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзоднинг фамилиясини, исми ва отасининг исмини, туғилган йилини, партиёга мансублигини, эгаллаб турган лавозимини, иш ва яшаш жойини, шунингдек уни номзод этиб кўрсатган сиёсий партиёни ёки сайловчилар ташаббускор гуруҳини кўрсатган ҳолда эълон қилади.

Қуйидагилар:

қасддан содир этилган жинояти учун илгари судланган фуқаролар;

ўзларига нисбатан жиноий иш қўзғатилганлиги муносабати билан қонун томонидан таъқиб этилаётган фуқаролар;

диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг профессионал хизматчилари Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинмайдилар.

**26-модда. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлик мақомидан маҳрум этиш. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодликдан воз кечиш**

Сиёсий партиё, сайловчилар ташаббускор гуруҳи у ёки бу шахсни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб кўрсатиш тўғрисидаги ўз қарорини сайловга кечи билан етти кун қолганида бекор қилиш ҳуқуқига эга, бу шахс Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлик мақомидан маҳрум этилиши мумкин. Сиёсий партиё Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш муддати тугагунига қадар Марказий сайлов комиссиясига янги номзодни рўйхатга олиш тўғрисида таклиф киритиши мумкин.

Рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод уни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб кўрсатган сиёсий партиё фаолиятини тугатган тақдирда ҳам Марказий сайлов комиссияси томонидан ўз мақомидан маҳрум этилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод сайловга кечи билан етти кун қолганида номзодликдан воз кечиши мумкин. Бунинг учун у Марказий сайлов комиссиясига ариза билан мурожаат қилади.

**27-модда. Сайлов бюллетени**

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига доир сайлов бюллетенининг шакли ва матни Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар сайлов бюллетенига фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, эгаллаб турган лавозими (машғулотининг тури) ва иш жойи кўрсатилган ҳолда алифбо тартибда киритилади.

Сайлов бюллетенида уни тўлдириш тартиби тўғрисидаги тушунтириш бўлиши керак.

Марказий сайлов комиссиясининг фармойишига биноан сайлов бюллетенлари сайловга камида йигирма кун қолганида давлат тилида нашр этилади. Оқруқ сайлов комиссиясининг қарорига биноан сайлов бюллетенлари сайлов оқругининг кўпчилик ақолиси сўзлашадиган тилларда ҳам нашр этилиши мумкин.

Участка сайлов комиссиялари сайлов бюллетенларини сайловга камида уч кун қолганида округ сайлов комиссияларидан оладилар. Берилган ва олинган сайлов бюллетенларининг сонини тегишли округ ва участка сайлов комиссияларининг раиси ёки раис ўринбосари ёхуд котиби ўз имзоси билан тасдиқлайди.

Участка сайлов комиссияси оладиган сайлов бюллетенларининг сони сайлов участкаси бўйича сайловчиларнинг рўйхатларига киритилган сайловчилар сонидан ярим фоиздан кўп бўлиши мумкин эмас. Сайлов бюллетенининг ўнг томони юқори бурчагига участка сайлов комиссиясининг икки аъзоси имзо қўяди, имзолар участка сайлов комиссиясининг муҳри билан тасдиқланади. Комиссия томонидан тасдиқланмаган сайлов бюллетенлари овозларни санаб чиқишда ҳисобга олинмайди.

### **28-модда. Сайловолди ташвиқоти**

Сайловолди ташвиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга, сиёсий партияларга, сайловчилар ташаббускор гуруҳларига Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиладиган тартибда оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилади. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга сайловчилар билан йиғилишларда ҳамда сайловчилар учун қулай бўлган бошқа шаклда учрашувлар ўтказишда тенг ҳуқуқ берилади. Йиғилишлар ва учрашувлар ўтказиладиган вақт ҳамда жой ҳақида сайловчиларга барвақт хабар қилинади.

Давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналарнинг, муассасаларнинг, ташкилотларнинг раҳбарлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга сайловчилар билан учрашувлар ўтказишни ташкил этишда, зарур маълумот ва ахборот материаллари олишда ёрдам кўрсатишлари шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга ўзининг келгуси фаолият дастури билан чиқиш ҳуқуқи берилади. Номзодларнинг дастурлари республиканинг суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига қарши қаратилган бўлмаслиги, халқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилмаслиги, уларда уруш, миллий, ирқий ва диний адоват тарғиботи, конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришга, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларини камситувчи хатти-ҳаракатларга даъват бўлмаслиги керак.

Ташвиқотнинг сайловчиларга бепул ёки имтиёзли шартларда товарлар бериш, хизматлар кўрсатиш (ахборот хизматлари бундан мустасно), шунингдек пул маблағлари тўлаш билан қўшиб олиб борилиши тақиқланади.

Сайлов кунни ташвиқот юритишга йўл қўйилмайди.

### **32-модда. Овоз беришни ўтказиш**

Овоз берувчилар сайлов бюллетенларини яширин овоз бериш учун ажратилган кабина ёки хонада тўлдирадилар. Бюллетенларни тўлдириш вақтида овоз берувчидан бошқа бирон-бир кишининг ҳозир бўлиши тақиқланади. Бюллетенни мустақил равишда тўлдириш имконига эга бўлмаган сайловчи ўз хошига кўра, сайлов комиссиясининг аъзоларидан, кузатувчилардан ва номзодларнинг ишончли вакиллари билан бошқа бирон кишини кабина ёки хонага таклиф қилишга ҳақли.

Сайловчи сайлов бюллетенига, ўзи ёқлаб овоз бераётган номзоднинг фамилияси рўпарасида, ўнг томонда жойлашган бўш квадратга белги-крестик (плюс) қўяди.

Тўлдирилган бюллетенни овоз берувчи сайлов қутисига ташлайди.

**33-модда. Сайлов участкасида овозларни санаб чиқиш**

Участка сайлов комиссияси сайлов участкасида ҳар бир номзод бўйича берилган овозларни алоҳида-алоҳида санаб чиқади.

Овоз бериш тугагач, сайлов қутиларини очишдан олдин участка комиссиясининг барча аъзолари ҳозирлигида сайлов варақалари солинган ёпиқ конвертлар қутиларга ташланади.

Сайлов қутилари участка сайлов комиссияси томонидан комиссия раиси овоз бериш тугаганлигини эълон қилганидан кейин комиссиянинг барча аъзолари ҳозирлигида очилади. Овоз бериш тугагунига қадар сайлов қутиларини очиш тақиқланади. Фойдаланилмаган барча сайлов бюллетенлари сайлов қутиларини очишдан олдин участка сайлов комиссияси томонидан санаб чиқилади ва бекор қилинади.

Участка сайлов комиссияси сайловчиларнинг асосий рўйхати ва мазкур рўйхат иловаси бўйича участкадаги сайловчиларнинг умумий сонини, шунингдек бюллетень олган сайловчиларнинг сонини аниқлайди. Сайлов қутиларида бўлган бюллетенлар ва сайлов варақалари асосида комиссия овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг умумий сонини; ҳар бир номзодни ёқлаб берилган овозлар сонини; ҳақиқий эмас деб топилган бюллетенлар, варақалар сонини аниқлайди. Сайловчилар томонидан бюллетенларга ва варақаларга қўшимча тарзда ёзилган фуқароларнинг фамилиялари бўйича берилган овозлар ҳисобга олинмайди.

Белгиланмаган намунадаги сайлов бюллетенлари ва варақалари, шунингдек овоз бериш вақтида биттадан ортиқ квадратга белги-крестик (плюс) қўйилган ёки битта ҳам квадратга бундай белги қўйилмаган бюллетенлар ва варақалар ҳақиқий эмас деб топилади. Сайлов бюллетенининг, варақасининг ҳақиқийлигига шубҳа туғилган тақдирда масала участка сайлов комиссияси томонидан овозга қўйиш орқали ҳал этилади.

Овозларни санаб чиқиш натижалари участка сайлов комиссияси мажлисида кўриб чиқилади ва баённомада акс эттирилади.

Баённома комиссия раиси, комиссия раисининг ўринбосари, комиссия котиби ва аъзолари томонидан имзоланади ҳамда Марказий сайлов комиссияси томонидан белгиланган тартибда тегишли округ сайлов комиссиясига юборилади.

**34-модда. Округ бўйича сайлов натижаларини аниқлаш**

Округ сайлов комиссияси участка сайлов комиссияларининг баённомалари асосида округ бўйича сайловчиларнинг умумий сонини; сайлов бюллетенлари ҳамда варақалари олган сайловчиларнинг сонини; овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг сонини; ҳар бир номзодни ёқлаб берилган овозлар сонини; ҳақиқий эмас деб топилган бюллетенлар ва варақалар сонини аниқлайди.

Округ бўйича сайлов натижалари сайлов комиссия мажлисида аниқланади ва баённомада акс эттирилади. Баённома комиссия раиси, комиссия раисининг ўринбосари, комиссия котиби ва аъзолари томонидан имзоланади ҳамда белгиланган тартибда Марказий сайлов комиссиясига юборилади.

**35-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови натижаларини аниқлаш**

Марказий сайлов комиссияси округ сайлов комиссияларидан олинган баённомалар ва Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлардаги ваколатхоналари ҳузурида тузилган участка сайлов комиссияларидан олинган баённомалар асо-

сида республика бўйича сайловчиларнинг умумий сонини; сайлов бюллетенлари ҳамда варақалари олган сайловчиларнинг сонини; овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг сонини; ҳар бир номзодни ёқлаб берилган овозлар сонини; ҳақиқий эмас деб топилган бюллетенлар сонини аниқлайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иккита номзод иштирок этган тақдирда, овоз беришда иштирок этган сайловчиларнинг нисбий кўпчилик овозини олган номзод сайланган деб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида иккитадан ортиқ номзод иштирок этган тақдирда, агар номзодларнинг ҳеч бири овоз беришда иштирок этган сайловчилар ярмидан кўпининг овозини ололмаган бўлса, сайловчиларнинг овозини энг кўп олган икки номзод иштирокида такрорий овоз бериш ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида турли сабаблар (номзоднинг ўлими, номзоднинг соғлиғи ҳолати сайловда иштирок этишни истисно этадиган даражада ёмонлашганлиги ёки Қонунда белгиланган бошқа сабабларга кўра унинг номзоди олинганлиги ва шунга ўхшаш сабаблар) натижасида биттагина номзод иштирок этган тақдирда, бу номзод, агар у овоз беришда иштирок этган сайловчилар ярмидан кўпининг овозини олган бўлса, сайланган деб ҳисобланади.

Сайлов, агар унда сайловчилар рўйхатига киритилган сайловчиларнинг 33 (ўттиз уч) фоизидан ками иштирок этган бўлса, ўтмаган деб топилади.

### **36-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови натижаларини белгилаш тўғрисида**

Сайлов вақтида ёхуд овозларни санаб чиқиш чоғида йўл қўйилган ҳамда овоз бериш яқунларига таъсир этган қоидабузарликлар сабабли сайлов умуман ёки айрим округлар ёхуд айрим сайлов участкалари бўйича ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин. Сайловни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги қарор Марказий сайлов комиссияси томонидан қабул қилинади ва бу қарор устидан овоз бериш яқунлари эълон қилинган кундан эътиборан ўн кун ичида Ўзбекистон Республикаси Олий судига шикоят қилиниши мумкин. Сайловни ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги қарор устидан шикоят қилиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга тегишлидир.

Айрим округлар ёки участкаларда сайлов ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда, ана шу округлар, участкалар бўйича овоз бериш натижалари, башарти бу натижаларсиз ҳам сайлов умуман бўлиб ўтган деб топилиши мумкин бўлса, Марказий сайлов комиссиясининг қарорига биноан сайловнинг умумий натижаларидан чиқариб ташланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови яқунлари тўғрисидаги ахборот сайловдан кейин ўн кундан кечиктирмай Марказий сайлов комиссияси томонидан матбуотда эълон қилинади.

### **37-модда. Такрорий овоз бериш**

Такрорий овоз бериш кунини Марказий сайлов комиссияси сайлов ўтказилган кундан эътиборан бир ой ичида, лекин сайлов ўтказилган кундан камида ўн беш кун кейин ўтказиладиган қилиб тайинлайди. Такрорий овоз беришни ўтказиш ҳақидаги хабар матбуотда эълон қилинади.

Такрорий овоз беришда унда иштирок этган сайловчиларнинг овозини бошқа номзодга нисбатан кўпроқ олган номзод сайланган деб ҳисобланади.

Такрорий овоз беришда сайловчиларнинг иштирок этиши фоизи ҳисобга олинмайди.

**38-модда. Такрорий сайлов**

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ўтмаган ёки ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда, шунингдек агар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида битта номзод иштирок этган бўлса ва у зарур миқдорда овоз тўплай олмаган бўлса, Марказий сайлов комиссияси такрорий сайлов тайинлайди. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига такрорий сайлов ушбу Қонунда асосий сайловни ўтказиш учун белгиланган тартибда ҳамда ундаги шартларга риоя этилган ҳолда ўтказилади. Бунда Марказий сайлов комиссияси сайлов янги таркибдаги округ ва участка сайлов комиссиялари томонидан ўтказилиши зарурлиги тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин. Овоз бериш асосий сайловни ўтказиш учун тузилган аввалги сайлов участкаларида ва сайловчиларнинг рўйхатлари бўйича ўтказилади.

Такрорий сайлов асосий сайлов ўтказилганидан кейин қирқ кун ичида ўтказилади.

**39-модда. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Марказий сайлов комиссияси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови натижалари расмий тарзда эълон қилинган кундан эътиборан кечи билан икки ой ичида Олий Мажлис йиғилишида қасамёд қилган пайтдан бошлаб ўз лавозимига киришади.

Амалдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти ўз ваколатларини янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимга киришгунга қадар бажаради.

**6.** Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги Қонунининг 2001 йил 30 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тасдиқланган янги таҳрири (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9-10, 176-модда):

1) **11-моддаси биринчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «Олий Мажлиси» деган сўзлар «Олий Мажлисининг палаталари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **12-моддасининг ўн бешинчи қисмидаги** ва **17-моддасининг иккинчи қисмидаги** «Олий Мажлисига» деган сўзлар «Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **14-моддаси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«14-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари томонидан референдумни тайинлаш тартиби**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси референдум ўтказиш ташаббусини кўрсатиш тўғрисидаги материалларни ва масъул қўмитанинг хулосасини икки ҳафта ичида кўриб чиқиб, қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилиши мумкин:

референдумни тайинлаш ва уни ўтказишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида;

референдум ўтказиш тўғрисидаги ташаббусни рад этиш ҳақида;

референдум ўтказиш тўғрисидаги ташаббусда таклиф қилинган қонунни ёки бошқа қарорни референдум ўтказмасдан туриб қабул қилиш ҳақида.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг референ-

дум масаласига доир қарори мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кун ичида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига, шунингдек референдум ўтказиш ташаббускорларига юборилади.

Агар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси референдум ўтказиш тўғрисидаги ташаббусни рад этиш ҳақида қарор қабул қилса, айни шу мазмун ёки маънодаги таъриф билан референдум ўтказиш тўғрисидаги масала Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига қўриб чиқиш учун бир йил ўтганидан кейингина такроран киритилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати референдум ўтказиш ташаббусини кўрсатиш тўғрисидаги материалларни, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг референдум ўтказиш ва референдум ўтказиладиган санани тайинлаш тўғрисидаги қарорини, шунингдек масъул қўмитанинг мазкур масала бўйича хулосасини икки ҳафта ичида қўриб чиқиб, қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилиши мумкин:

референдумни тайинлаш ва уни ўтказишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида;

референдум ўтказиш тўғрисидаги ташаббусни рад этиш ҳақида.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг референдум масаласига доир қарори мазкур қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч кун ичида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига, шунингдек референдум ўтказиш ташаббускорларига юборилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати референдумни ўтказиш ва референдум ўтказиладиган санани тайинлаш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг мазкур масалага доир қарорлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ушбу масала юзасидан қарор қабул қилган кундан эътиборан кечи билан уч кун ичида матбуотда ва бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг референдумни ўтказиш ва референдум ўтказиладиган санани тайинлаш тўғрисидаги қарорларида уни ўтказиш санаси белгиланади, бунда овоз бериш палаталарнинг қарорлари эълон қилинган кундан эътиборан бир ярим ойдан уч ойгача бўлган даврда исталган кунга тайинланиши мумкин».

**7.** Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида**»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 2, 78-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; 2004 йил, № 9, 171-модда):

1) **1-моддасининг учинчи қисмидаги, 3-моддасининг иккинчи қисмидаги, 11-моддасининг учинчи қисмидаги** ва **22-моддасининг биринчи қисмидаги** «Президенти ҳузуридаги» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **5-моддасидаги, 11-моддасининг иккинчи қисмидаги, 13, 15-моддаларидаги, 17-моддасининг биринчи қисмидаги, 20-моддасидаги, 35-моддасининг учинчи қисмидаги, 36** ва **37-моддаларидаги** «махаллий Советлари», «Советлари», «махаллий Советларининг» деган сўзлар тегишли келишиқдаги «Кенгашлари» деган сўз билан алмаштирилсин.

8. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 20 ноябрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида**»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 2, 80-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда):

1) **7-моддасининг иккинчи қисмидаги** ва **14-моддасидаги** «Советлари», «маҳаллий Советлари» деган сўзлар «Кенгашлари» деган сўз билан алмаштирилсин;

2) **8-моддасининг учинчи қисмидаги, 17-моддасининг учинчи қисмидаги** ва **18-моддасининг иккинчи қисмидаги** «Президенти хузуридаги» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

3) **11-моддасининг:**

**биринчи** ва **бешинчи қисмларидаги** «Олий Кенгаши», «Олий Кенгашига» деган сўзлар тегишли келишиқдаги «Олий Мажлиси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**иккинчи қисмидаги** «маҳаллий Советлари ижроия қўмиталарининг ёшлар ишлари бўйича бўлимлари» деган сўзлар «Кенгашлари ижроия идоралари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи** ва **тўртинчи қисмларидаги** «Президенти хузуридаги» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

4) **12-моддасининг биринчи қисмидаги** «Президенти хузуридаги» деган сўзлар чиқариб ташлансин, «Олий Кенгаши» деган сўзлар эса «Олий Мажлиси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **20-моддасининг биринчи қисмидаги** «Олий Кенгаши», «маҳаллий Советлари» деган сўзлар тегишинча «Олий Мажлиси», «Кенгашлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

9. Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тўғрисида**»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 9, 328-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 5, 124-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда) **4-моддасининг биринчи қисми:**

**1-бандининг «б» кичик банди** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«б) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг биноларида»;

**2-бандидаги** «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг сессиялари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгашининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлислари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг сессиялари» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлислари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва унинг Кенгаши мажлислари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати ва унинг Кенгаши мажлислари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлислари, халқ депутатлари Кенгашларининг сессиялари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**3-бандидаги** «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, унинг Кенгаши, қўмиталари, комиссиялари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Котибияти» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, унинг Кенгаши, қўмиталари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг девони, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати, унинг Кенгаши, қўмиталари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг девони» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**4-бандидаги** «Олий Мажлисининг» деган сўзлар «Олий Мажлиси палаталарининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**10.** Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 2 июлда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг фуқаролиги тўғрисида**»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1992 йил, № 9, 338-модда):

1) **5-моддасининг иккинчи қисмидаги** «Президенти ҳузуридаги» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **10-моддасининг иккинчи қисми** чиқариб ташлансин.

**11.** Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 3 июлда қабул қилинган «**Мудофаа тўғрисида**»ги Қонунининг 2001 йил 11 майда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тасдиқланган янги таҳрири (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 5, 80-модда) **9-моддасининг тўққизинчи хатбошисидаги** «икки хил мақсадда ишлатилиши мумкин бўлган маҳсулот ва технологиялар» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

**12.** Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «**Ҳокимиятнинг конституциявий идораларини кўриқлаш тўғрисида**»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 1, 9-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 6, 121-модда) **I бўлимидаги** «Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши» деган сўзлар эса тегишинча «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси» деган сўзлар билан, **шу бўлимнинг русча матнидаги** «Советами» деган сўз эса «Кенгашами» деган сўз билан алмаштирилсин.

**13.** Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «**Давлат божи тўғрисида**»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 1, 22-модда; 1994 йил, № 5, 161-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 5, 89-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда) **4-моддасининг:**

**2-банди** қуйидаги мазмундаги «**ф**» ва «**х**» **кичик бандлари** билан тўлдирилсин:

«**ф**» уй-жой мулкдорлари ширкатлари, коммунал-фойдаланиш ташкилотлари — фойдаланиш харажатлари ва коммунал хизматлар тўлови бўйича қарзларни ундириш тўғрисидаги даъволар юзасидан;

«**х**» уй-жой мулкдорлари ширкатлари, коммунал-фойдаланиш ташкилотлари — тузилган шартномаларнинг шартлари аҳолига уй-жой-коммунал хизматлари кўрсатувчи корхоналар томонидан бажарилмаганлиги ёки сифатсиз бажарилганлиги оқибатида етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъволар юзасидан»;

**3-банди** қуйидаги мазмундаги «**т**» **кичик банди** билан тўлдирилсин:

«**т**» уй-жой мулкдорлари ширкатлари, коммунал-фойдаланиш ташкилотлари — фойдаланиш харажатлари ва коммунал хизматлар тўлови бўйича қарзларни ундириш тўғрисидаги ижро хатларини ёзганлик учун».

**14.** Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «**Патта тўлови тўғрисида**»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 1, 25-модда):

1) **6-моддасининг биринчи қисмидаги** «маҳаллий» деган сўз чиқариб ташлансин;

2) **8-моддасидаги** «Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат солиқ бош бошқармаси» деган сўзлар «Давлат солиқ қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**15.** Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «**Прокуратура тўғрисида**»ги Қонунининг 2001 йил 29 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тасдиқланган янги таҳрири (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 9-10, 168-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда):

1) **5-моддасининг саккизинчи қисми** русча матнидаги «Советы» деган сўз «Кенгаши» деган сўз билан алмаштирилсин;

2) **12-моддасининг иккинчи қисмидаги, 14-моддасининг биринчи ва учинчи қисмларидаги** «Олий Мажлиси», «Олий Мажлисига» деган сўзлар тегишли келишиқдаги «Олий Мажлисининг Сенати» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **13-моддаси иккинчи қисмининг иккинчи хатбошисидаги** «Олий Мажлисига» деган сўзлар «Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**16.** Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «**Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида**»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 1, 38-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 6, 118-модда; 1997 йил, № 4-5, 126-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда):

1) **7-моддаси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

**«7-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг табиатни муҳофаза қилишга оид ҳуқуқий муносабатларни тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг биргалиқдаги ваколатларига қуйидагилар киради:

табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш;

давлат экология дастурларини тасдиқлаш;

табиатни муҳофаза қилиш соҳасидаги қонунларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

ҳудудларни фавқулодда экологик вазият, экологик офат ва экологик ҳалокат зоналари деб эълон қилиш, бундай зоналарнинг ҳуқуқий режимини ва жабрланганларнинг мақомини белгилаш;

табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси устидан назоратни мувофиқлаштириб бориш;

табиий ресурслардан фойдаланганлик учун ҳақнинг чегара миқдорларини белгилаш, шунингдек тўловларни ундириш бўйича имтиёзлар белгилаш;

қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа масалаларни ҳал қилиш»;

2) **11-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларидаги** «Олий Кенгашига», «Олий Кенгаши» деган сўзлар тегишли келишиқдаги «Олий Мажлисининг Сенати» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **15-моддасининг иккинчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Саноатда ишларни бехатар олиб боришни назорат қилиш ва кон назорати давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **31-моддаси иккинчи қисмининг:**

**тўртинчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси»;

**еттинчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси»;

5) **41-моддасининг учинчи қисмидаги** «Олий Кенгаши» деган сўзлар «Вазирлар Маҳкамаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**17.** Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 10 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 1, 52-модда) **9-моддасининг биринчи қисмидаги** «Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт давлат қўмитаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**18.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 320-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 241-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда):

1) **1-моддасининг:**

**биринчи ва иккинчи қисмлари** русча матнидаги «Советы», «Совету» деган сўзлар тегишинча «Кенгаши», «Кенгашу» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**учинчи қисмидаги** «Олий Мажлисининг бошқа қарорлари» деган сўзлар «Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари» деган сўзлар билан, **шу қисмнинг** русча матнидаги «Совет», «Советов» деган сўзлар эса тегишинча «Кенгаш», «Кенгашей» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **2-моддаси, 3-моддасининг иккинчи қисми, 4 ва 5-моддалари, 6-моддасининг номи ҳамда биринчи, учинчи ва тўртинчи қисмлари, 7-моддасининг биринчи, иккинчи ва тўртинчи қисмлари, 8, 9 ва 10-моддалари, 12-моддасининг номи ҳамда биринчи ва тўртинчи қисмлари, 14-моддасининг биринчи қисми биринчи хатбошиси ва иккинчи қисми, 15—20-моддалари, 21-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмлари, 22-моддасининг иккинчи, учинчи ва тўртинчи қисмлари, 23-моддасининг биринчи қисми, VI боби номи, 24-моддаси, VII боби номи** русча матнидаги «Советом», «Совета», «Советов», «Совет», «Совету», «Советы» деган сўзлар тегишинча «Кенгашем», «Кенгаша», «Кенгашей», «Кенгаш», «Кенгашу», «Кенгаши» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**3) 25-моддаси биринчи қисмининг:**

**иккинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«қонунларнинг ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатларининг, юқори турувчи органлар ва тегишли халқ депутатлари Кенгаши қарорларининг ижросини ташкил этади»;

**тўртинчи, бешинчи, саккизинчи ва тўққизинчи хатбошиларининг** русча **матнидаги** «Совета», «Советом» деган сўзлар тегишинча «Кенгаша», «Кенгашем» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**еттинчи хатбошисидаги** «Олий Мажлисининг бошқа ҳужжатларига» деган сўзлар «Олий Мажлиси палаталари» деган сўзлар билан, «қабул қилинган ҳужжатларга» деган сўзлар эса «ҳужжатларига» деган сўз билан, **шу хатбошининг** русча **матнидаги** «Совет», «Советов», «Совета» деган сўзлар тегишинча «Кенгаш», «Кенгашей», «Кенгаша» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**4) 26-моддасининг биринчи қисмидаги** «томонидан» деган сўз «томонидан белгиланган тартибда» деган сўзлар билан, **шу модданинг номи** ва **биринчи қисми** русча **матнидаги** «Совета» деган сўз эса «Кенгаша» деган сўз билан алмаштирилсин.

**19.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «**Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида**»ги Қонунининг 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тасдиқланган янги таҳрири (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 5, 110-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 9, 171-модда) **12-моддаси иккинчи қисмининг бешинчи хатбошисидаги** «Олий Мажлиси» деган сўзлар «Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**20.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «**Судлар тўғрисида**»ги Қонунининг 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тасдиқланган янги таҳрири (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 1-2, 10-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда):

**1) 11-моддасининг иккинчи қисмидаги** «Олий Мажлиси депутатлари» деган сўз «Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**2) 12-моддасидаги** «Олий Мажлисида» деган сўзлар «Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**3) 63-моддасининг биринчи қисмидаги** ва **72-моддаси биринчи қисмининг биринчи хатбошисидаги** «Олий Мажлиси» деган сўзлар «Олий Мажлисининг Сенати» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

**4) 66-моддасининг тўртинчи** ва **бешинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Судьялар сенатор, давлат ҳокимияти вакиллик органларининг депутати бўлиши мумкин эмас.

Судьялар сиёсий партияларнинг аъзоси бўлиши, сиёсий ҳаракатларда иштирок этиши, шунингдек илмий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа бирон-бир турдаги фаолият билан шуғулланиши мумкин эмас»;

5) **84-моддасининг иккинчи қисмидаги** «Олий Мажлиси» деган сўзлар «Олий Мажлисининг Сенати» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**21.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 28 декабрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида**»ги Қонунининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан тасдиқланган янги таҳрири (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9-10, 132-модда; 2004 йил, № 9, 171-модда):

1) **35-моддаси:**

**биринчи қисмидаги** «партияга мансублиги» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Сайлов бюллетенида уни тўлдириш тартиби тўғрисида тушунтириш бўлиши керак»;

**иккинчи қисми учинчи қисм** деб ҳисоблансин;

2) **41-моддасининг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Сайловда сайловчи ўзи ёқлаб овоз бераётган депутатликка номзоднинг фамилияси рўпарасида, ўнг томонда жойлашган бўш квадратга белги-крестик қўяди»;

3) **42-моддаси:**

**бешинчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «ва унга қарши» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**еттинчи қисмидаги** «биттадан ортиқ депутатликка номзоднинг фамилияси қолдирилган» деган сўзлар «биттадан ортиқ квадратга белги-крестик қўйилган ёки битта ҳам квадратга бундай белги қўйилмаган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **43-моддаси биринчи қисмининг бешинчи хатбошисидаги** ва **44-моддаси биринчи қисмининг бешинчи хатбошисидаги** «ва унга қарши» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

5) **45-моддаси:**

**иккинчи қисмидаги** «башарти уни ёқлаб берилган овозлар сони унга қарши берилган овозлар сонидан кўп бўлса» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги **қисм** билан тўлдирилсин:

«Такрорий овоз беришда сайловчиларнинг иштирок этиши фоизи ҳисобга олинмайди».

**22.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган «**Ўзбекистон Қаҳрамони**» унвони тўғрисидаги **низомнинг** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 5, 113-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 141-модда) **5-моддасидаги** «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикери, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Раиси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**23.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган «**Мустақиллик**» ордени тўғрисидаги **низомнинг** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 5, 115-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 4-5, 126-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда) **4-моддасидаги** «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Олий Маж-

лиснинг Қонунчилик палатаси Спикери, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Раиси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**24.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган **«Дўстлик» ордени тўғрисидаги низомнинг** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 5, 117-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 5-6, 153-модда) **4-моддасидаги** «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикери, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Раиси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**25.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган **«Жасорат» медали тўғрисидаги низомнинг** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 5, 119-модда) **4-моддасидаги** «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикери, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Раиси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**26.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган **«Шухрат» медали тўғрисидаги низомнинг** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 5, 121-модда) **4-моддасидаги** «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикери, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Раиси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**27.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майда қабул қилинган **«Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»** ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 5, 125-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, №3, 38-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 206-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2003 йил, № 9-10, 134-модда; 2004 йил, № 9, 171-модда):

**1) 32-моддаси:**

**биринчи қисмидаги** «партияга мансублиги» деган сўзлар чиқариб ташлансин; куйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Сайлов бюллетенида уни тўлдириш тартиби тўғрисида тушунтириш бўлиши керак»;

**иккинчи қисми учинчи қисм** деб ҳисоблансин;

**2) 38-моддасининг иккинчи қисми** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Сайловда сайловчи ўзи ёқлаб овоз бераётган депутатликка номзоднинг фамилияси рўпарасида, ўнг томонда жойлашган бўш квадратга белги-крестик қўяди»;

**3) 39-моддаси:**

**бешинчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «ва унга қарши» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**еттинчи қисмидаги** «биттадан ортиқ депутатликка номзоднинг фамилияси қолдирилган» деган сўзлар «биттадан ортиқ квадратга белги-крестик қўйилган ёки битта ҳам квадратга бундай белги қўйилмаган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **40-моддаси биринчи қисмининг бешинчи хатбошисидаги** ва **41-моддаси биринчи қисмининг бешинчи хатбошисидаги** «ва унга қарши» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

5) **42-моддаси:**

**иккинчи қисмидаги** «башарти уни ёқлаб берилган овозлар сони унга қарши берилган овозлар сонидан кўп бўлган бўлса» деган сўзлар чиқариб ташлансин; куйидаги мазмундаги **қисм** билан тўлдирилсин:

«Такрорий овоз беришда сайловчиларнинг иштирок этиши фоизи ҳисобга олинмайди».

**28.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 5 майда қабул қилинган «**Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида**»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1994 йил, № 5, 127-модда) **4-моддасининг учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмлари** қуйидаги мазмундаги **учинчи, тўртинчи, бешинчи ва олтинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Ўттиз беш ёшдан кичик бўлмаган, давлат тилини яхши биладиган ҳамда бевосита сайловгача камида ўн йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқароси Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига сайланиш ҳуқуқига эга.

Сайлов куни йигирма беш ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайланиш ҳуқуқига эгадирлар.

Сайлов куни йигирма беш ёшга тўлган, камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайланган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига сайланиш ҳуқуқига эгадирлар.

Сайлов куни йигирма бир ёшга тўлган ҳамда камида беш йил Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳокимиятнинг маҳаллий вакиллик органларига сайланиш ҳуқуқига эгадирлар».

**29.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда):

1) **103-моддаси биринчи қисмининг диспозициясидаги** «ёхуд газ учун ажратилган фондларни ошириб юбориш» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) **266<sup>1</sup>-моддасидаги** «Ер ресурслари давлат қўмитасининг» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**30.** Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 30 августда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган «**Меҳнат шўхрати**» ордени тўғрисидаги низомнинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 190-модда) **4-моддасидаги** «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикери, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Раиси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**31.** Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 30 августда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган «**Шон-шараф**» ордени тўғрисидаги низомнинг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 191-модда) **5-моддасидаги** «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикери, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Раиси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**32.** Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида**»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 247-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 5, 124-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда):

1) **5-моддасининг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Марказий банк Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига ҳисобдордир. Олий Мажлисининг Сенати:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг тақдимига кўра Марказий банк бошқарувининг раисини тайинлайди ва лавозимидан озод этади;

йиллик ҳисоботни, шунингдек аудиторнинг хулосасини кўриб чиқади»;

2) **10-моддасининг биринчи қисмидаги** «Олий Мажлисининг» деган сўзлар «Олий Мажлиси Сенатининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **13-моддаси** «кўриб чиқиши» деган сўзлардан олдин «Сенати» деган сўз билан тўлдирилсин;

4) **16-моддасининг иккинчи қисмидаги** «Олий Мажлисининг Кенгаши» деган сўзлар «Олий Мажлис Сенатининг Кенгаши» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **23-моддасининг биринчи қисмидаги** «Олий Мажлисга» деган сўзлар «Олий Мажлисининг Сенатига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **33-моддасининг тўртинчи қисмидаги** «Олий Мажлисининг Кенгаши» деган сўзлар «Олий Мажлис Сенатининг Кенгаши» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**33.** Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 22 декабрда қабул қилинган «**Давлат мукофотлари тўғрисида**»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 266-модда; 1996 йил, № 5-6, 63-модда, № 9, 120-модда; 1998 йил, № 9, 163-модда; 2000 йил, № 7-8, 202-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда) **6-моддасидаги** «Олий Мажлис Раиси» деган сўзлар «Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикери, Олий Мажлисининг Сенати Раиси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**34.** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасида маъмурий-ҳудудий тузилиш, топонимик объект-**

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.*

ларга ном бериш ва уларнинг номларини ўзгартириш масалаларини ҳал этиш тартиби тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 139-модда):

1) **3, 6, 9-моддалари, 12-моддасининг иккинчи қисми, 14, 16** ва **19-моддалари** русча матнидаги «Советами» деган сўз «Кенгашами» деган сўз билан алмаштирилсин;

2) **27-моддаси** «Маданият» деган сўздан кейин «ва спорт» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

**35.** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган «**Сиёсий партиялар тўғрисида**»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 36-модда; 1999 йил, № 9, 299-модда; 2004 йил № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда) **14-моддаси иккинчи қисмининг тўртинчи** ва **олтинчи хатбошилари** русча матнидаги «Совета» деган сўз «Кенгаша» деган сўз билан алмаштирилсин.

**36.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 4-5-сонга илова, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 5, 89-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 4-5, 74-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда):

1) **8-моддасининг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўланишини назарда тутувчи солиқ солиш тизими қўлланилиши мумкин. Акциз солиғи тўланадиган маҳсулот ишлаб чиқараётган, шунингдек фойдали қазилмаларни кавлаб олишни амалга ошираётган микрофирмалар ва кичик корхоналар ушбу Кодексда белгиланган тартибда акциз солиғи ва ер остидан фойдаланганлик учун солиқ тўлаганлари тақдирда, ягона солиқ тўлашга ўтишлари мумкин. Ягона солиқ тўловчиларда импорт қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича акциз солиғини ва қўшилган қиймат солиғини тўлаш мажбурияти ҳам сақланиб қолади.

Микрофирмалар ва кичик корхоналар, рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган фаолиятнинг айрим турларини амалга оширганлари тақдирда, солиқнинг қатъий белгиланган суммасини тўлайдилар.

Микрофирмалар ва кичик корхоналар ўз хоҳишига кўра ё ягона солиқ, ёки мазкур тоифадаги солиқ тўловчилар учун назарда тутилган барча солиқларни жамлаган ҳолда тўлайдилар, ушбу модданинг иккинчи, бешинчи, олтинчи, тўққизинчи ва ўнинчи қисмларида назарда тутилган микрофирмалар ва кичик корхоналар бундан мустасно.

Ягона солиқ тўлаш тартиби ва ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Савдо ва умумий овқатланиш корхоналари даромад (фойда) солиғи, қўшилган қиймат солиғи (товарларни (ишларни, хизматларни) импорт қилиш бундан мустасно), экология солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ, ер солиғи, ободонлаштириш ва инфратузилмани ривожлантириш солиғи, бошқа маҳаллий солиқлар ва йиғимлар (мол-мулк

солиғи, товарларнинг айрим турлари билан савдо қилиш ҳуқуқи учун лицензия йиғимларини, юридик шахсларни рўйхатга олганлик учун йиғимни қўшган ҳолдаги савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғим бундан мустасно) ўрнига бюджетга ялпи даромад солиғи тўлайдилар. Ялпи даромад солиғи ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари, акциз солиғини ва товарларни (ишларни, хизматларни) импорт қилганлик учун қўшилган қиймат солиғини истисно этганда, амалдаги барча умумдавлат ва маҳаллий солиқлар ҳамда йиғимлар ўрнига ўзи етиштирадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш бўйича ягона ер солиғини тўлайдилар. Ягона ер солиғини тўлаш тартиби ва ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича солиқ солишнинг ўзи белгиланган ставкалар бўйича солиқнинг қатъий белгиланган суммасини тўлашни назарда тутувчи алоҳида тартибини белгилаши мумкин.

Кончилик саноати тармоқларининг айрим корхоналари учун устама фойда солиғи тўланишини назарда тутадиган фойданинг бир қисмига солиқ солишнинг алоҳида тартиби жорий этилиши мумкин. Устама фойда солиғи тўловчилар, уни тўлаш тартиби ва солиқ ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Маҳсулот тақсимотида оид битим бўйича ишларни бажаришда қатнашаётган инвесторларга, уларнинг пудратчиларига ва иккиламчи пудратчиларига солиқ солиш «Маҳсулот тақсимотида оид битимлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунда назарда тутилган хусусиятлар инобатга олинган ҳолда амалга оширилади.

Лотереялар, тотализаторлар ва бошқа таваккалчиликка асосланган ўйинларни ташкил этиш бўйича фаолиятни (ушбу модданинг еттинчи қисмида назарда тутилган фаолият турлари бундан мустасно) амалга оширувчи юридик шахслар даромад (фойда) солиғи, мол-мулк солиғи, экология солиғи, ер солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ўрнига ялпи тушумдан ягона солиқ тўлайдилар. Ялпи тушумдан ягона солиқ ставкалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Солиқ солишнинг ушбу моддада назарда тутилган хусусиятларига эга бўлган юридик шахслар солиқ солиниши мақсадидан келиб чиқиб тегишли фаолият турларининг алоҳида бухгалтерия ҳисобини юритишлари шарт»;

**2) 19-моддаси биринчи қисмининг:**

**тўртинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«ходимларга иш ҳақи тўлаш бўйича харажатлар (банкларнинг, кредит уюшмалари, суғурта ташкилотлари, видеосалонларнинг, видеоқўрсатув, видео ва аудио ёзув пунктларининг, аукционлар, казиноларнинг, оммавий концерт-томоша тадбирларини ўтказувчи ташкилотларнинг харажатлари бундан мустасно)»;

**ўн тўртинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«солиқ тўловчи фаолияти ихтисослиги бўйича кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш учун харажатлар суммалари»;

**3) 27-моддасидаги** «ихтиёрий тиббий суғуртага ва ихтиёрий суғуртанинг бошқа турларига» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**4) 28-моддаси учинчи қисмининг иккинчи хатбошиси** чиқариб ташлансин;

5) **45-моддасининг учинчи қисмидаги** «фаолиятдан» деган сўз «манбалардан» деган сўз билан алмаштирилсин;

6) **58-моддаси:**

«а» **банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«а) меҳнат шартномаси бекор қилинганда тўланадиган, энг кам иш ҳақининг ўн икки баравари миқдори доирасидаги ишдан бўшатиш нафақаси, давлат ижтимоий суғуртаси ва давлат ижтимоий таъминоти бўйича нафақалар, ишсизлик нафақалари, хомиладорлик ва туғиш нафақалари (вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақалари, шу жумладан оиланинг бемор аъзосини парваришlash нафақалари бундан мустасно), шунингдек хайрия ва экология жамғармалари маблағларидан фуқароларга пул ва натура шаклида бериладиган нафақалар ва бошқа ёрдам турлари»;

«з» **банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«з) фуқароларнинг хорижда ишлашга юборилиши муносабати билан давлат бюджетидан молиялаштириладиган муассасалар ва ташкилотлардан чет эл валютасида оладиган иш ҳақи суммалари ва бошқа суммалар, қонун ҳужжатларида белгиланган суммалар доирасида»;

«с» **бандидаги** «акциялар бўйича олинган ҳамда дивиденд тўлаган акциядорлик жамиятининг акцияларини сотиб олишга йўналтириладиган дивидендлар» деган сўзлар «дивидендлар тариқасида олинган ҳамда дивиденд тўлаган юридик шахсининг устав фондига (капиталига) йўналтирилган даромадлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги «ч» ва «ш» бандлари билан тўлдирилсин:

«ч) Ўзбекистон Республикасининг давлат мукофотлари ва давлат пул мукофотларига сазовор бўлган жисмоний шахслар олган бир йўла бериладиган пул мукофотлари ёки шунга тенг баҳодаги эсдалик совғаларининг қиймати;

ш) Олимпия ўйинларида ва бошқа халқаро спорт мусобақаларида совринли ўринларни эгаллаганлиги учун спортчилар олган бир йўла бериладиган пул мукофотлари»;

7) **71-моддаси:**

**биринчи қисмининг:**

**11** ва **27-бандлари** чиқариб ташлансин;

**28-бандидаги** «шунингдек чет мамлакатларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали олиб ўтиладиган юкларини (транзит юкларни)» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**иккинчи қисми:**

**4-банди** чиқариб ташлансин;

қуйидаги мазмундаги **8-банд** билан тўлдирилсин:

«8) ушбу модда биринчи қисмининг 1—9, 13, 14, 17, 19, 20, 22—24, 26, 28, 33-бандларида кўрсатилган ишлар (хизматлар)»;

8) **72-моддаси** қуйидаги мазмундаги **хатбоши** билан тўлдирилсин:

«чет мамлакатларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали олиб ўтиладиган юкларини (транзит юкларни) ташиш бўйича кўрсатиладиган хизматларга»;

9) **79-моддаси** қуйидаги мазмундаги **қисм** билан тўлдирилсин:

«Ноль даражали ставка бўйича солиқ солинадиган оборотлардан тўланган, ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ортиқча миқдор тўловчига, агар унда солиқлар ва йиғимлар бўйича қарздорлик бўлмаса, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қайтарилади»;

10) **80-моддаси** **иккинчи қисмининг учинчи хатбошиси** ва **учинчи қисми** чиқариб ташлансин;

11) **90-моддасининг биринчи қисми** «қурилиш объектларининг» деган сўзлардан кейин «ва норматив муддатларда ўрнатилмаган ускуналар» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

12) **102-моддаси биринчи қисмининг 4-банди** чиқариб ташлансин;

13) **109-моддасининг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Юридик ва жисмоний шахслар ер остидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича ҳисоб-китобларни солиқ органларига ўсиб борувчи якун бўйича, солиқ тўлаш учун белгиланган муддатларда тақдим этадилар.

Юридик шахслар ер остидан фойдаланганлик учун солиқни:

фойдали қазилмалар қазиб олганлик учун ва техноген ҳосилалардан фойдаланганлик учун — ҳар ойда, ҳисобот ойдан кейинги ойнинг йигирманчи кунигача; қолган ҳолларда — йилнинг ҳар чорагида, йил чорақлари бўйича ва йиллик ҳисоботларни топшириш муддатларида тўлайдилар.

Жисмоний шахслар ер остидан фойдаланганлик учун солиқни бир йилда бир марта, кейинги йилнинг 20 январидан кечиктирмай тўлайдилар»;

14) **120-моддасининг биринчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Юридик шахслар сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича ҳисоб-китобларни солиқ органларига ўсиб борувчи якун бўйича, солиқ тўлаш учун белгиланган муддатларда тақдим этадилар»;

15) **121-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмлари** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Йил чораги давомида сув ресурсларидан фойдаланганлик учун тўлайдиган солигининг умумий суммаси энг кам иш ҳақининг эллик бараваридан кам бўлган корхоналар солиқни йилнинг ҳар чорагида бир марта, йил чорақлари бўйича молиявий ҳисоботларни топшириш учун белгиланган муддатларда тўлайдилар.

Қолган корхоналар (қишлоқ хўжалиги корхоналаридан ташқари) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни амалда олинган сув ҳажмидан келиб чиқиб, ҳар ойда, ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 15-кунига қадар тўлайдилар»;

16) **135-моддаси биринчи қисмининг 9-банди учинчи хатбошисидаги иккинчи жумла** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Бунда товарларнинг (ишларнинг, хизматларнинг) харидорлари қўшилган қиймат солиғи бўйича бюджет билан қайта ҳисоб-китоб қилмайдилар ва уларга нисбатан жарима жазоси қўлланилмайди».

**37.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган «**Бож тарифи тўғрисида**»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 228-модда; 1998 йил, № 9, 181-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда) **33-моддасининг:**

**биринчи қисми:**

**ўн учинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«чет эллик инвесторлар томонидан ўз ишлаб чиқариш эҳтиёжлари учун Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган мол-мулк»;

қуйидаги мазмундаги **ўн тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«чет эллик инвесторлар билан тузилган меҳнат шартномаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасида турган чет эллик инвесторлар ва чет давлатлар фуқароларининг шахсий эҳтиёжлари учун олиб кириладиган мол-мулк»;

**ўн тўртинчи — йигирма тўртинчи хатбошилари** тегишинча **ўн бешинчи — йигирма бешинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

**иккинчи қисми** қуйидаги мазмундаги **иккинчи, учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Ушбу модда биринчи қисмининг тўртинчи, ўн бешинчи ва ўн саккизинчи хатбошиларида назарда тутилган имтиёзлар юридик шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган истеъмол товарларига нисбатан татбиқ этилмайди.

Ушбу модда биринчи қисмининг ўн учинчи хатбошида назарда тутилган имтиёз юридик шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган истеъмол товарларига нисбатан татбиқ этилмайди, меҳмонхона хизматлари кўрсатиш учун олиб кириладиган истеъмол товарлари бундан мустасно.

Товарларни истеъмол товарлари жумласига киритиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади».

**38.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган «**Давлат божхона хизмати тўғрисида**»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 230-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда) **9-моддасининг матни** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг раиси Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади ва лавозимидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан озод қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раисининг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри бўйича бошқармалари ва ихтисослаштирилган божхона мажмуалари бошлиқлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади.

Божхона органларининг ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида санаб ўтилмаган мансабдор шахслари Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси томонидан белгиладиган тартибда тайинланади».

**39.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган «**Давлат солиқ хизмати тўғрисида**»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 232-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда, № 9-10, 182-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 9, 171-модда) **10-моддаси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

**«10-модда. Давлат солиқ хизмати органларининг мансабдор шахсларини тайинлаш**

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг раиси Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади ва лавозимидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан озод қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари бошлиқлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади ва лавозимидан озод қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг мансабдор шахслари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бош-

қармалари бошлиқларининг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари бўлимларининг бошлиқлари, давлат солиқ инспекцияларининг бошлиқлари Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг буйруғи билан тайинланади.

Давлат солиқ хизмати органларининг ушбу модданинг биринчи — учинчи қисмларида санаб ўтилмаган мансабдор шахслари давлат солиқ хизмати тегишли органининг раҳбари томонидан тайинланади».

**40.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 26 декабрда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 2, 36-модда; 1999 йил, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда):

1) **31-моддаси биринчи қисмининг учинчи хатбошиси** «қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **50-моддасининг иккинчи қисмидаги** «Олий Мажлиси депутатлари» деган сўзлар «Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенати аъзоларининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**41.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 82-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда) **4-моддасининг тўртинчи хатбошиси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«тупроқ унумдорлигини ошириш, ерлардан оқилона фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилиш юзасидан давлат дастурларини тасдиқлаш».

**42.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «**Дехқон хўжалиги тўғрисида**»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 5-6, 88-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 5, 89-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда) **25-моддасининг тўртинчи қисмидаги** «Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси ҳамда уларнинг жойлардаги ҳудудий органлари» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**43.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 28 августда қабул қилинган «**Давлат ер кадастри тўғрисида**»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда):

1) **5-моддасининг:**

**биринчи қисмидаги** «ваколат берилган давлат бошқаруви органлари» деган сўзлар «ваколатли давлат бошқаруви органи» деган сўзлар билан алмаштирилсин; **иккинчи қисми** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси давлат ер кадастрини юритиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат бошқаруви органи ҳисобланади»;

2) **8-моддаси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

**«8-модда. Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг давлат ер кадастрини юритиш соҳасидаги ваколатлари**

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг давлат ер кадастрини юритиш соҳасидаги ваколатларига қуйидагилар киреди:

Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида давлат ер кадастри юритилишини ташкил этиш;

Ер ресурсларининг ҳолати тўғрисидаги ҳар йилги миллий ҳисоботни тузиш; вилоятлар, туманлар ҳамда аҳоли пунктларининг маъмурий чегараларини белгилаш (аниқлаштириш) ишларини ташкил этиш ва ўтказиш;

норматив ҳужжатларни белгиланган тартибда ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш; мутахассисларни тайёрлаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш ишларини ташкил этиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш».

3) **9-моддаси** чиқариб ташлансин;

4) **10-моддаси:**

**биринчи қисмининг учинчи хатбошиси** чиқариб ташлансин;

**иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Давлат ер кадастрини юритиш Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг туман (шаҳар) ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари томонидан амалга оширилади».

**44.** Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 24 декабрда қабул қилинган «**Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида**»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 1, 8-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2004 йил, № 5, 90-модда) **18-моддасининг тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Хўжалик юритувчи субъектларнинг — Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси аъзоларининг фаолиятини текшириш унинг вакиллари иштирок этган ҳолда амалга оширилиши мумкин».

**45.** Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майда қабул қилинган «**Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида**»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 йил, № 5-6, 140-модда; 2001 йил, № 5, 89-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда):

1) **5-моддаси** қуйидаги мазмундаги **тўртинчи** ва **бешинчи қисмлар** билан тўлдирилсин:

«Кичик тадбиркорлик субъектлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар, кафолатлар ва ҳуқуқлар юқорида санаб ўтилган тижорат ташкилотларига улар томонидан ваколатли ташкилотларга (давлат солиқ, божхона хизмати органлари, давлат статистика органлари, банклар ва бошқаларга) имтиёзлар, кафолатлар ва ҳуқуқлар хусусиятидан келиб чиқиб, кичик тадбиркорлик субъектлари эканлиги ҳақида хабарнома тақдим этган ҳолда қилинган мурожаатлар асосида берилди. Хабарноманинг тўғрилиги учун жавобгарлик хабарномани тақдим этган субъектлар зиммасига юклатилади.

Микрофирма ва кичик корхона ходимларнинг белгиланган ўртача йиллик сони-

ни ошириб юборган тақдирда, ошириб юборишга йўл қўйилган давр учун ва кейинги уч ойга улар қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар, кафолатлар ва ҳуқуқлардан маҳрум этилади»;

2) **22-моддасининг иккинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тадбиркорлик фаолияти субъектларининг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги валюта ҳисобварақларини очиш ва ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш учун асос бўлади. Товарларни импорт қилувчи якка тартибдаги тадбиркорларнинг ташқи иқтисодий алоқалар иштирокчиси сифатида рўйхатдан ўтказилганлиги ҳам бундай тадбиркорларга ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш учун асос бўлади»;

3) **39-моддасининг олтинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Тадбиркорлик субъектларининг — Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси аъзоларининг фаолиятини текшириш уларнинг вакиллари иштирок этган ҳолда амалга оширилиши мумкин».

**46.** Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган «**Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида**»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 1-2, 8-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда):

1) **4-моддасидаги** «Олий Мажлиси» деган сўзлар «Олий Мажлисининг палаталари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **17-моддасининг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг тайёрланган лойиҳаси норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилувчи органга тақдимнома билан киритилади, тақдимномада ҳужжатни қабул қилишнинг зарурлиги асослаб берилади, уни ишлаб чиқувчилар кўрсатилади, ҳужжат мазмунининг қисқача тавсифи берилади, лойиҳа қайси давлат органи, шунингдек ташкилот билан келишилган бўлса, шу орган ва ташкилотларнинг рўйхати келтирилади, келишмовчиликларнинг мазмуни ҳамда улар ҳақидаги асослантилган фикр қисқача баён этиб ўтилади. Зарурат бўлганда, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасига уни асослаш учун молиявий-иқтисодий ҳисоб-китоблар, статистика маълумотлари ва бошқа ахборотлар илова қилинади.

Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлмаган вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар ва бошқа органлар ёки нодавлат нотижорат ташкилотлари томонидан тайёрланган қонун лойиҳалари, агар лойиҳани тайёрлаш тўғрисидаги топшириқда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси муҳокамасига тақдим этилади»;

3) **5-моддасининг «в» бандидаги, 6-моддасининг иккинчи қисмидаги, 9-моддасидаги, 25-моддасининг биринчи қисмидаги** ва **26-моддасининг биринчи қисмидаги** «Олий Мажлисининг» деган сўзлар «Олий Мажлиси палаталарининг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **20-моддасининг:**

**учинчи хатбошиси** қуйидаги мазмундаги **учинчи** ва **тўртинчи хатбошилар** билан алмаштирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг қарорлари — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикери томонидан;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қарорлари — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати Раиси томонидан»;

**тўртинчи — еттинчи хатбошилари** тегишинча **бешинчи — саккизинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин.

**47.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган Қарори билан тасдиқланган таҳрирдаги **Суд ходимларининг мансаб даражалари тўғрисидаги низом** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 1-2, 12-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда) **4-моддасининг:**

**бешинчи хатбошиси** «қабулхона бошлиқларига» деган сўзлардан кейин «бош мутахассисларига» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

**олтинчи хатбошиси** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«2-даражали юрист Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судлари консультантларига, раисларининг ёрдамчиларига, Қорақалпоғистон Республикаси фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича олий судлари, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди консультантларига, раисларининг ёрдамчиларига, катта мутахассисларига, девонхона мудирларига, малака ҳайъатлари котибларига»;

**еттинчи хатбошиси** «раисларининг ёрдамчиларига» деган сўзлардан кейин «деворхона мудирларига» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

**48.** Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган «**Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси тўғрисида**»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 1-2, 14-модда):

1) **5-моддаси биринчи қисмининг учинчи хатбошисидаги** «Олий Мажлисига» деган сўзлар «Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **12-моддасидаги** «қўмиталари ва комиссияларига» деган сўзлар «Қонунчилик палатаси қўмиталарига» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) **13-моддасининг биринчи ва иккинчи қисмларидаги** «Олий Мажлиси», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ёки унинг» деган сўзлар тегишинча «Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ёки унинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

4) **15, 21 ва 22-моддаларидаги** «қўмиталари ва комиссиялари» деган сўзлар «Қонунчилик палатаси қўмиталари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

5) **16-моддасидаги** «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисидаги сиёсий партиялар фракциялари ва депутатлар блоклари, шунингдек Олий Мажлис депутатлари» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари ва депутатлар гуруҳлари, шунингдек Қонунчилик палатаси депутатлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

6) **23-моддасидаги** «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қўмиталари, комиссиялари, сиёсий партиялар фракциялари ва депутатлар блоклари» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг қўмиталари, сиёсий партиялар фракциялари ва депутатлар гуруҳлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **24-моддасидаги** «қўмиталари ва комиссиялари», «Олий Мажлиси депутатлари» деган сўзлар тегишинча «Қонунчилик палатаси қўмиталари», «Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

8) **25-моддаси** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

**«25-модда. Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси яқунларини кўриб чиқиш**

Қонун лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамаси яқунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан кўриб чиқилади.

Қонун лойиҳасининг умумхалқ муҳокамаси яқунларига кўра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси қонунни қабул қилади ва уни маъқуллаш учун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатига юборади ёки қонун лойиҳасини қўшимча равишда ишлашга юборади ёхуд уни рад этади».

**49.** Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрда қабул қилинган «**Давлат кадастрлари тўғрисида**»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 1-2, 19-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда) **10-моддасининг биринчи қисми** ва **иккинчи қисмининг биринчи хатбошидаги** «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Геодезия, картография ва давлат кадастри бош бошқармаси» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**50.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 7 декабрда қабул қилинган Қарори билан тасдиқланган **Судьяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисидаги низом** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 1, 23-модда) **47-бандининг иккинчи хатбошидаги** «Олий Мажлиси» деган сўзлар «Олий Мажлисининг Сенати» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

**51.** Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган «**Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида**»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 12, 217-модда; 2003 йил, № 9-10, 149-модда) **9-моддаси** қуйидаги мазмундаги **тўққизинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ҳарбий бурчни жиддий тарзда бузганлик, ҳокимиятни суистеъмол қилганлик, зиммасига қонунлар ва ҳарбий уставлар билан юклатилган талаблар ва мажбуриятларни фавқулодда вазиятларда бажармаганлик учун катта офицерлар ва генераллар таркибидаги шахсларнинг ҳарбий унвонлари Ўзбекистон Республикаси Президенти — Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучлари Олий Бош қўмондонининг қарори билан пасайтирилиши мумкин»;

**тўққизинчи қисми ўнинчи қисм** деб ҳисоблансин.

**II.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайлов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенатини шакллантириш яқунлари бўйича қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

**1.** Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 5 майда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Регламентини тасдиқлаш тўғрисида**»ги Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 6, 97-модда).

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1995 йил 5 майда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қўмиталари ва комиссиялари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**»ги Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 6, 98-модда).

3. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 30 августда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикаси қонунларини тайёрлаш тўғрисида**»ги Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 237-модда).

4. Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 12 декабрда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида**»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 1-2, 18-модда) **XVII бўлими**.

**III.** Ушбу Қонуннинг **I бўлими** Қонун эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирилади.

Зарур ҳолларда, тегишли қонунлар ҳамда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар киритилган ўзгартишлар ва қўшимчалар инobatга олинган ҳолда қайта нашр этилади.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 3 декабрь,  
714–II-сон

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

### **515** Телерадиоэшиттириш соҳасида радиочастота спектридан самарали фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида

«Радиочастота спектри тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2004 йил 7 майдаги 215-сон қарорини бажариш юзасидан, шунингдек радиочастота спектридан самарали фойдаланишни таъминлаш, фуқароларнинг маънавий эҳтиёжларига, замонавий техник талаблар ва стандартларга жавоб берадиган сифатли ва бадиий жиҳатдан юксак телерадиоэшиттиришларни ташкил этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Белгилаб қўйилсинки, 2005 йил 1 февралдан бошлаб радиочастоталарни тақсимлаш ҳамда телевидение кўрсатувлари ва радиоэшиттиришларни тарқатиш (трансляция қилиш) соҳасида фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига яқка тартибдаги лицензиялар бериш танлов асосида амалга оширилади.

2. Белгилансинки:

радиочастоталарни тақсимлаш ва телерадиоэшиттириш соҳасида фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига яқка тартибдаги лицензиялар бериш учун танловларни ташкил этиш ва ўтказиш Ахборот фаолияти ҳамда маълумотлар узатишни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи комиссияга юкланади;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган, таъсис ҳужжатларида оммавий ахборот воситалари соҳасидаги фаолиятни амалга ошириш назарда тутилган юридик шахслар танловда иштирок этиш учун қўйилади;

мазкур қарор чиққунга қадар берилган лицензиялар асосида телевидение кўрсатувлари ва радиоэшиттиришларни тарқатиш (трансляция қилиш) соҳасида фаолиятни амалга ошираётган хўжалик юритувчи субъектлар кўрсатиб ўтилган лицензиялар муддати тамом бўлгандан кейин танловда умумий асосларда қатнашадилар;

телерадиоэшиттириш соҳасида радиочастоталарни бериш юзасидан танлов ўтказиш ва унинг яқунлари тўғрисидаги ахборот оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Асосий фаолияти давлат теле ва радиодастурларни тузиш ва тарқатиш (трансляция қилиш) ҳисобланган ёки устав фондида мулкнинг давлат улуши камида 50 фоизни ташкил этадиган корхоналарга радиочастоталар бериш ва телерадиоэшиттириш соҳасида фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига яқка тартибдаги лицензияларни бериш танловдан ташқари асосда амалга оширилади.

3. Радиочастоталарни танлов йўли билан тақсимлаш ва телерадиоэшиттириш соҳасида фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига яқка тартибдаги лицензиялар бериш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Идоралараро мувофиқлаштирувчи комиссия (А.Н. Арипов) танловни ўтказиш давомида:

тақдим этилган ҳужжатлар ва талабгор фаолиятининг Оммавий коммуникациялар соҳасида мониторинг марказининг тегишли хулосасини ҳисобга олган ҳолда ҳар томонлама ўрганиб чиқилишини таъминласин;

телерадиодастурларнинг жанри, мазмунан хилма-хиллиги жамиятнинг маънавий эҳтиёжларига, режалаштириладиган сетка ва эшиттириш ҳажмларига мувофиқлигини, замонавий талаблар ва стандартларга жавоб берадиган зарур теле ва радиоускуналар мавжудлигини, шунингдек лицензия талабгорининг молиявий-иқтисодий имкониятларини талабгор томонидан таклиф этиладиган эшиттириш концепциясини баҳолаш учун асосий мезонлар сифатида қабул қилсин;

танлов қатнашчилари телерадиоэшиттириш объектларининг санитария талабларига, ёнғин нормаларига, шунингдек қўриқлаш ва хавфсизлик режими таъминлашига мувофиқлигини ҳисобга олсин.

5. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги (А.Н. Арипов) икки ҳафта муддатда телевидение кўрсатувлари ва радиоэшиттиришларни тарқатиш (трансляция қилиш) бўйича фаолиятни амалга оширадиган хўжалик юритувчи субъектларга мазкур қарорга мувофиқ радиочастоталар тақсимланиши ва телерадиоэшиттириш соҳасида фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига яқка тартибдаги лицензиялар бериш тартиби етказилиши ва тушунтирилишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги (А.А. Полвон-зода) манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда амалдаги қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқувчи ўзгартиришлар ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 20 декабрь,  
592-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 20 декабрдаги 592-сон қарорига  
ИЛОВА

**Радиочастоталарни танлов йўли билан тақсимлаш ва телерадиоэшиттириш соҳасида фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига яқка тартибдаги лицензиялар бериш тартиби тўғрисида НИЗОМ**

### **I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом радиочастоталарни беришга ва телерадиоэшиттиришларни тарқатиш (трансляция қилиш) бўйича фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига яқка тартибдаги лицензиялар олишга танлов ўтказиш (кейинги ўринларда танлов деб юритилади) тартибини белгилайди.

Танлов Ўзбекистон Республикаси ҳудудида радиочастота спектридан самара-

ли фойдаланишни таъминлаш ва юқори сифатли телерадиоэшиттиришларни ташкил этиш мақсадида ўтказилади.

2. Муайян радиочастотада (радиотўлқинда) телекўрсатувлар ёки радиоэшиттиришларни тарқатиш (трансляция қилиш) бўйича фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига яқка тартибдаги лицензия бериш танловнинг мавзуси ҳисобланади.

3. Асосий фаолияти давлат телерадиодастурларини трансляция қилиш ҳисобланган ёки устав фондида мулкнинг давлат улуши 50 фоиздан ортиқни ташкил этадиган корхоналарга радиочастоталар ва лицензиялар бериш белгиланган тартибда, танлов ўтказилмасдан амалга оширилади.

4. Танлов ўтказиш тўғрисидаги қарор Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг таклифи асосида Ахборот фаолияти ҳамда маълумотлар узатишни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш бўйича идоралараро мувофиқлаштирувчи комиссия (кейинги ўринларда Комиссия деб юритилади) томонидан қабул қилинади.

Танловни ўтказиш ва яқка тартибдаги лицензияларни бериш мазкур Низомга илова қилинаётган схемага мувофиқ амалга оширилади (1-илова).

## **II. Танловни ўтказишга тайёргарлик кўриш**

5. Танловни ўтказиш муддатларини Комиссия белгилайди.

6. Комиссия танлов ўтказиладиган санадан камида 60 кун олдин оммавий ахборот воситаларида танлов тўғрисидаги билдиришномани эълон қилади.

Билдиришномада қуйидаги маълумотлар бўлиши керак:

а) танловнинг ўтказилиш санаси, вақти, жойи ва шартлари;

б) телерадиоэшиттиришларни тарқатиш (трансляция қилиш) учун берилётган радиочастота канали (радиочастота номинали) ва қамраб олиш ҳудуди кўрсатилган ҳолда ундан фойдаланиш шартлари тўғрисидаги маълумотлар;

в) буюртманомаларни қабул қилишнинг бошланиши ва тамом бўлиши муддати ҳамда танловда қатнашиш учун зарур бўлган ҳужжатлар рўйхати;

г) танловда қатнашишга буюртманома бланкаси шакли ва буюртманомага илова қилинадиган ҳужжатлар рўйхати;

д) қуйидагиларни:

танлов таклифлари кўриб чиқилганлиги учун Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдоридаги йиғим суммасини;

телерадиоэшиттиришларни тарқатиш (трансляция қилиш) тармоқларини лойиҳалаштириш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизматлар кўрсатиш бўйича фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига лицензия берилганлиги учун давлат божининг йиллик суммасига тенг бўлган зақолат суммасини ўтказиш учун тегишли банк ҳисоб рақами реквизитлари;

е) буюртманомалар ва ҳужжатлар қабул қилинадиган жойнинг манзили;

ж) лицензия талаблари ва шартлари.

## **III. Танловда қатнашиш шартлари**

7. Танловда қатнашишга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган, ўз вақтида буюртманома берган ва мазкур Низомга мувофиқ зарур даражада расмийлаштирилган ҳужжатларни тақдим этган юридик шахслар қўйилади.

Шу билан бирга лицензия талабгорлари оммавий ахборот воситалари соҳаси-

даги қонун ҳужжатлари талабларига жавоб беришлари, шунингдек ваколатли органларнинг телерадиоэшиттириш объектларининг санитария, ёнғин нормалари ва хавфсизлик режими талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги хулосаларини тақдим этишлари керак.

8. Илгари берилган лицензиялар асосида телерадиоэшиттиришларни тарқатиш (трансляция қилиш) соҳасидаги фаолиятни амалга ошираётган хўжалик юритувчи субъектлар лицензия муддати тамом бўлгандан кейин танловда умумий асосларда қатнашадилар.

9. Танловда қатнашиш учун лицензия талабгори мазкур Низомга 2-иловага мувофиқ шаклга биноан буюртманомга тақдим этади.

10. Буюртманомга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

а) юридик шахс давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;

б) юридик шахс таъсис ҳужжатларининг нотариал тасдиқланган нусхалари;

в) танлов таклифларининг кўриб чиқилиши учун лицензия талабгори томонидан йиғим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

г) лицензия талабгори томонидан зақолат тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

д) телерадиодастурларни тарқатиш бўйича хизматлар кўрсатиш жараёни билан бевосита боғлиқ бўлган ходимларнинг малакасини тасдиқловчи ҳужжатлар (дипломлар, гувоҳномалар, сертификатлар);

е) ижодий, техник ва молиявий таклифларни, шунингдек телерадиодастурларни кўрсатиш ва эшиттиришнинг режалаштирилаётган сеткасини, ўз дастурларини эшиттириш ҳажмлари ва танлов мажбуриятларини ўз ичига оладиган эшиттиришларнинг муфассал концепцияси;

ж) тегишли органларнинг телерадиоэшиттиришлар объектларининг санитария, ёнғин нормалари ва объектни кўриқлаш тадбирлари талабларига мувофиқлиги тўғрисидаги хулосаси;

з) телерадиоэшиттиришларни ташкил этиш учун мўлжалланган асбоб-ускуналардан фойдаланишга ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатлар, агар ушбу ҳуқуқ бошқа шахсга тегишли бўлган тақдирда (ижара шартномаси ва бошқалар).

11. Буюртманомаларни уларга илова қилинадиган ҳужжатлар билан бирга қабул қилиш танлов эълон қилиниши тўғрисидаги билдиришнома чоп этилган кундан бошлаб 30 кун мобайнида амалга оширилади.

12. Ҳужжатлар лицензия талабгори томонидан уларнинг олинганлиги тўғрисидаги билдиришнома билан бевосита ёхуд почта алоқаси воситаси орқали етказилади.

13. Лицензия олиш учун юборилган ҳужжатлар Комиссиянинг ишчи гуруҳи раҳбари томонидан рўйхатга мувофиқ қабул қилинади, рўйхатнинг нусхаси мазкур орган томонидан ҳужжатлар қабул қилинган сана тўғрисидаги белги билан лицензия талабгорига юборилади (тақдим этилади).

14. Ишончсиз ёки нотўғри маълумотлар тақдим этилганлиги учун лицензия талабгори қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

15. Белгиланган муддат тугагандан кейин буюртманомаларни қабул қилиш тўхтатилади. Танловда қатнашишга қўйилган лицензиялар талабгорларига танловда қатнашиш тўғрисида билдиришнома юборилади.

Агар белгиланган муддатда танловда қатнашиш учун фақат битта лицензия талабгоридан буюртманомга тушса, у ҳолда буюртманомалар қабул қилиш муддати 15 кунга узайтирилади.

**IV. Танловни ўтказиш тартиби**

16. Буюртманомалар ва танлов таклифлари Комиссия томонидан кўриб чиқилади.

17. Фақат битта қатнашчи иштирок этган танлов ўтказилмаган деб эътироф этилади.

18. Оммавий ахборот воситалари ва телекоммуникациялар соҳасидаги қонун ҳужжатлари талабларига, шунингдек лицензия талабларига ҳамда Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисидаги низомда белгиланган шартларга жавоб берадиган энг яхши ижодий, техник ва молиявий-иқтисодий таклифлар тақдим этган қатнашчи танлов ғолиби деб эътироф этилади.

Ижодий, техник ва молиявий-иқтисодий таклифларни баҳолашда Комиссия қуйидагиларни ҳисобга олади:

а) талабгорнинг ўз дастурларини эшиттириш ҳажми, эшиттириш вақти (ҳар куни, сутка давомида), эшиттиришнинг тиллар бўйича нисбати, давлат тилидаги эшиттиришларни узатишнинг режалаштирилаётган вақти;

б) турли усуллар ва воситалардан фойдаланган ҳолда ахборотларни узатиш имкониятининг мавжудлиги (телематн, икки тилда овозли узатиш ва бошқалар);

в) замонавий, юқори технологияли студия ва эшиттириш асбоб-ускуналаридан фойдаланиш;

г) юқори сифатли овоз ва тасвири телерадиодастурларни шакллантириш ва тарқатиш (трансляция қилиш) мажбуриятлари;

д) эшиттириш тармоқларини бориш қийин бўлган ҳудудларгача узайтириш мажбуриятлари;

е) техник-иқтисодий маълумотлар (молиялаштириш манбалари ва уларнинг ишончилиги, харажатлар, даромадлар);

ж) эфирга узатиш учун мўлажалланаётган телерадиоэшиттиришларнинг мавзу йўналишлари ва уларнинг жанр бўйича нисбати;

з) жалб этилаётган оммавий ахборот воситалари мутахассислари ва техник ходимларнинг касб бўйича тайёргарлик даражаси;

и) ўз дастурлари ва ретрансляция нисбати (ретрансляция шартномаси);

к) танлов қатнашчисида телерадиоэшиттиришларни тарқатишнинг илгаридан мавжуд тармоқларининг бор бўлиши имконияти.

Агар танловнинг икки ва ундан кўп қатнашчиларининг таклифлари қўйилган талабларга тенг даражада жавоб берса, устунлик лицензия олиш учун энг кўп ҳақ тўланишини таклиф қилган қатнашчига берилади.

Лицензия олиш учун тўловнинг таклиф этилаётган миқдори телерадиоэшиттиришларни тарқатиш (трансляция қилиш) тармоқларини лойиҳалаш, қуриш, улардан фойдаланиш ва уларга хизматлар кўрсатиш фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига лицензия берилган бутун муддат учун давлат божи суммасидан кам бўлмаслиги керак.

Лицензияларни бериш, беришни рад этиш, уларнинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тўхтатиш ёки лицензияларни бекор қилиш тўғрисидаги қарор тақдим этилган ҳужжатларни пухта таҳлил қилиш натижаларига кўра ҳамда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг Оммавий коммуникациялар соҳасида мониторинг маркази хулосаси асосида Комиссия томонидан қабул қилинади.

19. Комиссия қарори протокол билан расмийлаштирилади, протокол Комиссия раиси, котиби ва танлов ғолиби (лицензиат) томонидан имзоланади.

Танлов якунлари тўғрисидаги протоколда қуйидагилар мажбурий тартибда кўрсатилади:

- а) Комиссия аъзолари мажлисида қатнашганлар рўйхати;
- б) танлов қатнашчилари рўйхати;
- в) талабгорлар таклифларини баҳолаш тўғрисидаги маълумотлар;
- г) танлов ғолиби тўғрисидаги маълумотлар.

Танлов қатнашчиларига протоколдан кўчирма берилади.

Танлов якунлари тўғрисидаги билдиришнома айнан унинг ўтказилиши тўғрисида хабар қилинган нашрларда, танлов якунлари тўғрисидаги протокол имзолангандан кейин 15 кундан кечикмай эълон қилинади.

20. Протокол имзолангандан кейин, танлов ғолиби томонидан тўланган закорлат у лицензия олиш учун таклиф қилган тўлов ҳисобига ўтказилади. Танловнинг бошқа қатнашчилари закорлати танлов ғолиби протоколни имзолагандан кейин 10 кун мобайнида қайтариб берилади.

Танлов ўтказилмаган деб эътироф этилган тақдирда тўланган закорлат қатнашчига танловни ўтказиш учун белгиланган санадан кейин 10 кун мобайнида қайтариб берилади.

21. Агар танлов ғолиби танлов ўтказилгандан кейин 10 кун мобайнида протоколни имзолашни рад этса Комиссия танлов якунларига кўра ғолибдан кейинги ўринни эгаллаган қатнашчини ғолиб деб эълон қилишга ҳақлидир.

Бу ҳолда протоколни имзолашни рад этган танлов ғолиби томонидан тўланган закорлат қайтариб берилмайди.

#### **V. Лицензияни ва лицензияланаётган фаолият билан боғлиқ бошқа рухсат берувчи ҳужжатларни бериш тартиби**

22. Имзоланган протокол асосида Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги рўйхатдан ўтказиш йиғими тўланганлиги тўғрисида ҳужжат тақдим этилгандан кейин уч кун мобайнида танлов ғолибига оммавий ахборот воситаси рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани беради.

23. Лицензияни расмийлаштириш ва бериш Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан, танлов ғолиби танлов буюртманомасида лицензия олиш учун ўзи таклиф қилган сумманинг қолган қисмини тўлагандан кейин ва лицензияни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирган ҳолда лицензия битими имзолангандан кейин амалга оширилади.

24. Агар танлов ғолиби протокол имзоланган вақтдан бошлаб уч ой мобайнида лицензия олиш учун тўловнинг қолган суммаси тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатни тақдим этмаса ёхуд лицензия битимини имзоламаса Комиссия танлов натижаларини бекор қилишга ҳақлидир. Бу ҳолда тўланган закорлат суммаси қайтариб берилмайди.

25. Лицензияда фаолиятнинг аниқ тури, радиочастота (радиотўлқин), телерадиоэшитириш қамрайдиган ҳудуд, шунингдек лицензиянинг амал қилиш муддати кўрсатилади.

Лицензия берилгандан кейин Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги радиочастоталардан фойдаланишга рухсат берувчи ҳужжатларни белгиланган тартибда расмийлаштиради.

26. Танлов ғолиби томонидан лицензия олиш учун тўланган сумма давлат божи сифатида қабул қилинади ва белгиланган тартибда тақсимланади.

27. Лицензияловчи орган танлов ғолибининг ўзи таклиф этган танлов таклифлари бўйича ҳисоботини вақти-вақти билан эшитиб бориш, улар бажарилмаган

тақдирда эса Комиссияга частота ажратиш ва лицензиянинг амал қилиши тўғрисидаги қарорни бекор қилиш тўғрисида таклиф киритиш ҳуқуқига эга.


#### **VI. Яқуний қоидалар**

28. Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш, лицензия дубликатини қайта расмийлаштириш ва бериш Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 ноябрдаги 458-сон қарори билан тасдиқланган Телекоммуникациялар соҳасидаги фаолиятни лицензиялаш тўғрисида низомда белгиланган тартибда амалга оширилади. Лицензиянинг амал қилиш муддатини узайтириш тўғрисидаги қарор Комиссия томонидан қабул қилинади.

29. Лицензиат томонидан лицензия талаблари ва шартларининг бажарилишини назорат қилиш, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ва тўхтатиш, лицензияни бекор қилиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Радиочастоталарни танлов асосида тақсимлаш ва телерадиоэшиттиришлар соҳасида фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига якка тартибдаги лицензиялар бериш тартиби тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА

**Радиочастоталарни танлов асосида тақсимлаш ва телерадиоэшиттиришлар соҳасида фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига якка тартибдаги лицензиялар бериш бўйича танлов ўтказиш юзасидан ҳужжатларни қабул қилиш ва расмийлаштириш схемаси**



Радиочастоталарни танлов асосида тақсим-  
лаш ва телерадиоэшиттиришлар соҳасида  
фаолиятни амалга ошириш ҳуқуқига якка  
тартибдаги лицензиялар бериш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
2-ИЛОВА

## Телерадиоэшиттириш соҳасида радиочастоталардан фойдаланиш учун танловда иштирок этишга буюртманома

### Умумий маълумотлар:

1. Юридик шахснинг тўлиқ номи \_\_\_\_\_
2. Юридик манзил: \_\_\_\_\_
3. Телефон, факс рақамлари: \_\_\_\_\_
4. Оммавий ахборот воситалари номи: \_\_\_\_\_
5. Эшиттиришлар мавзу йўналиши ва номи: \_\_\_\_\_
6. Эшиттиришнинг режалаштирилаётган ҳажмлари:  
Умумий \_\_\_\_\_  
Ўзи тайёрлаган, шу жумладан сотиб олинган эшиттиришлар \_\_\_\_\_

7. Эшиттиришлар ҳажмлари:  
давлат тилида \_\_\_\_\_  
рус тилида \_\_\_\_\_  
бошқа тилларда \_\_\_\_\_
8. Рекламанинг мўлжалланаётган ҳажмлари ва даврийлиги \_\_\_\_\_

### Техник маълумотлар:

9. Танлов тўғрисидаги эълонга мувофиқ фойдаланиш режалаштирилаётган частота номинали: \_\_\_\_\_
10. Турғун студия асбоб-ускуналарнинг мавжудлиги: \_\_\_\_\_
11. Узатувчи станциянинг қуввати, Вт: \_\_\_\_\_
12. Студиянинг жойлашган жойи, радиоузатувчи ускунага дастурларни узатиш усули: \_\_\_\_\_
13. Узатувчи станцияни ўрнатиш жойи: \_\_\_\_\_
14. Антеннанинг тахминий баландлиги кўрсатилган ҳолдаги ўрнатиш жойи, м: \_\_\_\_\_
15. Режалаштирилаётган хизмат кўрсатиш ҳудуди ва дастур билан қамраб олинаётган аҳоли сони: \_\_\_\_\_
16. Телерадиоэшиттиришлар соҳасида частоталардан фойдаланиш ҳуқуқи олинган вақтдан бошлаб хизматлар кўрсатишнинг кафолатланган муддати: \_\_\_\_\_

Илова қилинаётган ҳужжатлар:

1. \_\_\_\_\_
2. \_\_\_\_\_
3. \_\_\_\_\_

Биринчи раҳбар имзоси \_\_\_\_\_

М.Ў. 200\_ йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_

Ариза кўриб чиқиш учун 200\_ йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да қабул қилинди.

(Масъул шахснинг имзоси, фамилияси, исми, отасининг исми)

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI BAZIRLAR MAХKAMACIНИНГ ҚАРОРИ

## **516 «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида**

«Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ижро этиш ва пенсионерларнинг фаровонлигини кўшимча равишда ошириш учун шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. 2005 йил 1 январдан бошлаб амалдаги фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тизимига кўшимча равишда жамғариб бориладиган пенсия тизими жорий этилсин.

2. Белгилансинки:

2005 йилда фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб рақамларига мажбурий ҳар ойлик бадаллар жисмоний шахсларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган даромад солиғи суммасидан тегишли равишда чиқариб ташланган ҳолда ходимнинг ҳисобланган иш ҳақи (даромади)нинг бир фоизи миқдорида амалга оширилади;

ходимларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ҳар ойлик бадаллар тўлаш 2005 йилнинг январь ойи учун ҳисобланган иш ҳақи (даромад)дан бошланади;

жамғариб бориладиган пенсия тизимида ихтиёрийлик асосида қатнашадиган фуқаролар томонидан шахсий пенсия ҳисобварақларига бадаллар миқдори ва тўлаш муддатлари мустақил равишда белгиланади.

3. Қуйидагилар:

Халқ банки томонидан фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия тизимида шахсан ҳисобга олишни юритиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Фуқароларнинг Халқ банкидаги шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларини очиш ва юритиш ҳамда уларга мажбурий ва ихтиёрий бадалларни тўлаш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидан маблағ тўлаш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ;

Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилансинки, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига шахсий тартиб рақами бериш паспорт тизимига мувофиқ аниқланадиган фуқаронинг идентификация рақами (шахсий коди) асосида амалга оширилади.

Ички ишлар органлари, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга кўйиш учун фуқароларнинг идентификация рақамларини (шахсий кодини) аниқлашда ва Халқ банкида шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларини очишда хўжалик юритувчи субъектларга зарур ёрдам кўрсатсинлар.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари корхоналар, ташкилотлар, муассасалар, фермер хўжаликлари ва юридик шахс ташкил этган бошқа хўжалик юритувчи субъектлар томонидан 2005 йил 5 январгача бўлган муддатда иш берувчилар жойлашган жой бўйича Халқ банкининг туман (шаҳар) филиалларига белгиланган шаклларга мувофиқ хо-

димларни жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олиш учун маълумотлар тақдим этилишини таъминласинлар.

Маълумотлар ўз вақтида тақдим этилиши, уларнинг тўлиқлиги ва ишончлилиги учун шахсий жавобгарлик хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарлари зиммасига юклансин.

6. Халқ банки 2005 йил 1 мартгача бўлган муддатда хўжалик юритувчи субъектлар томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида ходимлар жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олинишини, улар учун шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари очилишини ва жамғариб бориладиган пенсия дафтарчалари берилишини амалга оширсин.

Кейинчалик фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олиш зарур маълумотлар тақдим этилган кундан бошлаб беш иш куни мобайнида амалга оширилиши назарда тутилсин.

Халқ банки Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Молия вазирлиги билан биргаликда 2005 йил 1 апрелгача бўлган муддатда Вазирлар Маҳкамасига вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар бўйича фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олинишининг тўлиқлиги тўғрисида ахборот берсин.

7. Халқ банки 2008 йил 1 январгача бюджетга солиқларнинг барча турларини тўлашдан озод этилсин, бўшаб қолган маблағлар шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларини очиш ва юритишга доир операция харажатларини компенсация қилишга мақсадли йўналтирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Халқ банки Марказий банк ва Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда:

бир ой муддатда фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олиш ва шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари очиш имконини берадиган маълумотлар электрон базасини шакллантириш учун дастурий таъминлашни ишлаб чиқиш чора-тадбирларини кўрсин;

2005 йил 1 июлгача бўлган муддатда жамғариб бориладиган пенсия тизимининг барча даражаларида маълумотлар айирбошланиши ва уларнинг ишончли ҳимоя қилиниши имкониятини назарда тутувчи ягона маълумотлар электрон базасининг моддий-техник асоси шакллантирилишини ва унинг дастурий таъминланишини тугалласин;

жамғариб бориладиган пенсия тизими ишлашини таъминлаш учун Халқ банкнинг ҳудудий, туман (шаҳар) филиаллари ходимларини тайёрлаш ва ўқитишни бир ой муддатда амалга оширсин.

9. Халқ банки, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги:

компьютер техникаси сотиб олиш, ягона маълумотлар электрон базасини шакллантириш ахборот тизимининг пухта ишлашини таъминловчи электрон дастурий воситаларни ишлаб чиқиш;

зарур миқдорда жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаларини, жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномалар бланкаларини ва жамғариб бориладиган пенсия тизимида шахсан ҳисобга олиш бўйича маълумотларни тақдим этиш шаклларини тайёрлаш учун маблағларга бўлган эҳтиёж тўғрисида бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Марказий банкка асосланган таклифларни тақдим этсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги ва Марказий банк билан биргаликда икки ҳафта муддатда Вазирлар Маҳкамасига кўрсатиб ўтилган харажатларни молиялаштириш манбалари ва ҳажмлари бўйича таклифлар киритсин.

10. Халқ банки ўн кун муддатда ўзининг ташкилий тузилмасига белгиланган тартибда ўзгартиришлар киритсин, Халқ банкининг марказий аппаратида Халқ банкининг ҳудудий, туман (шаҳар) филиалларида жамғариб бориладиган пенсия тизимида фуқароларни ҳисобга олиш, шахсий жамғариб бориладиган ҳисобварақларига хизмат кўрсатиш ва жамғариб бориладиган пенсия тўловларини амалга ошириш бўйича тегишли бўлинмаларга эга бўлган жамғариб бориладиган пенсия тизими бошқармасини ташкил этсин.

Халқ банки Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан биргаликда 2005 йил 1 февралгача жамғариб бориладиган пенсия тизими бошқармасининг ва тегишли ҳудудий бўлинмаларнинг тузилмаси ва ходимлари сони бўйича зарур таклифлар киритсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банк, Давлат солиқ қўмитаси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Халқ банки корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг ходимлари учун методик қўлланмалар, кўрсатмалар ва йўриқномалар ишлаб чиқирилишини таъминласинлар, жойларда жамғариб бориладиган пенсия тизимининг фаолият кўрсатиши масалалари юзасидан хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарлари ва бухгалтерлари билан семинарлар ўтказирилишини ташкил қилсинлар.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари жойларда жамғариб бориладиган пенсия тизимини жорий этиш бўйича зарур ташкилий ишларни амалга оширсинлар.

12. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги (Р.С. Азимов), Марказий банк, Молия вазирлиги, Халқ банки 2005 йил 10 январгача:

«Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида ва ушбу қарорда жамғариб бориладиган пенсия тизимини жорий этиш бўйича назарда тутилган чора-тадбирларни бажариш юзасидан ҳудудий семинарлар ўтказсинлар;

ҳар қайси вилоятда вужудга келган муайян вазиятни ҳисобга олган ҳолда мазкур тадбирларни амалга оширувчи тузилмалар тармоқлари ходимлари сонини белгиласинлар.

13. Ўзбекистон Телерадио компанияси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари оммавий ахборот воситаларида мавзули эшиттиришлар ва мақолалар туркумлари ташкил этиш, мутахассисларни жалб этган ҳолда маърузалар ва учрашувлар уюштириш йўли билан жамғариб бориладиган қўшимча пенсия тизимининг механизми фаолияти ва афзалликларини аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишлари амалга оширилишини таъминласинлар.

14. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда амалдаги қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқувчи ўзгартиришлар ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин ҳамда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазкур қарорга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

15. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 21 декабрь,  
595-сон

---

*Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.*

Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 21 декабрдаги 595-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Халқ банки томонидан фуқароларни жамғариб  
бориладиган пенсия тизимида шахсан ҳисобга олишни  
юритиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ жамғариб бориладиган пенсия тизимида фуқароларни шахсий ҳисобга қўйишни ташкил этишнинг норматив-ҳуқуқий асосини, принциплари ва механизмларини белгилайди.

2. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**фуқароларни шахсий ҳисобга олиш** (кейинги ўринларда матнда «шахсий ҳисобга олиш» деб юритилади) — жамғариб бориладиган пенсия тизимининг ҳар бир қатнашчиси тўғрисидаги маълумотларни ташкил этиш ва уларнинг ҳисобини юритиш;

**жамғариб бориладиган пенсия бадалларини киритувчи** (кейинги ўринларда матнда «бадал киритувчи» деб юритилади) — жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчининг фойдасига бадаллар киритаётган иш берувчи юридик шахс ёки жисмоний шахс;

**шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи** — фуқаронинг Халқ банкидаги эгаси ёзилган шахсий ҳисобварағи бўлиб, бадал киритувчиларнинг жамғариб бориладиган пенсия бадаллари ва улардан жамғариб бориладиган пенсия тўловлари тўланадиган шахсий жамғариб бориладиган ҳисобварақларидаги маблағларга ҳисоблаб қўшилган фоизлар ана шу ҳисобварағига келиб тушади ва унда ҳисобга олинади;

**жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчи** — унинг фойдасига жамғариб бориладиган пенсия тизимига бадаллар киритиладиган (унинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига бадаллар ўтказилади), шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидан жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахс;

**жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси** — фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия тизимида қатнашишини тасдиқловчи ҳужжат, унда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағининг асосий реквизитлари кўрсатилади ва ушбу ҳисобварағида пул маблағларининг ҳаракати акс эттирилади.

3. Қуйидагилар шахсий ҳисобга олишнинг мақсадлари ҳисобланади:

фуқаронинг жамғариб бориладиган пенсия тизимида қатнашиши тўғрисидаги маълумотлар ҳисобга олинишининг тўлиқлигини таъминлаш, бадал киритувчилар томонидан шахсий пенсия тўловларини олувчи фойдасига амалга ошириладиган шахсий жамғарилиб бориладиган пенсия ҳисобварағига бадаллар киритиш даврлари ва миқдорлари, маблағларни жойлаштиришдан олинган фоизли даромадлар тўғрисидаги маълумотлар ҳам шу жумлага киради;

жамғариб бориладиган пенсия тизимининг қатнашчилари ва уларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига омонатлари тўғрисидаги ягона маълумотлар электрон базасини яратиш;

маблағларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига тўғри ўтказилганлигини тезкор назорат қилиш учун шарт-шароитлар яратиш;

жамғариб бориладиган пенсия тизими қатнашчиларига жамғариб бориладиган пенсия тўловлари тайинлаш тартибини содалаштириш ва тартиб-қоидабини тезлаштириш.

4. Шахсий ҳисобга олиш қўйидаги принципларга асосланади:

жамғариб бориладиган пенсия тизимида қатнашаётган фуқаролар тўғрисидаги маълумотлар ҳисобининг мажбурийлиги, тўлиқлиги ва тезкорлиги;

шахсий ҳисобга олиш маълумотларининг махфийлиги, ушбу маълумотлардан фақат жамғариб бориладиган пенсия тизими мақсадлари учун фойдаланиш;

жамғариб бориладиган пенсия тизими қатнашчилари бўлган фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия тизимидаги ўзларининг ҳисобварақлари тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланиши.

## II. Шахсий ҳисобга олишни ташкил этиш

5. Ўзбекистон Республикаси Халқ банки шахсий ҳисобга олишни амалга оширувчи ҳисобланади.

6. Шахсий ҳисобга олиш қўйидагиларни ўз ичига олади:

фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олиш;

иш даврлари (ўзгаришлар) ва ҳисобга олингандан кейинги иш даври учун шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига бадаллар тўлаш миқдорлари тўғрисидаги маълумотларни йиғиш;

жамғариб бориладиган пенсия тўловлари миқдорини белгилаш ва унга тузатиш киритиш жараёнини ахборот билан таъминлаш.

7. Жамғариб бориладиган пенсия тизимида қатнашаётган фуқаролар мажбурий тартибда ҳисобга олинади, жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олиш иш берувчи томонидан иш берувчи жойлашган жой бўйича Халқ банкининг филиалида амалга оширилади.

Ҳисобга олиш учун иш берувчи ходимга ходимнинг паспортидаги маълумотлар асосидаги тўлдирилган мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ шакл бўйича сўровнома тақдим этади.

Сўровнома босма ҳарфлар билан тўлдирилади ёки машинкада ёзилади. Сўровномада тузатишлар киритишга ва бандларнинг асоссиз бўш қолдирилишига йўл қўйилмайди.

Агар Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг паспортида фуқаронинг идентификация рақами (шахсий коди) кўрсатилмаган бўлса, у ҳолда иш берувчи яшаш жойи бўйича ички ишлар органларидан фуқаронинг идентификация рақамини (шахсий кодини) сўрайди ва у аниқлангандан кейин сўровноманинг тегишли устунига ёзувни қайд этади.

Сўровномада кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилиги иш берувчининг раҳбари имзоси билан тасдиқланади. Агар ходим узоқ муддат бўлмаганлиги (касаллик, хизмат сафари, таътил ёки бошқа сабабга кўра) муносабати билан сўровномадаги мавжуд маълумотларни шахсан тасдиқлаш имкониятига эга бўлмаса, иш берувчи ушбу сабабларни сўровномада кўрсатади ва уни ўз имзоси билан тасдиқлайди.

Тўлдирилган сўровномалар иш берувчи жойлашган жой бўйича Халқ банкининг филиалига берилади.

Халқ банкининг филиали сўровнома олинган кундан бошлаб беш иш куни мобайнида фуқарони жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олади, унинг

учун шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи очади ва жамғариб бориладиган пенсия дафтарчасини расмийлаштирилади. Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағини очиш ҳамда жамғариб бориладиган пенсия дафтарчасини расмийлаштириш ва юритиш тартиби қонун ҳужжатларида белгиланади.

8. Агар сўровномада ҳисобга қўйилиши керак бўлган шахсни ишончли идентификациялаш имконини бермайдиган тушуриб қолдиришлар, хатолар ёки тузатишлар аниқланган, ёхуд ягона маълумотлар электрон базасида ана шундай сўровнома маълумотларига эга бўлган шахс аниқланган ҳолларда, Халқ банки филиали сўровномани аниқланган хатоларни кўрсатган ҳамда уларни аниқлаштириш ва тузатиш учун сўров юборган ҳолда иш берувчига қайтаради.

Иш берувчи сўровномада кўрсатилган маълумотларни аниқлаштириш ёки тузатиш учун сўров олингандан кейин уч иш куни мобайнида тузатилган сўровномани Халқ банки филиалига қайтаради.

9. Фуқарони жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга қўйишда Халқ банки филиали беш кун муддатда иш берувчига мазкур Низомга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича унинг ходимлари жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга қўйилганлиги тўғрисидаги хабарномани, ҳисобга олинган ҳар бир фуқарога жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаларини ҳамда илова қилинадиган ведомостни юборади.

10. Иш берувчи жамғариб бориладиган пенсия дафтарчалари Халқ банки филиалидан олинган кундан бошлаб уч иш куни мобайнида уларни ходимларга беради. Ходим жамғариб бориладиган пенсия дафтарчасини олганлиги тўғрисида илова қилинадиган ведомостга имзо чекади. Илова қилинадиган ведомость тўлдирилгандан кейин беш кун муддатда Халқ банки филиалига қайтарилади.

Агар иш берувчи ходим узоқ вақт бўлмаганлиги муносабати билан жамғариб бориладиган пенсия дафтарчасини унга бериш имкониятига эга бўлмаса, иш берувчи жамғариб бориладиган пенсия дафтарчасидаги ёзувларни текширади, илова қилинадиган ведомостда бўлмаган ходим учун имзо қўяди ва жамғариб бориладиган пенсия дафтарчасини бўлмаган ходимга топшириш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўради.

11. Жамғариб бориладиган пенсия тизимида шахсий ҳисобда турган (шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига ва жамғариб бориладиган пенсия дафтарчасига эга бўлган) ходимни ишга қабул қилишда, ходим иш берувчига ўзининг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи тўғрисидаги маълумотларни тақдим этади.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида шахсий ҳисобда турмаган (шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб рақамига ва жамғариб бориладиган пенсия дафтарчасига эга бўлмаган) ходимни ишга қабул қилишда, иш берувчи иш бошланган кундан бошлаб беш кун муддатда Халқ банки филиалига жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга қўйиш учун ишга қабул қилинган ходимнинг шахсий маълумотларини юбориши шарт.

12. Жамғариб бориладиган пенсия тизимида ихтиёрий тартибда қатнашувчи фуқаролар уларнинг аризалари ва мазкур Низомнинг 7-бандида кўрсатилганга ўхшаш тартибда ўз қўли билан тўлдирилган сўровнома (мазкур Низомга 1а-илова) асосида ҳисобга олинади.

Фуқаро ҳисобда туриш учун яшаш жойи бўйича Халқ банки филиалига мустақил мурожаат қилиши керак.

Ҳисобга олингандан кейин ихтиёрий тартибда жамғариб бориладиган пенсия тизимида қатнашувчи шахсга беш иш куни мобайнида унинг шахсий имзоси остида жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси берилади.

13. Жамғариб бориладиган пенсия тизимида шахсий ҳисобга олиш тўғрисидаги маълумотлар жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчи тўғрисидаги қуйидаги умумий маълумотларни ўз ичига олади:

а) бир вақтнинг ўзида жамғариб бориладиган пенсия дафтарчасининг ҳам тартиб рақами ҳисобланган шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағининг тартиб рақами;

б) жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчининг ҳисобга олиш пайтидаги фамилияси, исми, отасининг исми;

в) жинси;

г) туғилган санаси ва жойи;

д) жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчининг ҳисобга олиш пайтида мавжуд бўлган паспортининг серияси ва рақами;

е) жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олиш санаси;

ж) қонун ҳужжатларида назарда тутилган асослар бўйича ҳисобга олишдан чиқариш санаси;

з) ҳисобга олган Халқ банки филиалининг номи.

Мазкур банднинг «б» ва «д» кичик бандларида кўрсатилган маълумотлар ўзгарганда шахсий ҳисобга олиш маълумотларига тегишли қўшимчалар киритилади.

14. Жамғариб бориладиган пенсия тизимида шахсий ҳисобга олиш тўғрисидаги махсус маълумотлар шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига бадаллар миқдори ва уларни тўлаш даврларини акс эттиради ҳамда қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига бадаллар амалга оширилган даврлар (ойлар);

б) иш берувчи томонидан тақдим этилган ахборотга мувофиқ шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига бадаллар улардан амалга оширилган иш ҳақи ва бошқа даромадлар миқдори;

в) шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига ҳисобланган ва тўланган бадаллар суммаси;

г) шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига ҳисобланган фоизли даромадлар суммаси;

д) шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидан тўланган жамғариб бориладиган пенсия тўловлари суммаси.

Мазкур банднинг «а»—«г» кичик бандларида кўрсатилган маълумотлар янги маълумотлар пайдо бўлишига қараб мунтазам равишда тўлдирилади ва ўзгартирилади.

15. Шахсий ҳисобга олишни юритиш учун қонун ҳужжатларига ва идоравий норматив ҳужжатларга мувофиқ киритиладиган бошқа маълумотлардан ҳам фойдаланиш мумкин.

16. Ҳар бир иш берувчи ҳисобот ойдан кейинги ойининг 15-қунигача ҳар ойда Халқ банки филиалига мазкур Низомга 3-иловага мувофиқ шакл бўйича ходимларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига бадаллар реестрини тақдим этади.

Реестр корхонанинг раҳбари ва бош бухгалтери томонидан имзоланади ва муҳр билан тасдиқланади.

Ходимлар сони 50 кишидан ортиқ бўлганда иш берувчилар қоғоздаги реестр билан биргаликда Халқ банки филиалига реестрнинг электрон нусхасини юборадилар.

Иш берувчи реестр билан биргаликда Халқ банки филиалига ҳисобот даврида киритилган бадаллар суммаси Халқ банкига ўтказилганлиги тўғрисидаги тўлов топшириғи нусхасини тақдим этади.

17. Реестрда хатолар аниқланган тақдирда (масалан: реестрда кўрсатилган бадалларнинг якуний суммаси номувофиқлиги, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағининг нотўғри кўрсатилган рақамлари ёки шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларининг унинг реквизитларига номувофиқлиги) Халқ банки филиали реестрни хатоларни тузатиш учун қайтаради. Иш берувчи уч кун муддатда хатоларни тузатиши ёки тафовутлар келиб чиқишининг сабабини ёзма шаклда тушунтириши шарт.

18. Ходим ишдан бўшаган тақдирда иш берувчи бир ҳафта муддатда Халқ банкнинг хизмат кўрсатувчи филиалига тегишли маълумотларни юборади.

19. Корхона тугатилган тақдирда иш берувчи бу ҳақда Халқ банки филиалини хабардор қилади ва ходимларни шахсий ҳисобга олиш учун зарур бўлган маълумотларни юборади.

20. Жамғариб бориладиган пенсия тизимида ихтиёрий асосда қатнашадиган фуқаролар Халқ банкнинг филиалига тўлов ҳужжатининг нусхаси билан бирга, шаклда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига тўланган бадаллар тўғрисидаги маълумотларни тақдим этади. Маълумотлар фуқаронинг танловига кўра исталган вақтда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб варағига бадаллар тўланиши билан бир вақтда тақдим этилади.

21. Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчи вафот этган тақдирда иш берувчи ёки олувчининг меросхўрлари белгиланган тартибда фуқаролик ҳолатини қайд этиш ёзувлари органи томонидан берилган олувчининг вафот этганлиги тўғрисидаги гувоҳнома асосида Халқ банки томонидан белгиланадиган шакл бўйича маълумотларни Халқ банки филиалига тақдим этади.

22. Шахсий ҳисобга олиш ҳужжатлари, қоидага кўра, раҳбарнинг имзоси ва муҳр билан тасдиқланган ёзма шаклда тақдим этилади.

Халқ банки билан келишган ҳолда иш берувчи мазкур Низомнинг 13-бандда кўрсатилган маълумотларни электрон шаклда тақдим этиши мумкин. Электрон шаклда тақдим этилган ҳужжатлар электрон рақамли имзо мавжуд бўлган тақдирда юридик кучга эга бўлади.

23. Иш берувчилар, шунингдек ихтиёрий асосдаги жамғариб бориладиган пенсия тизимида қатнашувчи фуқаролар томонидан тақдим этилган ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасида белгиланган молиявий ҳисобот ҳужжатларини сақлаш қоидаларига мувофиқ сақланади.

Шахсий ҳисобга олиш ҳужжатларини сақлаш муддати тамом бўлгандан кейин уларни йўқ қилиш жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчи ҳисобга олишнинг электрон базасида мавжуд бўлган маълумотлар билан танишгандан (компьютердан чиқарилган шаклда тақдим этилади) ва унга танишиш санасидаги ҳолат бўйича шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидан кўчирма топширилгандан кейин амалга оширилади.

### **III. Шахсий ҳисобга олишни юритиш ва шахсий маълумотлардан фойдаланиш тартиби**

24. Халқ банки:

иш берувчи томонидан тўлов топшириғи ва ходимларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига бадаллар реестри тақдим этилгандан кейин беш иш куни мобайнида тўлов топшириғида кўрсатилган суммани ва реестрда кўрсатилган бадалларнинг якуний суммасини солиштиради ҳамда йил чорагида камида бир марта фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига ба-

даллар суммаси тўғрисидаги маълумотларни киритади, бир вақтнинг ўзида маълумотларни шахсий ҳисобга олиш ягона маълумотлар электрон базасига жойлаштиради;

шахсий маълумотларда хатолар ёки тафовутлар аниқланган тақдирда белгиланган муддатларда иш берувчиларга аниқланган хатолар ва тафовутларни тузатиш учун солиштириш далолатномаларини юборади.

Ихтиёрий тартибда жамғариб бориладиган тизимда қатнашувчи фуқаролардан тушган шахсий ҳисобга олиш маълумотлари текширилади ва Халқ банки филиалига мурожаат қилинган кунда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига киритилади.

#### **IV. Жамғариб бориладиган пенсия тизими қатнашчиларининг ҳуқуқлари, мажбурияти ва жавобгарлиги**

25. Жамғариб бориладиган пенсия тизими қатнашчиси бўлган фуқаролар қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:

ўзининг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида мавжуд бўлган маълумотларни Халқ банки филиалидан бир йилда бир марта бепул, шунингдек ўз сўровига кўра исталган вақтда олиш;

исталган вақтда сўров бўйича шахсий ҳисобга олиш учун иш берувчи томонидан Халқ банки филиалига тақдим этилган маълумотларнинг нусхасини иш берувчидан олиш;

ўзининг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида мавжуд бўлган маълумотларга, шу жумладан ўтказилган жамғариб борилган пенсия бадаллари суммасига рози бўлмаган тақдирда кўрсатиб ўтилган маълумотларни тузатиш тўғрисидаги ариза билан иш берувчига, Халқ банкига, ёхуд судга мурожаат қилиш.

26. Жамғариб бориладиган пенсия таъминоти қатнашчилари бўлган фуқаролар қуйидагиларга мажбурдир:

жамғариб бориладиган пенсия тизимида ўз вақтида шахсий ҳисобга олишда туриш;

ўзининг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидаги мавжуд маълумотлар ўзгарганлиги, шунингдек жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси йўқолганлиги ҳақида иш берувчига ёки Халқ банкнинг филиалига маълум қилиш;

жамғариб бориладиган пенсия дафтарчасини зарур тартибда сақлаш.

27. Иш берувчи қуйидаги ҳуқуқларга эгадир:

жамғариб бориладиган пенсия тизими қатнашчиларини ишга қабул қилишда улардан жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси ва шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағини кўрсатишни талаб қилиш;

жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобда турмаган ходимлардан мазкур Низомнинг 13-бандида назарда тутилган маълумотларни тақдим этишни талаб қилиш;

жамғариб бориладиган пенсия тизимида қатнашувчи шахслар тўғрисидаги ўзи томонидан тақдим этилган маълумотларни тегишли органлар билан келишган ҳолда тўлдириш ва аниқлаштириш;

фуқаронинг идентификация рақами (шахсий коди) тўғрисидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларидан сўраш ва олиш.

28. Иш берувчи қуйидагиларга мажбурдир:

мазкур Низомга мувофиқ жамғариб бориладиган пенсия тизимида қатнашаётган шахслар тўғрисидаги маълумотларни белгиланган муддатда Халқ банкига тақдим этиш;

ўзи жойлашган жой бўйича ходимларнинг жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаларини олиш ва уларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ходимларга берилишини таъминлаш;

ходимнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига ўтказилган бадаллар суммаси тўғрисида Халқ банкига тақдим этилган маълумотлар нусхаларини ходимнинг талабига кўра бепул бериш;

ходимга берилган жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси реквизитларининг ходимнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат реквизитларига мувофиқлигини назорат қилиш.

29. Халқ банки қўйидаги ҳуқуқларга эгадир:

иш берувчилар ва жамғариб бориладиган пенсия тизими қатнашчиларидан мазкур Низомда белгиланган маълумотлар ўз вақтида ва тўғри тақдим этилишини талаб этиш;

фуқаронинг идентификация рақами (шахсий коди) тўғрисидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органларидан сўраш ва олиш.

30. Халқ банки қўйидагиларга мажбурдир:

белгиланган муддатларга риоя қилган ҳолда мажбурий ва ихтиёрий тартибда жамғариб бориладиган пенсия тизимида қатнашаётган фуқароларни шахсий ҳисобга олишни таъминлаш;

жамғариб бориладиган пенсия тизимига бадаллар тўғрисидаги маълумотларнинг тегишли шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига ва ягона маълумотлар электрон базасига ўз вақтида киритилишини таъминлаш;

шахсий ҳисобга олиш маълумотлари, шу жумладан бирламчи ҳисобга олиш ҳужжатлари (сўровномалар, реестрлар ва бошқалар) ишончли сақланишини таъминлаш;

мазкур Низомда белгиланган маълумотлар жамғариб бориладиган пенсия бадалларини тўловчилар томонидан жамғариб бориладиган пенсия тизимига тақдим этилишининг тўғрилигини, шу жумладан уларнинг ҳисобга олиш маълумотларининг тўғрилиги тақдим этилиши устидан назорат қилиш;

фуқароларнинг сўровига кўра жамғариб бориладиган пенсия тизимида жамғарилган бадаллар тўғрисидаги маълумотларни бепул бериш ва фуқароларни уларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи ҳолати тўғрисида бир йилда бир марта мажбурий тартибда хабардор қилиш;

молия ва солиқ органларига уларнинг буюртманомалари бўйича жамғариб бориладиган пенсия тизимига тегишли уларга юкланган назорат функциялари ушбу органлар томонидан амалга оширилиши учун зарур бўлган умумлаштирилган маълумотларни тақдим этиш;

жамғариб бориладиган пенсия тизими қатнашчилари бўлган фуқароларга ва иш берувчиларга уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, шахсий ҳисобга олиш технологиясини, шаклларни тўлдириш ва маълумотларни тақдим этиш тартибини тушунтириш;

31. Халқ банкининг мазкур Низомга мувофиқ шахсий ҳисобга олиш маълумотларини тўплаш, сақлаш, бериш ва улардан фойдаланишда қатнашадиган раҳбарлари ва мансабдор шахслари ахборотнинг махфийлигига риоя қилишга мажбурдир.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида фуқароларни шахсий ҳисобга олиш маълумотлари Халқ банки томонидан «Банк сири тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган тартибда тақдим этилиши мумкин. Кўрсатилган маълумотлардан фойдаланиш ноқонуний чекланишида ёки ахборот химояси режими бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Мазкур Низомда назарда тутилган ишончли ва тўлиқ ҳажмдаги маълумотлар тақдим этилишидан бош тортган жамғариб бориладиган пенсия тизими қатнашчилари белгиланган тартибда жавоб берадилар.

\_\_\_\_\_ шакл

Халқ банки томонидан фуқароларни  
жамғариб бориладиган пенсия тизимида  
шахсан ҳисобга олишни юритиш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
(корхонанинг бурчакли штампи)

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
(Халқ банки филиалининг номи)

**Жамғариб бориладиган пенсия тизимида  
фуқароларни ҳисобга олиш  
СЎРОВНОМАСИ**

1. Ходимнинг фамилияси:

--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--

2. Исми

--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--

3. Отасининг исми

--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--

4. Жинси:

Эркак

Аёл

5. Туғилган санаси:

--	--	--	--

йил

--	--

кун

--	--

ой

6. Туғилган жойи:

**6.1. Вилоят:**

--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--

**6.2. Туман:**

--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--

**6.3. Аҳоли пункти:**

--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--

7. Сўровнама тўлдирилган санада яшаш (доимий рўйхатда турган) жойи

**7.1. Вилоят**

**7.2. Туман**

**7.3. Аҳоли пункти**

**7.4. Кўча**

**7.5. Уй рақами**


**7.6. Хонадон рақами**

8. Паспортдаги маълумотлар:

**8.1. Серияси**

**8.3. Берилган вақти:**

**8.4. Берилган жойи**


**8.2. Рақами**

**кун**

**ой**

**ИДЕНТИФИКАЦИЯ  
РАҚАМИ**

--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--



8. Паспортдаги маълумотлар:

8.1. Серияси

8.3. Берилган вақти:

8.4. Берилган жойи

				<b>8.2. Рақами</b>							
<b>йил</b>				<b>кун</b>				<b>ой</b>			

ИДЕНТИФИКАЦИЯ  
РАҚАМИ

--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--	--

9. Идентификация рақамини тасдиқлайман \_\_\_\_\_ (ИИБ ходими имзоси)

10. Ариза-сўровнома тўлдирилган сана 200\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_

Ариза-сўровномани тўлдирган шахсинг имзоси \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ шакл

Халқ банки томонидан фуқароларни  
жамғариб бориладиган пенсия тизимида  
шахсан ҳисобга олишни юритиш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
2-ИЛОВА

**Ходимларнинг жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга  
олинганлиги тўғрисида 200\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги  
-СОН ХАБАРНОМА**

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

(Халқ банки филиали номи)

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

(Корхона номи ва манзили)

Мазкур хабарнома билан «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ қуйидаги фуқаролар жамғариб бориладиган пенсия тўловлари олиш ҳуқуқи юзага келган тақдирда жамғариб бориладиган пенсия олувчилар сифатида жамғариб бориладиган пенсия тизимида шахсий рўйхатга олинганлиги тўғрисида маълум қилинади

Т/р.	Фамилияси, исми, отасининг исми	Паспорт серияси ва тартиб рақами	Фуқаронинг идентификация рақами (шахсий коди)

Кўрсатиб ўтилган фуқароларга Халқ банкида шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи очилди.

**Халқ банки филиали бошлиғи** \_\_\_\_\_

Имзо

Ф.И.О.

М.Ў.

## Кирқиш чизиғи

200\_\_\_ йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ -сон ХАБАРНОМА  
ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
(корхона номи)

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
(Халқ банки филиали)

Мазкур билан ходимлар жамғариб бориладиган тизимда шахсий ҳисобга олинганлиги тўғрисида 200\_\_\_ йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ -сон хабарнома олинганлигини ва ижро этиш учун қабул қилинганлигини маълум қиламиз.

Корхона раҳбари \_\_\_\_\_  
Имзо

\_\_\_\_\_  
Ф.И.О.

\_\_\_ шакл

Халқ банки томонидан фуқароларни  
жамғариб бориладиган пенсия тизимида  
шахсан ҳисобга олишни юритиш тартиби  
тўғрисидаги низомга  
З-ИЛОВА

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
(корхонанинг бурчакли штампи)

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
(Халқ банки филиали)

**Жамғариб бориладиган пенсия тизимида  
қатнашаётган ходимларнинг  
200\_\_\_ йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_-сон  
РЕЕСТРИ**

Т/р	Ходимнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи	Ходимнинг фамилияси, исми, отасининг исми	Даромад солиғи тўланадиган даромад миқдори (сўм)	Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига ўтказилган мажбурий бадал миқдори (сўм)	Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига ўтказилган ихтиёрий бадал миқдори (сўм)	Ўтказилган бадал суммаси, сўм (5-устун+6-устун)
1	2	3	4	5	6	7
Ҳаммаси:						

200\_\_\_ йил \_\_\_\_\_ да жамғариб бориладиган пенсия тизимида ходимларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига бадаллар миқдори \_\_\_\_\_ сўмни ташкил этди.

(сумма ёзув билан)

Кўрсатиб ўтилган сумма 200\_\_ йил «\_\_»\_\_\_\_\_ даги \_\_\_-сон тўлов топшириғига (илова қилинади) мувофиқ Халқ банки \_\_\_\_\_  
(Халқ банки филиалининг номи)

филиали \_\_\_\_\_  
(Халқ банки филиалининг ҳисобварағи) ҳисобварағига ўтказилди.

**Корхона раҳбари** \_\_\_\_\_  
(имзо) (Ф.И.О.)

**Бош бухгалтер** \_\_\_\_\_  
(имзо) (Ф.И.О.)

М.Ў.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 21 декабрдаги 595-сон қарорига  
2-ИЛОВА

## Халқ банкида фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларини очиш ва юритиш ҳамда уларга мажбурий ва ихтиёрий бадалларни киритиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

### I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларини очиш ва юритиш ҳамда уларга мажбурий ва ихтиёрий бадалларни киритиш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низомда фойдаланиладиган асосий тушунчалар:

**шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи** — фуқаронинг Халқ банкидаги эгаси ёзилган шахсий ҳисобварағи бўлиб, бадал киритувчиларнинг жамғариб бориладиган пенсия бадаллари ва улардан жамғариб бориладиган пенсия тўловлари тўланадиган шахсий жамғариб бориладиган ҳисобварақларидаги маблағларга ҳисоблаб қўшилган фоизлар ана шу ҳисобварағига келиб тушади ва унда ҳисобга олинади;

**жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчи** — унинг фойдасига жамғариб бориладиган пенсия тизимига бадаллар киритиладиган (унинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига бадаллар ўтказилади), шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидан жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳуқуқига эга бўлган жисмоний шахс;

**жамғариб бориладиган пенсия бадалларини киритувчи** (кейинги ўринларда «бадал киритувчи» деб юритилади) — жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчининг фойдасига бадаллар киритаётган жисмоний шахс ёки иш берувчи юридик шахс;

**шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига бадаллар** — жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчининг фойдасига мажбурий ёки ихтиёрий тартибда бадал киритувчи томонидан киритиладиган пул маблағлари;

**фуқароларнинг пенсия жамғармалари** — шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида ҳисобга олинган ва жамғариб бориладиган пенсия тўловлари миқдорини белгилайдиган пенсия бадаллари суммаси ва улар бўйича фоизли даромадлар;

**фоизли даромадлар** — қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жамғариб бориладиган пенсия тизимига маблағларни жойлаштириш натижасида олинган ва фуқароларнинг пенсия жамғармасидаги маблағлари қолдигига қўшиладиган даромадлар.

3. Жамғариб бориладиган пенсия тизими қатнашчилари, пенсия бадаллари суммасининг миқдори ва ҳаракати, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига пенсия жамғармаси тўғрисидаги маълумотлар махфий ҳисобланади ва «Банк сири тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг мавзусини ташкил этади.

## **II. Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағининг таркиби ва мазмуни**

4. Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи умумий ва махсус қисмлардан, зарурат бўлганда, қўшимча қисмдан иборатдир.

5. Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағининг умумий қисмида жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчи тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан қуйидаги маълумотлар мавжуд бўлади:

а) шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағининг доимий шахсий тартиб рақами;

б) жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олиш пайтида жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчининг фамилияси, исми, отасининг исми;

в) жинси;

г) туғилган санаси;

д) туғилган жойи — вилоят, туман, аҳоли пункти;

е) доимий яшаш жойи (рўйхатдан ўтган) манзили;

ж) паспортдаги маълумотлар — паспортнинг серияси ва рақами, паспорт берилган сана ва жой. Айрим ҳолларда — паспортнинг ўрнини босувчи ҳужжатдаги маълумотлар;

з) айти бир вақтнинг ўзида шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи очилиши санаси ҳисобланадиган жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олинган сана.

Мазкур банднинг «б» ва «ж» кичик бандларидаги маълумотлар ўзгарган тақдирда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига тегишли қўшимчалар киритилади.

6. Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағининг махсус қисмида фуқароларнинг пенсия жамғармаси тўғрисидаги, шу жумладан қуйидаги маълумотлар мавжуд бўлади:

а) жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчига Халқ банки филиали томонидан бериладиган жамғариб бориладиган пенсия дафтарчасининг тартиб рақами;

б) ҳар бир ой учун ва ўсиб борадиган яқунлар билан ходимнинг иш ҳақи ва бошқа даромадлари миқдори;

в) ҳар бир ой учун ва ўсиб борувчи яқун билан мажбурий бадаллар суммаси;

г) ҳар бир ой учун ва ўсиб борувчи яқун билан ихтиёрий бадаллар суммаси;

д) ҳар бир календарь йил учун пенсия жамғармалари қолдигига фоизли даромадлар шаклида ҳисобланган сумма;

е) календарь йилнинг ҳар бир ойи учун ва ўсиб борадиган яқун билан тўланган пенсия жамғармаси суммаси;

ж) ҳар бир банк кунининг бошланишида шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидаги пенсия жамғармалари қолдиғи;

з) шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи ёпилишининг асоси ва санаси.

7. Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағининг қўшимча қисмида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда киритиладиган қўшимча маълумотлар мавжуд бўлади. Қўшимча маълумотларни шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи тузилмасида жойлаштириш учун алоҳида жой ажратилади.

8. Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағининг доимий шахсий тартиб рақами Халқ банки филиали томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг шахс ўхшашлиги рақамини (шахсий кодини) аниқлаш тартиби тўғрисида» 1996 йил 31 майдаги 200-сон қароридан назарда тутилган тартибда белгиланадиган фуқаронинг идентификация рақами (шахсий коди) асосида берилади.

Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағининг доимий шахсий тартиб рақами ўн тўртта ўнлик рақамлардан (0 дан 9 гача) иборат бўлади. Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағининг битта доимий шахсий тартиб рақами фақат битта шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига берилиши мумкин ва ягона ҳисобланади.

9. Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағининг доимий шахсий тартиб рақамини бериш Халқ банки томонидан фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия тизимида шахсан ҳисобга олишни юритиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ Халқ банки филиалига тушган сўровнома ва ариза-сўровнома маълумотлари асосида жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағини очиш пайтида Халқ банки филиали ходими томонидан очилади.

### **III. Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағини очиш**

10. Қуйидагилар шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағини очиш учун асос ҳисобланади:

юридик шахслар томонидан мажбурий тартибдаги жамғариб бориладиган пенсия тизимининг қатнашчиси ҳисобланган ходимга Халқ банкнинг филиалига тақдим этиладиган фуқарони жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олиш бўйича сўровнома;

фуқаролар томонидан Халқ банкнинг филиалига мустақил тақдим этиладиган ихтиёрий тартибдаги жамғариб бориладиган пенсия тизимида қатнашаётган фуқароларни ҳисобга олиш бўйича ариза-сўровнома.

11. Сўровномани олишда Халқ банки филиали беш иш куни мобайнида уни тўлдиришининг тўлиқлигини текширади ва унда кўрсатилган маълумотларни ягона электрон маълумотлар базасига киритади.

12. Агар улар асосида шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи очиладиган сўровнома ёки ариза-сўровномада тушириб қолдиришлар, тузатишлар ёки аён кўриниб турган ноаниқликлар бўлса, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағининг доимий шахсий тартиб рақами қайтарилса, ҳисобварағи очилмайди, сўровнома ёки ариза-сўровнома тузатиш ва қўшимчалар киритиш учун юридик шахсга ёки ариза берувчига қайтарилади.

13. Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи мазкур Низомнинг 8-бандида кўрсатилган маълумотлар унга тўлиқ киритилган тақдирда очилган деб ҳисобланади.

14. Маълумотларни шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига киритиш қулай бўлиши учун Халқ банкининг филиали томонидан маълумотларни киритишнинг уларни киритишда хато маълумотлар киритилишидан ҳимоя қилинган махсус компьютер кўп дарчали дастурдан фойдаланилади.

15. Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчининг яшаш жойи ёки иш жойи ўзгарган тақдирда янги шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи очиш талаб этилмайди. Ҳар бир жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчига бир марта очилган шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи бутун умр бўйи амал қилади.

#### **IV. Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағини юритиш**

16. Мазкур Низомнинг III бўлимида назарда тутилган тартибда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи очилгандан кейин шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағини юритишнинг қуйидаги тартиб-қоидаси амалга оширилади:

жамғариб бориладиган пенсия тизимида мажбурий тартибда қатнашаётган фуқароларнинг иш ҳақи (даромади) даври ва миқдори ҳамда ушбу фуқаролар фойдасига шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига киритиладиган мажбурий ва ихтиёрий жамғариб бориладиган пенсия бадаллари миқдори тўғрисидаги маълумотларни олиш ва шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига киритиш;

хўжалик юритувчи субъектлар бўлган бадал киритувчилар томонидан тақдим этилган маълумотларнинг тўғрилигини текшириш;

жамғариб бориладиган пенсия тизимида ихтиёрий тартибда қатнашаётган фуқаролар томонидан амалга ошириладиган жамғариб бориладиган пенсия бадаллари тўғрисидаги маълумотларни олиш ва шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига киритиш;

маблағларни жамғариб бориладиган пенсия тизимида жойлаштиришдан олинган фоидали даромадларни шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига ўтказиш;

шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидан жамғариб бориладиган пенсия тўлаш;

жамғариб бориладиган пенсия тизими маълумотларини бериш ва ягона электрон базадаги маълумотлар билан айирбошлаш;

пенсия жамғармасининг ҳолати тўғрисида фуқароларга ахборот бериш;

бирламчи ҳужжатларни (реестрларни) сақлаш ва улар архивини юритиш;

шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағини юритиш учун зарур бўлган бошқа тартиб-қоидалар.

17. Ходимларнинг иш ҳақи (даромади) даври ва миқдори ҳамда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига бадаллар миқдорлари тўғрисидаги маълумотлар Халқ банки филиалига ҳар ойда Халқ банкига жамғариб бориладиган пенсия тизимида фуқароларнинг шахсий ҳисобини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга 3-иловага мувофиқ белгиланган шакл бўйича реестр шаклида тушади.

Реестрда жамғариб бориладиган пенсия бадалларини киритувчи хўжалик юритувчи субъектнинг барча ходимлари, шу жумладан ўриндошлик бўйича ишловчи ва фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар бўйича ишларни бажарувчи ходимлар (агар ушбу ходимлардан қонун ҳужжатларига мувофиқ жисмоний шахсларнинг даромадларидан олинadиган солиқ ушлаб қолинса) кўрсатилади.

18. Реестр олингандан кейин Халқ банки филиали ходими реестрнинг якуний

қаторида кўрсатилган бадалларнинг якуний суммасини реестр билан бирга тақдим этилган тўлов топшириғи нусхасида кўрсатилган бадаллар суммаси билан солиштириш йўли билан маълумотларни бирламчи текширади.

Агар реестрда кўрсатилган шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига бадаллар суммаси тўлов топшириғида кўрсатилган бадаллар суммасига мос келмаса, реестр қабул қилинмайди ва аниқлаштириш учун бадал киритувчига қайтарилди.

19. Юқорида кўрсатиб ўтилган суммалар мос келган тақдирда Халқ банки филиалининг ходими йилнинг ҳар чорағида маълумотларни реестрдан маълумотларнинг электрон базасига киритади. Маълумотларни киритиш реестрнинг маълумотларини киритиш учун махсус ташкил этилган маълумотларнинг электрон базаси алоҳида вақтинчалик файлида амалга оширилади. Реестр маълумотларини киритишда реестрнинг ҳар бир қатори ва ҳар бир устуни бўйича амалга оширилган жамлаштиришнинг тўғрилиги ўз-ўзидан текширилади.

Агар реестр қаторлари ва устунлари бўйича суммаларнинг тафовути аниқланса, Халқ банки филиалининг ходими киритишнинг тўғрилигини текширади ва агар киритиш тўғри амалга оширилган бўлса, реестр қабул қилинмайди ва аниқлик киритиш учун бадал киритувчига қайтарилди, маълумотлар базасининг яратилган вақтинчалик файл йўқ қилинади.

20. Агар дастлабки текширишда ва реестр маълумотларини маълумотлар электрон базасининг вақтинчалик файлига киритишда хатолар аниқланмаса, вақтинчалик файл маълумотлари дастурий воситалар билан реестрда кўрсатилган фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи бўйича тақсимланади.

21. Қўйидагилар учун:

реестрда кўрсатилган маълумотларнинг тўлиқлиги ва ишончилиги учун мажбурий жамғариб бориладиган бадалларини киритувчи хўжалик юритувчи субъект раҳабри;

ягона электрон маълумотлар базаси шакллантирилишининг тўғрилиги учун шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи юритилиши учун масъул бўлган Халқ банки филиалининг мансабдор шахси жавоб беради.

22. Ихтиёрий тартибда жамғариб бориладиган пенсия тизимида қатнашаётган фуқаролар томонидан амалга ошириладиган жамғариб бориладиган пенсия бадаллари тўғрисидаги маълумотлар Халқ банкининг исталган филиалида пул маблағларини тўлашда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига киритилади.

Ихтиёрий тартибдаги жамғариб бориладиган пенсия тизимида қатнашувчи фуқаро шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига бадаллар киритишда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағининг доимий шахсий тартиб рақамини, фамилияси, исми, отасининг исмини, туғилган санасини кўрсатган ҳолда Халқ банки томонидан белгиланган шакл бўйича махсус бланкани тўлдиради ва банк ходимига жамғариб бориладиган пенсия дафтарчасини тақдим этади.

Халқ банки филиалининг ходими махсус бланка тўғри тўлдирилганлигини текширади ва тўғри тўлдирилган тақдирда бадал миқдори ва киритилган санаси тўғрисидаги маълумотларни жамғариб бориладиган пенсия тизимининг ягона маълумотлар электрон базасига киритади.

Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига бадаллар киритилгандан кейин Халқ банки филиалининг ходими томонидан бадал суммаси ва киритилган санаси тўғрисида белги қўйилади ва шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига жамғариб бориладиган пенсия бадаллари киритилганлигини тасдиқлайдиган ҳужжат ҳисобланадиган белгиланган намунадаги квитанция берилди.

23. Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини жойлаштиришдан олинган фоизли даромадларни фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига ўтказиш белгиланган тартибда амалга оширилди.

24. Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидан жамғариб бориладиган пенсия тўлаш тартиби Фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидан маблағларни тўлаш тартиби тўғрисидаги низом билан белгиланади.

Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидан маблағлар тўлашда тўлашгача шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида мавжуд бўлган маблағлар суммаси ҳақиқатдан тўланган суммага камаяди.

25. Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчилар календарь йилнинг охири кундаги ҳолати бўйича уларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидаги пенсия жамғармаси тўғрисида уларнинг манзилига мазкур Низомга иловага мувофиқ шакл бўйича Хабарнома юбориш йўли билан Халқ банкининг филиали томонидан мажбурий тартибда хабардор қилинади.

Хабарнома жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчига муҳрланган конвертда почта орқали юборилади ёки Халқ банки филиалининг ходими томонидан олувчининг имзоси қўйдирилиб шахсан берилади.

Хабар бериш ҳисобот давридан (календарь йилдан) кейинги йилнинг биринчи чораги мобайнида амалга оширилади.

26. Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчи жамғариб бориладиган пенсия дафтарчасини ва шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатни кўрсатиб ёзма талаб бўйича бевосита Халқ банкининг филиалида ўзининг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидаги пенсия жамғармаси тўғрисида ахборот олиши мумкин.

Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчининг талаби бўйича:

муружаат қилинган пайтда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидаги пенсия жамғармаси;

жорий йил бошидан бошлаб шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига киритилган бадаллар;

олдинги календарь йил учун бадаллар ва фоизли даромадлар;

жорий йил бошидан бошлаб ва олдинги календарь йил учун берилган жамғариб бориладиган пенсия тўловлари суммаси тўғрисида ахборот берилади.

27. Фуқароларга уларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи ҳолати тўғрисида ахборот беришнинг ишончлилиги ва тўлиқлилиги учун жавобгарлик жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчига хизмат кўрсатувчи Халқ банкининг туман (шаҳар) филиали раҳбарига (жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчи яшайдиган жой бўйича) юкланади.

28. Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағини юритиш учун зарур бўлган бирламчи ҳужжатлар — реестрлар, сўровномалар, ариза-сўровномалар улар юборилган Халқ банки филиалида бундай ҳужжатлар учун белгиланган муддат мобайнида сақланади.

Бирламчи ҳужжатларни сақлаш шартлари уларнинг сақлашнинг бутун даври мобайнида сақланишини таъминлаши керак.

Бирламчи ҳужжатлар архивини юритиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

29. Жамғариб бориладиган пенсия тизимининг ягона маълумотлар электрон базасидаги мавжуд ахборотни сақлаш муддати чекланмасдан архив файллари шаклида сақланади.

## V. Мажбурий ва ихтиёрий бадалларни киритиш

30. Мажбурий жамғариб бориладиган пенсия бадалларини киритиш жамғариб бориладиган пенсия бадалларини киритувчи хўжалик юритувчи субъект томонидан ҳар ойда Бадал киритувчи жойлашган жой бўйича Халқ банки филиалида махсус транзит ҳисобварағига пул маблағларини ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Жамғариб бориладиган пенсия бадалларини ўтказиш мазкур Низомнинг 17-бандига мувофиқ бадал тўловчининг реквизитлари, ўтказиш мақсадлари, ўтказиладиган жамғариб бориладиган пенсия бадаллари суммаси, Халқ банки филиалига йўлланган реестрнинг тартиб рақами ва санаси кўрсатилган ҳолда тўлов топшириғи воситасида амалга оширилади (реестрнинг тартиб рақами ва санаси тўлов топшириғининг «Тушунтиришлар» устунда кўрсатилади).

31. Бадал киритувчи томонидан шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига мажбурий жамғариб бориладиган пенсия бадалларини киритиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жисмоний шахсларнинг солиқ ҳисоблаш билан бир вақтда амалга оширилади.

32. Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига киритилган жамғариб бориладиган пенсия бадаллари суммаси бадал киритувчи томонидан тўланиши керак бўлган жисмоний шахсларнинг даромадига қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солинадиган солиқ суммасидан чиқариб ташланади.

33. Мажбурий жамғариб бориладиган пенсия бадалларини тўлиқ ва ўз вақтида киритиш учун жавобгарлик қонун ҳужжатларига мувофиқ мажбурий жамғариб бориладиган пенсия бадалларини киритувчи хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларига юкланади.

34. Ихтиёрий жамғариб бориладиган пенсия бадаллари бадал киритувчининг танловига кўра Халқ банкининг исталган филиалига киритилади, сумма ва киритиш даври чекланмайди.

## VI. Жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини ўтказиш

35. Жамғариб бориладиган пенсия бадаллари шаклида тушган пул маблағлари кейинчалик фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига ўтказиш учун Халқ банки филиали томонидан махсус транзит ҳисобварағига ўтказилади.

36. Халқ банки филиали жамғариб бориладиган пенсия бадаллари тушган кундан кейинги иш кунидан кечикмай маблағларни ҳосил бўлган мажбуриятлар миқдорига Халқ банкининг марказий операция филиалига ўтказади.

Филиаллардан олинган маблағлар Халқ банкининг марказий операция филиали томонидан белгиланган тартибда жойлаштирилади.

-шакл

Фуқароларнинг Халқ банкидаги шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларини очиш ва юритиш ҳамда уларга мажбурий ва ихтиёрий бадалларни тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга  
ИЛОВА

---

(Халқ банки филиали номи)

---

(Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчи фуқаронинг фамилияси, исми ва отасининг исми)

---

(Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчи фуқаронинг манзили)

-сон

**шахсий жамғариб бориладиган пенсия  
ҳисобварағининг ҳолати тўғрисида  
ХАБАРНОМА**

**«Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Халқ банки Сизнинг жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағининг 20\_\_ йилдаги ҳолати ҳақида хабардор қилади:**

1) 20\_\_ йил 1 январдаги ҳолатига кўра шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидаги пенсия жамғармалар суммаси \_\_\_\_\_ сўм;

2) 20\_\_ йил мобайнида шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига киритилган маблағлар суммаси \_\_\_\_\_ сўм,

шу жумладан:

2.1.) Мажбурий бадаллар суммаси — \_\_\_\_\_ минг сўм;

2.2.) Ихтиёрий бадаллар суммаси — \_\_\_\_\_ минг сўм.

3) шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига ҳисобланган фоизли даромад суммаси — \_\_\_\_\_ сўм.

4) шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидан тўланган пенсия суммаси — \_\_\_\_\_ сўм.

5) 20\_\_ йил 1 январдаги ҳолатига кўра (ҳисобот ойдан кейинги ой) шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидаги пенсия жамғармаси суммаси \_\_\_\_\_ сўм.

Халқ банки

филиали раҳбари \_\_\_\_\_

(имзо)

(Ф.И.О.)

Маълумот олиш учун алоқа қилиш телефони: \_\_\_\_\_

Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 21 декабрдаги 595-сон қарорига  
З-ИЛОВА

## **Фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидан маблағларни тўлаш тартиби тўғрисида НИЗОМ**

### **I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Халқ банкида очилган фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидан маблағларни тўлаш тартибини белгилайди.

2. Жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этувчи фуқаролар ёши, ногиронлиги бўйича давлат пенсияси ёки боқувчисини йўқотганлиги туфайли пенсия (агар пенсиянинг ушбу тури жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчининг ўзига тайинланса) олиш ҳуқуқи юзага келган тақдирда «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидан жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

3. Жамғариб бориладиган пенсия тўловлари миқдори фуқароларнинг Халқ банкидаги шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғарилган пул маблағлари доирасида белгиланади.

### **II. Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш учун мурожаат қилиши тартиби**

4. Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидан жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш учун фуқаролар мазкур Низомга 1-иловага мувофиқ шакл бўйича Гувоҳнома бериш тўғрисидаги ариза билан жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчининг яшаш жойидаги туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимига мурожаат қиладилар.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимининг қатнашчиси бўлган ходим томонидан вакил қилинган иш берувчининг мансабдор шахси ариза берувчи бўлиши мумкин. Бу ҳолда ариза жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчининг яшаш жойидаги туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимига берилади.

Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳномани бериш сўралган ариза давлат пенсияси олиш ҳуқуқи юзага келгандан кейин, бирон-бир муддат билан чекланмаган ҳолда, исталган вақтда берилиши мумкин.

5. Аризага жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчининг жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси, шунингдек фуқаронинг ёши, ногиронлиги ёки Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан белгиланган рўйхатга мувофиқ боқувчисини йўқотганлиги туфайли давлат пенсияси олишга бўлган ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади.

Агар жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш тўғрисидаги мурожаат ёши ёки ногиронлиги бўйича давлат пенсияси тайинлангандан кейин тушган тақдирда «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Респуб-

ликаси Қонунига мувофиқ туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан бериладиган белгиланган шаклдаги пенсия гувоҳномаси илова қилинади ва бошқа ҳужжатлар талаб қилинмайди.

6. Ариза туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлими томонидан рўйхатдан ўтказилади. Туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлими томонидан ариза ва илова қилинаётган ҳужжатлар қабул қилиб олинишида аризада кўрсатилган маълумотларнинг тўлиқлиги ва ишончлилиги текширилади.

Туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимига фуқаронинг ёши, ногиронлиги бўйича ёки боқувчисини йўқотганлиги туфайли давлат пенсияси олиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатларнинг тўлиқ тўплами тақдим этилган кун ариза рўйхатдан ўтказилган сана ҳисобланади.

7. Туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлими ариза олинган ва рўйхатдан ўтказилган санадан бошлаб уч иш куни мобайнида мазкур Низомга 2-иловага мувофиқ шакл бўйича жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олиш ҳуқуқи тўғрисида гувоҳномани (кейинги ўринларда гувоҳнома деб юритилади) беради.

Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчида фуқаронинг ёши, ногиронлиги бўйича ёки боқувчисини йўқотганлиги туфайли давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи йўқлиги муносабати билан гувоҳнома бериш рад этилган тақдирда, туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлими ариза олинган кундан бошлаб уч кун муддатда ариза берувчига рад этиш сабаблари ва шикоят қилиш тартиби кўрсатилган ҳолда рад этиш тўғрисидаги хабарномани юборади (беради).

8. Туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлими гувоҳномани жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчининг яшаш жойидаги Халқ банки филиалига юборади.

### **III. Жамғариб бориладиган пенсия тўловлари миқдорини белгилаш**

9. Жамғариб бориладиган пенсия тўловлари миқдори жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчининг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига ўтказилган маблағлар суммасидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

Жамғариб бориладиган пенсия тўловларининг энг кам ёки энг кўп миқдорини белгилаш назарда тутилмайди.

10. Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғарилган барча маблағларни бир йўла олишда тўловлар жамғарилган пенсия тўловларини олиш вақтида шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига ўтказилган маблағлар доирасида тўлиқ ҳажмда амалга оширилади.

11. Жамғариб бориладиган пенсия тўловлари бўлиб-бўлиб олинган тақдирда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига ўтказилган жамғарилган сумма жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчи ушбу тўловларни олишни хоҳлайдиган ойлар сонига бўлинади.

Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини амалга ошириш даври ва даврийлиги жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчи томонидан белгиланади ва чекланмайди.

Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидан тўловлар тўлов тайинланган календарь ойдан кейинги ойда амалга оширилади.

12. Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини бўлиб-бўлиб олишда жорий тўловлар миқдори иккинчи календарь йилдан бошлаб қуйидаги тартибда белгиланади:

а) тўлов бошланган йилдан кейинги календарь йилдан бошлаб шахсий жамға-

риб бориладиган пенсия ҳисобварағидан жамғариб бориладиган пенсия тўловлари миқдори ҳар қайси календарь йил учун алоҳида-алоҳида белгиланади;

б) ҳар қайси календарь йил учун тўловлар миқдорини белгилашда ходимнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидаги маблағларнинг календарь йил бошидаги ҳолатига кўра қолдиғи ҳамда ходимнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамланган, олдинги календарь йил мобайнида олинган пенсия жамғармаларини инвестициялашдан фоизлар ҳисобга олинади.

Ҳар қайси календарь йил учун белгиланадиган ҳар ойлик тўлов миқдори қуйидаги формула бўйича белгиланади:

$$П = (ПЖҚ + ФД) / (№ - №п), \text{ бунда:}$$

П — жорий календарь йил учун белгиланган ҳар ойлик тўлов миқдори;

ПЖҚ — пенсия жамғармасини жойлаштиришдан олинган, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига илгари ўтказилган суммаларни ҳисобга олган ҳолда, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағининг тўланадиган қисмида акс эттирилган пенсия жамғармасининг олдинги йил охиридаги қолдиғи;

ФД — шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидаги маблағларнинг олдинги календарь йил учун қолдиғига ҳисоблаб чиқарилган фоизли даромад;

№ — тўловларни олиш ойлари сони;

№п — тўловларнинг биринчи ойдан бошлаб жорий календарь йил бошигача пенсия олиб бўлинган ойлари сони.

Пенсия жамғармаси инвестицияларидан фоизли даромад (ФД) Халқ банки томонидан, жамғариб бориладиган пенсия тизими маблағларини жойлаштиришдан олинган амалдаги даромадлардан келиб чиққан ҳолда белгиланади, бунда Халқ банкининг белгиланган маржаси чегириб ташланади, маржанинг миқдори Молия вазирлиги ва Марказий банк томонидан белгиланади.

13. Мазкур Низомнинг 11-бандида белгиланган шартларда амалга ошириладиган жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчи шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидаги маблағлар қолдиғини исталган вақтда бир йўла олиш ёки жамғариб бориладиган пенсия тўловлари даврини ва даврийлигини ўзгартириш ҳуқуқига эга.

#### **IV. Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини амалга ошириш учун шартнома тузиш тартиби**

14. Жамғариб бориладиган пенсия маблағларини тўлаш юзасидан шартнома тузиш туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлими томонидан берилган гувоҳнома ҳамда олувчи томонидан шахсан кўрсатиладиган жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси асосида яшаш жойидаги Халқ банки филиали томонидан амалга оширилади.

15. Халқ банкининг филиали билан олувчи ўртасида мазкур Низомга 3-иловага мувофиқ шакл бўйича тузилган шартнома шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидан маблағларни тўлаш учун асос ҳисобланади.

Шартномани, бир томондан —, жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчи, иккинчи томондан — Халқ банки филиалининг раҳбари имзолайди. Шартнома икки нусхада тўлдирилади, улардан биттаси жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчига берилади, иккинчиси Халқ банки филиалида қолади.

Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда, жамғариб бориладиган пен-

сия тўловларини олувчи томонидан шартнома унинг қонуний вакили томонидан тузилиши мумкин.

Шартнома жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчининг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидаги маблағлар тўлиқ тугагандан кейин ўз-ўзидан ўз кучини йўқотади.

16. Шартнома тузиш вақтида Халқ банки филиали жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчига унинг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини, шунингдек жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олишнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибини муфассал тушунтириши шарт.

#### **V. Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини тўлаш ва етказиб бериш тартиби**

17. Жамғариб бориладиган пенсия тўловлари олувчининг яшаш жойидаги Халқ банки филиали томонидан амалга оширилади. Холисона сабабларга кўра олувчининг Халқ банки филиалига келиш имконияти бўлмаган тақдирда жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчининг уйига етказиб бериш Халқ банки филиали томонидан амалга оширилади.

Тўловларни етказиб бериш ҳақи Халқ банки томонидан, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағини юритиш бўйича операция харажатлари учун назарда тутилган маблағлар доирасида тўланади.

18. Жамғариб бориладиган пенсия тўловлари бевосита шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи эгаларига, улар жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатган тақдирда амалга оширилади.

19. Яшаш жойи ёки паспортидаги маълумотлар ўзгарган тақдирда жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчи бу тўғрида Халқ банки филиалини ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

Халқ банки филиали тегишли ўзгартиришларни шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағининг умумий қисмига белгиланган тартибда киритади.

20. Фуқаро вафот этган тақдирда, унинг шахсий жамғариб бориладиган ҳисобварағида жамғарилган маблағлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меросга ўтади ҳамда меросхўрга бир йўла ва тўлиқ ҳажмда тўланади.

Фуқаро Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига доимий яшаш жойига чиқиб кетаётган бўлса, унинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғарилган маблағлар бир йўла ва тўлиқ ҳажмда тўланади.

21. Жамғариб бориладиган пенсия тўловлари қуйидаги ҳолларда тўхтатилади: шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғарилган маблағлар батамом тугаганда;

тўловларни олувчи шахсий жамғариб борилган пенсия ҳисобварағида жамғарилган жами суммани меросга ўтказиш мақсадида тўловларни олишдан ёзма равишда нотариал тасдиқланган тартибда воз кечганда;

давлат пенсияси олиш ҳуқуқини йўқотганда.

#### **VI. Жамғариб бориладиган пенсия тўловларининг амалга оширилишини назорат қилиш**

22. Тўловларнинг тўғрилигини назорат қилиш Молия вазирлигининг назорат-тафтиш органлари томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

23. Тўлов жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра тўхтатиб қўйилганда ёки у тўланмаганда ёхуд тўлов тартиби ва унинг миқдори бўйича низоли масалалар пайдо бўлганда олувчи туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимига, унинг юқори ташкилотига, Халқ банкининг ҳудудий бошқармасига ва бошқарувига ёки судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

-шакл

Фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидан маблағ тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА

\_\_\_\_\_ га  
(ижтимоий таъминот бўлими номи)

### АРИЗА

Фуқаро \_\_\_\_\_  
(фамилияси, исми, отасининг исми)

Манзили \_\_\_\_\_  
(рўйхатда турган манзилига асосан)

ПАСПОРТ	Серияси			Рақами									
	Берилган санаси			Ким томонидан берилган									
	Туғилган санаси												
Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи рақами													

**Давлат пенсия таъминоти ҳуқуқига эга бўлганлигим муносабати билан менга менинг шахсий жамғариб бориладиган ҳисобварағимдан жамғариб бориладиган пенсия тўловлари шаклида пул маблағлари бериш тўғрисидаги масалани кўриб чиқишингизни сўрайман.**

Менга \_\_\_\_\_ ижтимоий таъминот бўлими томонидан  
(туман, шаҳар номи)

20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_ дан давлат пенсияси тайинланган.

Фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидан маблағ тўлаш тартиби тўғрисидаги низом билан танишдим.

Куйидаги ҳужжатлар илова қилинади (Ҳужжатлар номи асл нусхадами ёки асл нусхасидан кўчирма эканлиги кўрсатилсин):

- 1) \_\_\_\_\_
- 2) \_\_\_\_\_
- 3) \_\_\_\_\_
- 4) \_\_\_\_\_

#### Шахсан кўрсатилади:

- 1) жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси
- 2) паспорт

Сана: 20\_\_ й. «\_\_» \_\_\_\_\_  
(шахсий имзо)

Фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидан маблағ тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга  
2-ИЛОВА

## Ўзбекистон Республикаси ГЕРБИ

### Жамғариб бориладиган пенсия тўловлари олиш ҳуқуқи тўғрисида ГУВОҲНОМА

20\_\_ й. «\_\_» \_\_\_\_\_ № \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ (туман, шаҳар номи)

ижтимоий таъминот бўлими

Мазкур **гувоҳнома** фуқаро \_\_\_\_\_ нинг  
(Ф.И.О.)

«Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 16-моддасига мувофиқ шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи \_\_\_\_\_ дан  
(жамғариб бориладиган пенсия дафтarchасида кўрсатилган шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағининг тартиб рақами)  
жамғариб бориладиган пенсия тўловлари олиш ҳуқуқига эга эканлигини тасдиқлайди.

Тўлов 20\_\_ йил \_\_\_\_\_ дан бошланади.  
(ой)

Бўлим бошлиғи \_\_\_\_\_  
(имзо) (Ф. И. О.)

М.Ў

Фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидан маблағ тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга  
3-ИЛОВА

### Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини амалга ошириш тўғрисида ШАРТНОМА № \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ шахри 200\_\_ й. «\_\_» \_\_\_\_\_

Ўз фаолиятини \_\_\_\_\_ да тасдиқланган, \_\_\_\_\_ тартиб рақами билан рўйхатдан ўтказилган Устав асосида амалга оширувчи Халқ банкининг \_\_\_\_\_ филиали номидан унинг Раҳбари  
(филиал номи)

\_\_\_\_\_ бир томондан,  
(Ф.И.О.)

ҳамда Жамғариб бориладиган пенсия тўловлари олиш ҳуқуқи тўғрисидаги \_\_\_\_\_ -сон гувоҳномага эга бўлган, жамғариб бориладиган пенсия тизимида шахсий доимий тартиб рақами \_\_\_\_\_ бўлган, \_\_\_\_\_ да яшовчи, жамғариб бориладиган пенсия тўловлари олувчи фуқаро \_\_\_\_\_, (ф.и.о.)

кейинги ўринларда Олувчи деб юритилади, иккинчи томондан мазкур Шартномани қуйидагилар тўғрисида туздилар:

1. «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Халқ банкининг филиали ўзига Олувчининг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи \_\_\_\_\_ даги маблағлари ҳисобига жамғариб бориладиган пенсия тўловларини амалга ошириш мажбуриятини олади.

2. Олувчининг хоҳишига кўра жамғариб бориладиган пенсия тўловлари 200\_ й. «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ дан бошлаб \_\_\_\_\_ амалга оширилади.  
(амалга ошириш шакли: қисман ёки бир йўла)

Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини бир йўла тўлаш амалга оширилганда, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидан тўлов маблағлари мазкур шартнома имзоланган вақтдан бошлаб беш кун муддатда тўланади.

Жамғариб бориладиган пенсия тўловлари қисмларга бўлиб тўланганда, Олувчининг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидаги маблағлари батамом фойдаланиб бўлингунга қадар ҳар ойда — ой мобайнида тўлаб борилади.

Халқ банкининг филиали томонидан жамғариб бориладиган пенсия тўловларини амалга ошириш санаси — ҳар ойнинг \_\_\_\_\_ куни.

3. Жамғариб бориладиган пенсия тўловларининг ҳар ойдаги миқдорини аниқлашда Халқ банкининг филиали Фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларидан маблағ тўлаш тартиби тўғрисидаги низомнинг \_\_\_\_\_ бандларида кўрсатилган шартларга амал қилади.

4. Жамғариб бориладиган пенсия тўловлари Олувчининг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидан жамғариб бориладиган пенсия тўловлари бир вақтнинг ўзида ҳисобдан чиқарилган ҳолда Халқ банки филиалининг \_\_\_\_\_ да жойлашган кассасида нақд пул шаклида амалга оширилади;

Холисона вазиятларда жамғариб бориладиган пенсия тўловларини бевосита кассада олишнинг Олувчи учун имконияти бўлмаган тақдирда, Халқ банкининг филиали жамғариб бориладиган пенсия тўловларини жамғариб бориладиган пенсия тўловларини етказиб бериш харажатларини шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағини юритиш бўйича операция харажатлари учун назарда тутилган маблағлардан қоплаган ҳолда бевосита Олувчининг манзили бўйича амалга оширади.

5. Олувчи вафот этган тақдирда шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидаги пул маблағлари қолдиғи қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда унинг меросхўрларига бир йўла тўланади.

6. Жамғариб бориладиган пенсия тўловлари Халқ банкининг филиали айби билан ўз вақтида тўланмаганда, филиал Олувчига ҳар бир кечиктирилган кун учун тўлашни керак бўлган жамғариб бориладиган пенсия тўлови кечиктирилган суммасининг 0,2 фоизи миқдоридан бироқ 10 фоиздан ортиқ эмас, пеня тўлайди.

Пеня тўлаш Халқ банкининг филиалини жамғариб бориладиган пенсия тўловларини ўз вақтида амалга ошириш бўйича мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

7. Халқ банкининг филиали қайта ташкил этилган, қайта ўзгартирилган ёки тугатилган тақдирда мазкур Шартноманинг шартларини бажариш бўйича мажбуриятлар унинг ҳуқуқий ворисига ёки Халқ банкининг муассисларига ўтади.

8. Шартнома имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради ва Олувчининг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидаги маблағлар батамом тугагунга қадар амал қилади.

9. Шартнома Томонларнинг ёзма келишуви бўйича бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин.

10. Мазкур Шартноманинг шартлари бажарилмаганлиги сабабли пайдо бўладиган низолар музокаралар олиб бориш йўли билан, ўзаро келишувга эришилмаган тақдирда эса суд тартибида ҳал этилади.

Ушбу шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган, ҳар бир Томон учун бир нусхадан икки нусхада тузилди.

Томонларнинг реквизитлари:

Халқ банки филиали:

Олувчи:

Томонларнинг имзолари:

Халқ банки филиали раҳбари

М.Ў.

Олувчи

Вазирлар Маҳкамасининг  
2004 йил 21 декабрдаги 595-сон қарорига  
4-ИЛОВА

## **Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси тўғрисида НИЗОМ**

### **I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчалари шаклини ва мазмунини, шунингдек улари ҳисобга олиш, сақлаш, очиш ва юритиш тартибини белгилайди.

2. Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси Ўзбекистон Республикаси Халқ банки томонидан бериладиган, фуқаронинг жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олишга ҳуқуқини тасдиқлайдиган ҳужжат ҳисобланади.

Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчасида шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағининг асосий реквизитлари кўрсатилади ҳамда ушбу ҳисобварағидаги маблағлар ҳаракати, шу жумладан киритилган бадаллар, улар бўйича фоизларни ҳисоблаш ва жамғариб бориладиган пенсия тўловлари бўйича операциялар акс эттирилади.

## II. Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси бланкасининг шакли ва мазмуни

3. Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчасининг формати 100 мм х 140 мм.

4. Муқовасининг олд томонида Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвирланган ва «ЖАМҒАРИБ БОРИЛАДИГАН ПЕНСИЯ ДАФТАРЧАСИ» ёзуви бўлади.

5. Муқованинг иккинчи бетида «Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунидан қуйидаги кўчирмалар келтирилган:

«5-модда. Давлат жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этувчи фуқароларга шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларида жамғарилган маблағлари сақланиши ҳамда тўланишини кафолатлайди.

16-модда. «Жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этувчи фуқаролар пенсия тўловлари олувчилар сифатида жамғариб бориладиган пенсия тўловларини қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи юзага келган тақдирда олиш ҳуқуқига эга.

17-модда. Фуқаро вафот этган тақдирда, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғарилган маблағлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда меросга ўтади ва меросхўрга бир йўла тўла ҳажмда тўланади.

Фуқаро Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарига доимий яшаш жойига чиқиб кетаётган бўлса, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғарилган маблағлар бир йўла тўла ҳажмда тўланади».

6. Муқованинг учинчи бетида қуйидаги мазмундаги эслатмалар мавжуд:

«Иш берувчи ва фуқаронинг ўзи шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига қўшимча бадаллар киритиш ҳуқуқига эга.

Шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ўтказилган маблағлар, фоизлар ва бошқа даромадлар, шунингдек фуқаролар томонидан олинган суммалар солиққа тортилмайди.

Жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчи Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчасига ўзининг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағининг ҳолати ва ундаги маблағлар ҳаракати тўғрисида ёзувлар киритиш учун Халқ банки филиалига исталган вақтда мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида иштирок этишга оид барча масалалар бўйича Халқ банкининг яқин жойдаги филиалига мурожаат қилиш мумкин.

Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси йўқолганда (йўқотиб қўйилганда, яроқсиз бўлиб қолганда) жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчининг шахсий аризаси асосида, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағининг айнан ўша доимий шахсий тартиб рақами билан унинг дубликати берилади».

7. Муқованинг тўртинчи бетида ёзувлар бўлмайди.

8. Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчасининг биринчи бетида қуйидагилар кўрсатилади:

а) жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчининг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи доимий шахсий тартиб рақами;

б) олувчининг фамилияси, исми ва отасининг исми;

в) олувчининг «йил — кун — ой» шакли бўйича туғилган санаси;

г) жамғариб бориладиган пенсия тизимида «йил — кун — ой» шакли бўйича ҳисобга олиш санаси;

д) «йил — кун — ой» шакли бўйича Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси берилган сана;

е) Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчасини берган Халқ банки филиалининг номи;

ж) Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчасини берган Халқ банки филиали ходимининг фамилияси, исми ва отасининг исми ҳамда шахсий имзоси.

Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчасининг биринчи бетига ёзувлар халқ банки филиалининг юмалоқ муҳри билан тасдиқланади. Биринчи бетнинг намунаси ушбу Низомга 1-иловада келтирилган.

9. Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчасининг иккинчи ва кейинги бетларида қуйидаги ёзувлар бўлади:

ҳар қайси бетнинг юқориги қисмида жамғариб бориладиган пенсия тўловлари олувчининг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи доимий шахсий номери кўрсатилади;

ҳар қайси саҳифа қуйидаги мазмундаги жадвал шаклида 6 та устунга бўлинган бўлади:

№	Сана	Тушумлар	Берилди	Қолдиқ	Имзо
---	------	----------	---------	--------	------

ҳар қайси бетнинг пастки қисмида Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчасининг серияси ва тартиб рақами кўрсатилади.

Иккинчи ва кейинги бетлар намунаси ушбу Низомга 2-иловада келтирилган.

10. Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчасининг бланкалари қатъий ҳисобда турадиган бланка ҳисобланади, махсус қоғоздан босмаҳона усулида тайёрланади, шахсий тартиб рақамига ва сохталаштиришдан ҳимоялашнинг зарур даражасига эга бўлади.

### **III. Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчасини расмийлаштириш ва бериш**

11. Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олинган ҳар қайси фуқаро учун, фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олиш учун зарур ҳужжатлар олинган ва Халқ банки томонидан фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия тизимида шахсан ҳисобга олишни юритиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағи очилган кундан бошлаб беш иш куни мобайнида Халқ банки филиали томонидан расмийлаштирилади.

12. Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчасини олувчига беришдан олдин Халқ банки филиали томонидан унинг биринчи бети тўлиқ тўлдирилади ва унда ушбу Низомнинг 8-бандига мувофиқ ёзувлар қайд этилади.

13. Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси жамғариб бориладиган пенсияни олувчига қуйидаги тартибда берилади:

а) жамғариб бориладиган пенсия тизимида мажбурий тартибда иштирок этувчилар сифатида ҳисобга олинган фуқароларга Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси Халқ банкнинг тегишли филиалида расмийлаштирилган Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчасини ишончнома бўйича оладиган иш берувчи томонидан берилади.

Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси иш берувчига Бериш далолатмаси асосида берилади, Бериш далолатномасига Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаларини бериш ведомости (кейинги ўринларда Ведомость деб юритилади) икки нусхада илова қилинади, унда тартиб рақами, ходимларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақлари доимий шахсий тартиб рақами, уларнинг фами-

лияси, исми, отасининг исми ҳамда Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчасини олганлик тўғрисидаги имзо учун жой кўрсатилган бўлади.

Иш берувчи Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчасини жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олинган ходимларга Ведомостга имзо қўйдирган ҳолда уч иш куни мобайнида беради.

Тўлдирилган Ведомостлар иш берувчининг мансабдор шахси томонидан имзоланади ва уларнинг бир нусхаси Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчасини берган Халқ банки филиалига юборилади. Иккинчи нусхаси иш берувчида қолади.

Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаларини айрим ходимларга уларнинг узок вақт жойида бўлмаганлиги сабабли бериш мумкин бўлмаган тақдирда иш берувчи Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаларини уларни бериш вақтигача ўзида сақлайди, Ведомостда эса иш берувчининг мансабдор шахси имзоси билан тасдиқланадиган тегишли ёзув қайд этилади;

б) жамғариб бориладиган пенсия тизимига ихтиёрий асосда иштирок этувчилар сифатида ҳисобга олинган фуқароларга Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчалари Халқ банки филиали томонидан, ип ўтказиб тикилган ва тартиб рақами қўйилган, Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаларини беришни ҳисобга олиш дафтарига имзо қўйдирган ҳолда берилади.

#### **IV. Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчасига ёзувларни қайд этиш**

14. Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчасининг иккинчи ва кейинги бетларига ёзувларни қайд этиш жамғариб бориладиган пенсия тўловларини олувчи Халқ банки филиалига бевосита келганда ва Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчасини ҳамда шахсини тасдиқловчи ҳужжатни шахсан кўрсатган тақдирда, маълумотларнинг ягона электрон базасидаги мавжуд маълумотлар асосида амалга оширилади.

15. Ёзувларни қайд этишда қуйидагилар кўрсатилади:

а) олувчининг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағига Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчасига олдинги ёзувлар қайд этилган вақтдан бошлаб тушган бадаллар миқдори;

б) ёзувлар қайд этилган санагача берилган жамғариб бориладиган пенсия тўловлари миқдори;

в) календарь йил учун ҳисоблаб чиқилган фоизлар миқдори;

г) шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағидаги қолдиқ маблағлар миқдори.

Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчасидаги ҳар бир ёзув Халқ банки филиали ходимининг имзоси билан тасдиқланади.

16. Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчасида ёзувларни қайд этиш учун жой этишмаган тақдирда (барча бетлар тўлдириб бўлинганда) олувчига ушбу Низомнинг 8 ва 9-бандларида кўрсатилган маълумотлар мавжуд бўлган Сукма варақ берилади. Сукма варақни бериш тартиби Халқ банки томонидан белгиланади.

17. Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси йўқолганда (йўқотиб қўйилганда ёки яроқсиз бўлиб қолганда) олувчининг аризаси асосида шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағининг айнан ўша доимий шахсий тартиб рақами билан, маълумотларнинг ягона электрон базасидаги маълумотлар асосида унинг дубликати берилади.

**V. Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаларини сақлаш  
ва ҳисобга олиш**

18. Халқ банки филиали томонидан олинган Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчалари бланкалари олинган куннинг ўзида масъул ходимлар томонидан қайта санаб чиқилади ва кирим қилинади.

19. Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаларини олиш ва беришнинг ҳисобини юритиш ип ўтказиб тикилган ва тартиб рақами қўйилган ҳисобга олиш дафтарида, қатъий ҳисобда турадиган бланкаларни ҳисобга олиш ва сақлаш учун белгиланган тартибда амалга оширилади.

20. Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаларини ҳисобга олиш Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган тегишли бухгалтерия ҳисоб варағи ва шартли қийматда олиб борилади.

Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси  
тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА

№ \_\_\_\_\_  
(шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағининг тартиб рақами)

**Фамилияси** \_\_\_\_\_

**Исми** \_\_\_\_\_

**Отасининг исми** \_\_\_\_\_

**Туғилган санаси** \_\_\_\_\_

(йил, кун, ой)

Жамғариб бориладиган пенсия тизимида ҳисобга олинган сана \_\_\_\_\_

(йил, кун, ой)

**Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси** \_\_\_\_\_ да

(йил, кун, ой)

**Халқ банкининг** \_\_\_\_\_

(филиал номи)

\_\_\_\_\_ филиали томонидан берилди.

М.Ў.

\_\_\_\_\_  
(Халқ банки филиали мансабдор шахсининг имзоси)

АА № 000000

Жамғариб бориладиган пенсия дафтарчаси  
тўғрисидаги низомга  
2-ИЛОВА

-сон

шахсий жамғариб бориладиган пенсия  
ҳисобварағидаги жамғармалар тўғрисидаги  
маълумотлар

Т/р	Сана	Тушумлар	Берилди	Қолдиқ	Имзо

AA № 000000

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

**517** Ўзбекистон Республикасининг Хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислом корпорациясига аъзолиги тўғрисида

Халқаро молия институтлари билан ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Ислом тараққиёт банкига аъзолигини ҳисобга олиб Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистоннинг Хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислом корпорациясига қабул қилиниши тўғрисидаги қарор Хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислом корпорацияси (ХСРИК) раҳбарияти томонидан маъқулланганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

---

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.

2. Хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислом корпорациясини таъсис этиш тўғрисида 1999 йил 3 ноябрдаги Битим модалари қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислом корпорациясини таъсис этиш тўғрисидаги Битимни қабул қилганлиги Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати номидан Хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислом корпорациясига маълум қилинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкига:

ХСРИК ўз авуарларини сақлаши мумкин бўлган депозитарий;

Хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислом корпорациясини таъсис этиш тўғрисида 1999 йил 3 ноябрдаги Битим билан боғлиқ масалалар юзасидан ХСРИК билан алоқаларни амалга ошириш функциялари юклансин.

4. Хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислом корпорацияси устав капиталига Ўзбекистон Республикаси бадалларини тўлаш жадвали иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки белги-ланган тартибда:

ўз маблағлари ҳисобига ҳар бирининг номинал қиймати 10 000 АҚШ доллари бўлган 5 та акцияга ёзилишни;

иловага асосан тасдиқланган тўлов жадвалига мувофиқ бадаллар тўланишини таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки бошқаруви раиси — Ислом тараққиёт банки бошқарувчисининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ўринбосари З.С. Мирхўжаев Хусусий секторни ривожлантириш бўйича Ислом корпорацияси Бош Ассамблеясида Ўзбекистон Республикаси номидан фаолият юритишга вакил қилинсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.М. Ганиев зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 21 декабрь,  
596-сон

---

\* Илова берилмайди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

**518** Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 сентябрдаги  
407-сон қарорини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш  
тўғрисида

Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

Вазирлар Маҳкамасининг «Шакар хом ашёси харид қилиш механизмини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 20 сентябрдаги 407-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 22 декабрь,  
599-сон

**БЕШИНЧИ БЎЛИМ**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БУЙРУҒИ

**519** Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2002 йил  
27 декабрдаги 140-сон Молиявий ҳисобот шакллари  
ва уларни тўлдириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисидаги буй-  
руғига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил  
20 декабрда 1209-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2004 йил 30 декабрдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуни 16-моддасига, Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги қонуни 23-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1992 йил 23 ноябрда 553-сон билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳақида Низомга мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг 2002 йил 27 декабрдаги 140-сон Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисидаги буйруғига (2003 йил 24 январь, рўйхат рақами 1209 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2003 йил 1-2-сон) иловага\* биноан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилганидан сўнг ўн кундан кейин кучга киради.

**Молия вазири С. РАХИМОВ**

Тошкент ш.,  
2004 йил 9 декабрь,  
129-сон

---

\* Илова рус тилидаги матнда берилган.

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Адлия вазирлиги маълум қилади:**  
**вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг**  
**умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат**  
**рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида**  
**2004 йил 18 декабрдан 24 декабргача бўлган маълумот**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2002 йил 27 декабрдаги 140-сон Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисидаги буйруғига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2004 йил 9 декабрдаги 129-сон буйруғи.*

*2004 йил 20 декабрда 1209-2-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 30 декабрдан кучга киради).*

**II. Давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим эмас:**

1. «Чиқиндиларни қайта юклаш станцияларини техникавий эксплуатация қилиш қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» *Ўзкоммунхизмат агентлиги бош директорининг буйруғи.*

2. «Лабораторияларда металл симоби билан ишлашда меҳнат муҳофазаси қоидаларини тасдиқлаш ҳақида» *«Саноатконтехназорат» Давлат инспекцияси бошлигининг буйруғи.*

**Адлия вазирлиги билан келишилган ҳолда мазкур ҳужжатлар техник ҳужжатлар деб топилди, шунинг учун улар белгиланган тартибда ушбу идоралар томонидан тасдиқланиб, кучга киритилиши мумкин. Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим бўлмаган меъёрий ҳужжатларда амалдаги қонун ҳужжатларига зид қоидалар бўлмаслиги лозим.**